iScience™

# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 1(45)

Переяслав
2020

# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

XLV Международная научная конференция
26-27 января 2020 г.

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

ВЫПУСК 1(45)

Переяслав

УДК 001 (082)
ББК 72я43
А43

**Главный редактор:**
Коцур В.П., доктор исторических наук, профессор, академик Национальной академии педагогических наук Украины

**Редколлегия:**

| | |
|---|---|
| **Базалук О.А.** | д-р филос. наук, професор (Украина) |
| **Доброскок И.И.** | д-р пед. наук, профессор (Украина) |
| **Кабакбаев С.Ж.** | д-р физ.-мат. наук, профессор (Казахстан) |
| **Мусабекова Г.Т.** | д-р пед. наук, профессор (Казахстан) |
| **Смырнов И.Г.** | д-р геогр. наук, профессор (Украина) |
| **Исак О.В.** | д-р социол. наук (Молдова) |
| **Лю Бинцян** | д-р искусствоведения (КНР) |
| **Тамулет В.Н.** | д-р ист. наук (Молдова) |
| **Брынза С.М.** | д-р юрид. наук, профессор (Молдова) |
| **Мартынюк Т.В.** | д-р искусствоведения (Украина) |
| **Тихон А.С.** | д-р мед. наук, доцент (Молдова) |
| **Горащенко А.Ю.** | д-р пед. наук, доцент (Молдова) |
| **Алиева-Кенгерли Г.Т.** | д-р филол. наук, профессор (Азербайджан) |
| **Айдосов А.А.** | д-р техн. наук, профессор (Казахстан) |
| **Лозова Т.М.** | д-р техн. наук, профессор (Украина) |
| **Сидоренко О.В.** | д-р техн. наук, профессор (Украина) |
| **Егиазарян А.К.** | д-р пед. наук, профессор (Армения) |
| **Алиев З.Г.** | д-р аграрных наук, профессор, академик (Азербайджан) |
| **Партоев К.** | д-р с.-х. наук, профессор (Таджикистан) |
| **Цибулько Л.Г.** | д-р пед. наук, доцент, профессор (Украина) |
| **Баймухамедов М.Ф.** | д-р техн. наук, профессор (Казахстан) |
| **Хеладзе Н.Д.** | канд. хим. наук (Грузия) |
| **Таласпаева Ж.С.** | канд. филол. наук, профессор (Казахстан) |
| **Чернов Б.О.** | канд. пед. наук, профессор (Украина) |
| **Мартынюк А.К.** | канд. искусствоведения (Украина) |
| **Воловык Л.М.** | канд. геогр. наук (Украина) |
| **Ковальська К.В.** | канд. ист. наук (Украина) |
| **Амрахов В.Т.** | канд. экон. наук, доцент (Азербайджан) |
| **Мкртчян К.Г.** | канд. техн. наук, доцент (Армения) |
| **Стати В.А.** | канд. юрид. наук, доцент (Молдова) |
| **Цибулько Г.Я.** | канд. пед. наук, доцент (Украина) |

Актуальные вызовы современной науки // Сб. научных трудов - Переяслав, 2020. - Вып. 1(45) – 169 с.

**Языки издания:** українська, русский, english, deutsche, español, polski, беларуская, казақша, o’zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

Сборник предназначен для научных работников и преподавателей высших учебных заведений. Может использоваться в учебном процессе, в том числе в процессе обучения аспирантов, подготовки магистров и бакалавров в целях углубленного рассмотрения соответствующих проблем. Все статьи сборника прошли рецензирование, сохраняют авторскую редакцию, всю ответственность за содержание несут авторы.

УДК 001 (082)
ББК 72я43
А43

© NGO THE INSTITUTE FOR SOCIAL TRANSFORMATION, 2020
© Коллектив авторов, 2020

# СОДЕРЖАНИЕ

## СЕКЦИЯ: БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Alloberganova Z. B.,Sapayeva G. A.,**
**Ataboyeva M. R. (Urganch, Uzbekistan)**
TESHIK CHOYO'T (HYPERICUM PERFORATUM L) O'SIMLIGINING DORIVORLIK XUSUSIYATI VA TARQALISH AREALI……………………….. 8
**Alloberganova Z. B., Bekchanova M. Q.,**
**Otajonova Y. O. (Urganch, Uzbekistan)**
TABIIY SUV HAVZALARIDA BALIQCHILIKNING QISQACHA RIVOJLANISH TARIXI………………………………………………………. 10
**Абдурахимов У. К., Салимова С. К.,**
**Бабаджанова С. Х. (Ургенч, Узбекистан)**
ПРОДУКТИВНОСТЬ И УРОЖАЙНОСТЬ РАСТОРОПШИ ПЯТНИСТОЙ (SILYBUM MARIANUM L.) В ЗАВИСИМОСТИ ОТ НОРМ ВЫСЕВА В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ……………………………………. 13
**Аллоберганова З. Б., Бекчанова М. К.,**
**Атажонов О. Й., Файзуллаев Р. Қ. (Ургенч, Узбекистан)**
ҚАДИМИЙ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТЛИ ТОМОНЛАРИ………. 16

## СЕКЦИЯ: ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

**Қаюмов Сухроб Сабирович (Такшкент, Узбекистан)**
ТАСВИРИЙ САНЪАТДА КОМПОЗИЦИЯ МАСАЛАЛАРИ…………………. 19

## СЕКЦИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Nurmamatov J. Q. (Urganch, Uzbekistan)**
XORAZMSHOHLAR DAVLATI TASHKIL TOPISH ARAFASIDA O'RTA OSIYODAGI SIYOSIY JARAYONLAR……………………………………….. 22
**Nurmamatov J. Q. (Urganch, Uzbekistan)**
BUYUK XORAZMSHOHLAR DAVRIDA DIPLOMATIK MUNOSABATLAR… 24
**Қаратаева Динара Ғалымбайқызы,**
**Нурланова Гульнур Ныгыметдолдановна**
**(Талдықорған, Казахстан)**
НИККОЛО МАКИАВЕЛЛИДІҢ САЯСИ КӨЗҚАРАСТАРЫ…………………... 26

## СЕКЦИЯ: МЕДИЦИНСКИЕ НАУКИ

**Рахимов Ж. Т., Усмонхонов О. А.,**
**Буриев М. Н. (Такшкент, Узбекистан)**
ЛЕЧЕНИЕ РАЗГИБАТЕЛЬНО - ОТВОДЯЩЕЙ КОНТРАКТУРЫ ТАЗОБЕДРЕННОГО СУСТАВА………………………………………………… 35
**Уразбаева Дилбар Абдуллаевна,**
**Кенжаева Машхура Кузибаевна (Урганч, Узбекистан)**
ОНКОЛОГИК БЕМОРЛАРДА РУҲИЙ ҲОЛАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ……………………………………………………………………... 36

## СЕКЦИЯ: ПЕДАГОГИКА

**Babayeva Nodira Babayevna (Qarshi, O'zbekiston)**
MATEMATIKA FANIDAN TEZKOR SAVOLLAR……………………………. 39

**Boboyev Omonxon Muhammadiyevich (Qarshi, O’zbekiston)**
AN`ANAVIY XONANDALIKDA KUYLASH USLUBLARINI O`RGANISH……. 41
**Boysunova Orzigul (Qarshi, O’zbekiston)**
O’QUVCHILARNING MA’NAVIY KAMOLOTINI SHAKLLANTIRISHDA ERTAKLARNING O’RNI…………………………………………………….. 45
**G’aniyev O’., Ismoilova M., Usmonov Murod, (Jizzax, O’zbekiston)**
KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O`YINLI TEXNOLOGIYALARNING O`RNI……………………………………………….. 47
**Karimova Guljahon Karimovna (Qarshi, O’zbekiston)**
O’QISH DARSLARIDA “TUSHUNCHALAR TAHLILI” INTERFAOL METODINI QO’LLASH………………………………………………………. 49
**O’rinova Latofat Shovkatovna,**
**Aqqo’ziyeva Komila Qahramonovna (Qarshi, O’zbekiston)**
O‘QUV FAOLIYATINI BOSHQARISH VA TASHKIL ETISHNING DOLZARB OMILLARI……………………………………………………… 51
**Qurbonov Quldosh Yuldoshevich (Qarshi, O’zbekiston)**
O`QITISH JARAYONINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA TA`LIMGA INNOVATSION YONDASHISH................................................................... 54
**Rashidova Ra’no Ganiyevna (Qarshi, O’zbekiston)**
DARSLIK- KICHIK YOSHDAGI O’QUVCHILARDA O’QUV MUVOFIQLIGINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK VOSITA SIFATIDA.. 57
**Salayeva Zarafshon (Urganch, Uzbekistan)**
HAR BIR DARS – IJOD, HAR BIR BOLA – KELAJAK………………………... 59
**Usmonov M., Shukurova X. (Jizzax, O’zbekiston)**
TA’LIM JARAYONIDA MASOFAVIY TA’LIMNING O’RNI............................ 60
**Адамқұлов Н. М., Онгарбаева С.С. (Талдықорған, Казахстан),**
**Таттибаева Г. Б. (Тараз, Казахстан),**
**Адамқұлов Е. М. (Алматы, Казахстан)**
ОҚУШЫЛАРДЫ КӨРКЕМ-ЕҢБЕККЕ ОҚЫТУҒА ҰЙЫМДАСТЫРУ ҮРДІСІ........................................................................................................ 62
**Алхамбаева Гүлназ Ерғалықызы (Караганда, Казахстан)**
САЯСИ ДИСКУРСТАҒЫ МЕТАФОРА...................................................... 67
**Курбанова Мохидил Улугбек Кизы,**
**Пакирдинова Шаходат Абдумаликовна,**
**Юлдашева Зарнигор Хасанбой кизы (Фергана, Узбекистан)**
ЭФФЕКТИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РАННИХ ДЕТЕЙ................................ 71
**Матмуратов Курамбай Машарипович,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги (Такшкент, Узбекистан)**
ИПАККА ТАСВИР (РАСМ) ЧИЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.............................. 75
**Мирзакаримов Хаётбек Хосилбекович**
**(Такшкент, Узбекистан)**
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ……………………………………………….. 79
**Мухитдинова Маъмурахон Усмоновна (Фергана, Узбекистан)**
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ И КУЛЬТУР В ШКОЛЕ………………………….. 83

**Ортиқова Н. Б. (Жиззах, Ўзбекистон)**
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ…………………………………… 86
**Рустамов Лазизбек Хусанбоевич (Такшкент, Узбекистан)**
УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙНЛАРНИНГ ЎРНИ…………… 88
**Рустамов Лазизбек Хусанбоевич (Такшкент, Узбекистан),**
**Умматов Нозим Раимжонович (Наманган, Узбекистан)**
ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ ЭСТЕТИК АСОСЛАРИНИ АНГЛАШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ………………………………………………… 90
**Усмонов М. С., Шукурова Х. (Джизак, Узбекистан)**
СОВРЕМЕННОГО КУРСА ИНФОРМАТИКИ: ЕГО СУЩНОСТЬ И ПОТЕНЦИАЛ………………………………………… 91
**Юсупов Жасур, Убайдуллаева Шахло,**
**Азамова Феруза, Дусмуродова Наргиза (Қарши, Ўзбекистон)**
ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ РУХИДА ТАРБИЯЛАШ-ДАВР ТАЛАБИ…………………………………… 93
**Мусабекова Г. Т., Турсынбай Тамбаев,**
**Айдын Тынышбай (Жетысай, Казахстан)**
КАЗАХСКИЕ ОБЫЧАИ, ВЕРОВАНИЯ, ТРАДИЦИИ ЯВЛЯЮТСЯ ВАЖНЫМ НАЧАЛОМ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ…………… 95
**Умматов Нозим Раимжонович (Наманган, Ўзбекистон)**
ЎҚУВЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ…. 100

## СЕКЦИЯ: ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Bekmuradova Dilnoza Pirimovna (Qarshi, O’zbekiston),**
**Haydarova Nasiba Qosimovna (Nishon, O’zbekiston)**
UMUMTA’LIM MAKTABLARIDA AMALIYOTCHI PSIXOLOGNING PROFILAKTIK ISHI…………………………………………………………….. 103
**Bozorova Xalida Dilmanovna (Muborak, O’zbekiston)**
O`SMIRLIK DAVRIDA TARBIYANING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI... 105
**Urazboyeva Dilbar Abdullaeva,**
**Jabbarov Jamshid Farxodovich (Urganch, Uzbekistan)**
KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O’QUVCHILARDA BILISH JARAYONLARINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI……………………… 107
**Бозаров Элёр, Азизова Лутфия,**
**Бердиева Мўтабар (Карши, Узбекистан)**
ЁШЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР……………… 110
**Отамуродова Нигора Набиевна,**
**Отамуродова Ҳадича Рахматулла қизи (Ғузор, Узбекистон)**
ХУЛҚ ОҒИШИГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ПСИХОКОРРЕКСИОН ТАДБИРЛАР…………………….. 112
**Соатов Асадуллоҳ Жабборович,**
**Дадаева Нилуфар Йўлдошовна (Қарши, Ўзбекистон)**
ЎҚИТУВЧИНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ……………………………… 115

## СЕКЦИЯ: СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО

**Tog'ayeva M. A. (Qarshi, Uzbekistan)**
IRIS. L. TURKUMI ISTIQBOLLI NAVLARINI QARSHI SHAROITIDA MAVSUMIY RIVOJLANISH KO'RSATKICHLARI……………………………… 119
**Исашов Анваржон, Абдулхаков Ферузбек Холидинович Мирфозилов Нодирбек Азамжонович, Эгамбердиев Мухриддин Мадаминжон ўғли (Андижан, Узбекистан)**
ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИ БИЛАН ҒЎЗА ПАРВАРИШЛАШДА ТОРФДАН ОЛИНГАН ГУМИН ПРЕПАРАТИНИНГ ТАЪСИРИ……………. 122

## СЕКЦИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

**Amirkhanyan Nelly (Yerevan, Armenia)**
THE LANGUAGES OF SMS………………………………………………………. 129

## СЕКЦИЯ: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Каипбергенова Гулжамила Расбергеновна, Мамутова Айгул Калмурзаевна (Нукус, Узбекистан)**
АНАЛИЗ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА ФЕРМЕНТАЦИИ КАК ОБЪЕКТА МОДЕЛИРОВАНИЯ И УПРАВЛЕНИЯ……………………… 135

## СЕКЦИЯ: ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Гуламова Малика Якубовна (Самарканд, Узбекистан)**
ТАКТИКО-СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОСТРОЕНИЯ ИТАЛЬЯНСКОГО ПОЛИТИЧЕСКОГО ДИСКУРСА…………………………. 138
**Ниязова Озода Холтемировна (Қарши, Узбекистон)**
БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ……………………… 140
**Рустамова Малика Мурадуллаевна (Самарканд, Узбекистан)**
СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ…………………………… 143
**Садыкова Баҳора Махмуровна (Самарканд, Узбекистан)**
ИТАЛЬЯН АДИБИ Н.АММАНИТИНИНГ "IO NON HO PAURA" ("МЕН ҚЎРҚМАЙМАН") АСАРИДАСЎЗЛАШУВ НУТҚИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ……….. 146

## СЕКЦИЯ: ЭКОЛОГИЯ

**Ismayilova I., Maxmudova M. (Urganch, Uzbekistan)**
SOG`LOMLASHTIRUVCHI JISMONIY TARBIYANING INSON HAYOTIDAGI O'RNI……………………………………………………………… 150
**Аҳмедова Д., Маткаримова О. (Фарғона, Ўзбекистон)**
УРБАНИЗАЦИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ……………………………….. 152

## СЕКЦИЯ: ЭКОНОМИЧЕСИКИЕ НАУКИ

**Мардонов Шерзод Рустамович (Такшкент, Узбекистан)**
ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШГА МОСЛАШТИРИШ………………………… 155
**Омонова Насиба Рахмонкуловна (Такшкент, Узбекистан)**
ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА УЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎРНИ……… 159

## СЕКЦИЯ: ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Абдреймов Юсупбай Турдибаевич,**
**Досназарова Айгул Даулетназаровна (Нукус, Узбекистан)**
МЕЦЕНАТСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ…………………………………………… 165

ИНФОРМАЦИЯ О СЛЕДУЮЩЕЙ КОНФЕРЕНЦИИ.................................... 168

# СЕКЦИЯ: БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Alloberganova Z. B., Sapayeva G. A., Ataboyeva M. R.**
**(Urganch, Uzbekistan)**

## TESHIK CHOYO'T (HYPERICUM PERFORATUM L) O'SIMLIGINING DORIVORLIK XUSUSIYATI VA TARQALISH AREALI

Inson yashashi va hayot kechirishi uchun o'simliklar olamining urug', meva, poya va barglaridan, qolaversa ularni sut va shiralaridan foydalangan. Inson o'z hayot holati, oziqlanishi, keyim-kechak, qurilish, yoqilg'i mahsulotlariga bo'lgan talabini o'simliklar hisobidan qondirgan. Kishilik jamiyati o'zining asrlar davomida o'simliklardan ayrim o'simliklarni o'ziga hos dori-darmonlik hususiyatini aniqlay borgan va undan tegishli kasalliklarni davolashda qo'llagan. SHu sohaga taalluqli adabiyotlardan ma'lumki, o'z davrining mutaffakir olimlaridan biri, eramizdan oldin 469-377 yillarda yashab ijod etgan Gippokrat asarlarida 236 o'simlik turini, SHarqning buyuk allomasi Ibn Sino asarlarida uning 336 o'simlik turini bilganligi va ulardan dori-darmon sifatida foydalanganligi haqida ma'lumotlar bor (Saxobiddinov S.S, Xolmatov).

Hozirgi kunda mustaqil O'zbekiston respublikasida shu sohada ilmiy tadqiqot ishlari olib borgan olimlarning ma'lumotlariga (Hojimatov va boshqalar 1995) ko'ra O'zbekistonda dorivor o'simliklarning 250 turi tarqalgan.

Anashunday dorivor o'simliklardan bittasi teshik dalachoy - Hypericum perforatum L o'simligidir. Bu o'simlik dalachoydoshlar - Hypericaceae oilasiga kiraib? Hayotiy shakliga ko'ra ko'p yillik, bo'yi 30-100 sm ga yetadigan o't o'simlik. Ildizpoyasi va ildizi sershox. Poyasi bir nechta, tik o'suvchi, silliq, tuksiz, qirrali bo'lib, yuqori qismi qarama-qarshi shoxlangan. Bargi oddiy, cho'ziq - tuxumsimon, tekis qirrali bo'lib, poyada bandsiz qarama-qarshi joylashgan. Gullari tilla-sariq rangda, besh bo'lakli, qalqonsimon ro'vakka to'plangan. Mevasi - uch xonali, ko'p urug'li, pishganda ochiladigan ko'sakcha mevadir.

Urug'i mayda, cho'zinchoq va chuqurchali bo'lib, qo'ng'irrangga bo'yalgan. Iyun-avgust oylarida gullaydi, mevasi iyul-sentabrda yetiladi.

**Geografik tarqalishi.** Ukraina, Belorus, Moldova, Boltiq bo'yi mamlakatlari, Rossiyaning Yevropa qismi va G'arbiy Sibirning o'rmon, o'rmon-cho'l hududlarida, Kavkazda, O'rta Osiyoda hamda Qozog'istonda uchraydi.

**Mahsulot tayyorlash.** O' simlik gullaganida yerustki qismining yuqorisidan

15-20 sm uzunlikda o'rib olinadi. Soya yerda quritib, poyadan barglar va gullarni yanchib, ajratib olinadi.

**Mahsulotning tashqi ko'rinishi.** Tayyor mahsulot barg, gul, pishmagan meva aralashmalaridan hamda qisman bargsiz poyadan iborat. Poyasi silindrsimon, yuqori qismi shoxlangan, ikki qirrali va tuksiz. Bargi cho'ziq - tuxumsimon, tekis qirrali, tuksiz, uzunligi 0,7-3,5 sm, eni 1,4 sm, unda nuqta shaklidagi joylar uchraydi. Guli to'g'ri, gulkosachasi chuqur besh bo'lakka qirqilgan, tojbargi 5 ta, tilla rangida, cho'ziq - ellipssimon yuqori qismi qiyshiq va tishsimon qirrali, otaligi ko'p sonli, onalik tuguni uch xonali, yuqoriga joylashgan. Mahsulotning xushbo'y hidi, achchiqroq, biroz burishtiruvchi mazasi bor.



**Dalachoy o'simligi (Hypericum maculatum)**

**Kimyoviy tarkibi.** Mahsulot tarkibida 10-12,8% oshlovchi moddalar, 0,1-0,4% antratsen hosilalari (giperitsin va boshqalar), flavonoidlar (giperozid, rutin, kversitrin, kversetin va boshqalar), 0,1-0,33% efir moyli, 55 mg% karotin, 1151,8 mg% vitamin C va 10% gacha smola bo'ladi.

**Ishlatilishi.** Burishtiruvchi, antiseptik va yara to'qimalarini tez bitiruvchi ta'sirga ega. Tibbiyotda me'da-ichak (kolit, ich ketishi), og'iz bo'shlig'i (gingivit va stomatit) kasalliklari hamda II va III darajali kuyishlarni davolashda, shuningdek, og'izni chayish uchun ishlatiladi

O'simlikning yerustki qismi bakteritsid ta'sirga ega. Dorivor preparatlari. Damlama, nastoyka, suyuq ekstrakti, bakteritsid preparat novoimanin, peflavit (katexinlar summasi tabletka holida Bolgariyada chiqariladi, vitamin P ta'siriga ega).

Novoimanin to'q qo'ng'irrangli kukun bo'lib, ular suvdagi, suv bilan spirt va suv bilan glitserin aralashmasidagi 0,5-1% li eritma hamda kukun holida va surtma sifatida oddiy, yiringlagan yaralar, kuygan joy, chipqon va boshqa yiringli jarayonlarni davo-lash uchun ishlatiladi.

Dalachoy o'simligining moyli ekstrakti (qizilpoycha moyi) me'da-ichak yarasi kasalliklarini davolashda ishlatiladi. Bu o'simliklarning yerustki qismi tarkibida 10-12% oshlovchi moddalar, 0,9-2% flavonlar (kversetin, kversitrin, giperozid, rutin va $_{0}$° boshqalar), 5,6 % antotsianlar, 0,22 % gacha efir moyi, 15 mg % gacha karotin, 240 mg % gacha vitamin C va boshqa birikmalar borligi aniqlandi. O'zbekistonda o'sadigan bu o'simlik turlarini tibbiyotda ishlatishga hamda mahsulot sifatida O'zbekistonda tayyorlash tavsiya etildi.

Ilmiy tabobatda yurak stimuli (faoliyati) ni oshirish (yaxshilash) to'qimalar, regeneratsiyasi, jarohatni tiklanishi va nevrosteniya va nevralgiya, ginekologik kasalliklarni davolashda hamda damni dipressiya xolati va kqo'rquvni oldini olishda qo'llaniladi.

Xalq tabobatida dipressiya holati, qo'rquv, tinchsizlanish, asab buzilishi choy o'ti qaynatmasi hamda yurak, o'pka, jigar, oshqozon-ichak, jigar, bavosil va teri kasallikliklarini davolash va ayniqsa jigar raqini davolashda keng qo'laniladi.

CHoy o'ti yer ustki organlarini terib olingan sharbat bilan og'iz, tomoq kasalliklari davolanadi. Gulidan tayyorlangan qaynatma bo'g'ma kasalligi, yurak faoliyatini yaxshilash, oshqozon hamda 12 barmoqli ichak yaralarini davolashda

qo'llaniladi. Urug'idan tayyorlangan qaynatma ich qotishini oldini oladi.

Tabiiy xolda ayrim tog'oldi tumanlarda xar gektaridan 15-20 tsentnergacha (er usti organlari) quritilgan xom-ashyo olish mumkin. Zaharli o'simlik extiyot bo'lish lozim. Ayrim joylarda extiyotsizlik natijasida kattik zaxarlanish xolatlari kuzatilgan. Massagetov P.S (1947).

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ibragimov A.Ya. Dorivor va ziravor o'simliklar, //Toshkent., Ibn Sino nashriyoti, 2005.
2. Murdaxaev Yu. M. O'zbekistonda vatan topgan dorivor o'simliklar. //Toshkent, Ibn Sino nashriyoti, 1990.
3. Xolmatov X. X., Habibov. O'zbekiston dorivor o'simliklari. //Toshkenr, "Meditsina" nashriyoti, 1972.
4. Xolmatov X. X. va boshqalar Ruscha - lotincha - o'zbekcha dorivor o'simliklar lug'ati, // Toshkent, Ibn Sino nashriyoti, 1992.

**Alloberganova Z. B., Bekchanova M. Q., Otajonova Y. O.**
**(Urganch, Uzbekistan)**

## TABIIY SUV HAVZALARIDA BALIQCHILIKNING QISQACHA RIVOJLANISH TARIXI

Eramizdan ancha avvalroq ba'zi insonlar (xitoylik va rimliklar) baliqlarni sun'iy urchitish usullarini bilganlar. Buning uchun baliqlarga sun'iy urchiydigan hovuzlar qurib, ularning oziqlanish sharoitini yaxshilaganlar. Ularga sun'iy hovuzlarda baliqlarning ikrasini urug'lantirishning o'ta oddiy usullari ma'lum bo'lgan, bundan foydalanib tabiiy suv havzalarini, kanallarni, sholipoyalarni, hatto daryo va ko'llarni ham otalangan ikra va lichinkalar bilan baliqlantirganlar.

Asrlar o'ta borishi bilan baliqlarni ovlash (tutish) ishlari takomillasha bordi, ayniqsa doimiy yashash joylaridan urchish joylariga ko'chayotgan yo'llarda va urchish joylarida ularni tutish, daryo va ko'llarda baliqlar zaxirasining kamayib ketishiga sabab bo'ldi.

Shundan kelib chiqib, XI-XIV asrlardayoq ayrim Yevropa mamlakatlarida voyaga yetmagan balqlarni tutishni taqiqlovchi, baliqlarni tutish mavsumini qisqartiruvchi, urchish uchun ko'chayotgan yo'llarda va urchiyotgan joylarda baliqlarni ovlashni taqiqlovchi qonunlar joriy qilindi. Shunday mazmundagi qonunlar XVII asrlarga kelib Rossiyada ham joriy qilina boshladi. Ushbu qonunlar baliqlar zaxirasining ko'payishiga ijobiy ta'sir qil sada, insonlarning unga bo'lgan talabini qondira olmas edi.

Chunki odamlar baliqlarni ko'paytirishga nisbatan ularni tutish texnikasini takomillashtirishga ko'proq e'tibor berganlar. Dengiz va okeanlarda ularning o'z-o'zidan ko'payishi hisobiga hosil bo'la digan zaxirasi bitmas-tuganmas deb o'ylaganlar. Bunday tushunchalar XX asr boshlarida yanada kuchayib, baliqlarni ovlash juda jadallashib ketdi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) ning ma'lumotlariga ko'ra dunyo bo'yicha 1953-yilda iste'mol qilinadigan baliqlar 27,9 mln tonnani tashkil qilgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 1970-yilga kelib 39,1 mln tonnani, 1975-yilda 46,0 mln tonnani, 1985-yilga kelib esa 70,0 mln tonnani tashkil qilgan. Bu

tendensiyaning hanuzgacha davom etishi dengiz va okeanlarda baliq zaxiralarining kamayib ketishi, son jihatdan ko‘payib borayotgan insonlarning baliq mahsulotlariga bo‘lgan taqchilligini yuzaga keltirmoqda.

Insonlarning tabiiy suv havzalarida baliqlarni ko‘paytirishga qo‘ygan katta qadami Stefan Lyudvig Yakobi (1711-1784) ning baliqlarning urchish biologiyasida qilgan kashfiyotlaridan boshlandi deyish mumkin. S.L. Yakobining kashfiyotigacha olimlar baliqlarning ikrasi (tuxumi) ham boshqa yer yuzidagi hayvonlar kabi organizm (tana) ning ichida otalanadi deb o‘ylaganlar. Mashhur tabiatshunos Karl Linney (1708-1778) ham shu fikr tarafdori bo‘lgan. U erkak baliqlar spermasini suvga to‘kadilar, urg‘ochilari uni o‘z tanasiga so‘rib oladi va undan keyin otalanish urg‘ochi baliqlarning tanasi ichida sodir bo‘ladi deb o‘ylagan.

1842-yilda Jozef Remi va uning o‘rtog‘i Antuan Jegen degan baliqchilar Yakobining tajribalarini muvaffaqiyatli takrorladilar. Ularning tajribalari faqatgina Fransiyada emas, Yevropa mamlakatlarida ham katta qiziqish uyg‘otdi.

Fransuz embriologi Jan Viktor Kost baliqlarning ikralarini sun’iy urug‘lantirishning sanoat asosida baliq yetishtirishda ahamiyati juda kattaligini faol targ‘ib qiluvchilardan edi. U ikralarni inkubatsiyalash texnikasini takomillashtirgan, inkubatsiya apparatini yaratgan hamda “Amaliy baliqchilikdan qo‘llanmalar” kitobini nashr qildirgan. Uning qilgan ishlari va sanoat asosida baliq yetishtirish borasidagi bildirgan g‘oyalari olimlar orasidagina emas, balki fransuz hukumati organlarida ham katta qiziqish uyg‘otdi.

Fransiyada 1852-yilda Kosta kashf qilgan inkubatsiya uskunasi bilan jihozlangan Yevropadagi dastlabki Gyuningen baliqchilik zavodi ochildi. Uning ochilishi munosabati bilan baliqlarni sun’iy urchitish ishlari keng quloch yoydi. Rossiyada baliqlarni sun’iy urchitishning asos chisi va targ‘ibotchisi mashhur rus baliqshunosi Vladimir Pavlovich Vrasskiy (1829-1862) hisoblanadi.

U 1854-1855-yillarda dastlab forel baliqlarining, keyin ko‘plab boshqa baliqlarning ikralarini sun’iy urug‘lantirish borasida ko‘plab tajribalar o‘tkazdi va sezilarli muvaffaqiyalarga erishdi.

O‘sha paytda o‘tkazilgan baliqlarning ikralarini xo‘l usulda urug‘lantirish borasidagi tajribalarning ko‘rsatishicha, urug‘lantirish uchun olingan ikralarning 10-20 foizigina urug‘lanib, qolgan 80-90 foizi urug‘lanmasdan qoladi.

Urug‘lanish darajasining pastligi sabablarini o‘rganish maqsadida V.P. Vrasskiy ikra va spermalarning suvga tushguncha va undan keyingi holatini hamda otalangan ikraning tuzilishi va rivojlanishlarini o‘rgandi. Olgan ma’lumotlarini boshqa adabiyotlardagi ma’lumotlar bilan taqqosladi. Bunday olib borgan ishlari unga ikralarning otalanish darajasining pastligi sabablarini o‘rganishga imkon berdi. Bu sabablarni u quyidagicha izohlagan.

Agarda ikralar baliqlar tanasidan suvga tushgach 1-daqiqalarda spermatazoidlar bilan uchrashmasalar, keyin ular otalanmaydilar. Chunki, uning ustki qobig‘i suvda tezda shishib, ikraning ichki qismidan uzoqlashadi va spermatazoidlarning ichkariga kiradigan kanali (mikropili) yopiladi, natijada u otalanmay qoladi.

Spermatazoidlar baliq tanasidan suvga tushgandan keyin 1-2 daqiqada o‘zining faolligini va hayotchanligini yo‘qotadi. V.P. Vrasskiy ikralarni sun’iy urug‘lantirishning quruq yoki “rus usuli” deb yuritilgan usulini kashf qildi. Bu usul yordamida ikralarning 90 % gacha otalanishiga erishildi.

V. P. Vrasskiy usuliga ko‘ra urg‘ochi baliqyikssar V.P. Vlarning yetilgan

ikralari quruq idishga (kosa,likopcha, tog‘ora), erkaklarning urug‘i (spermasi) boshqa quruq shunday idishlarga olinadi. Undan keyin sperma suv bilan sut rangi darajasigacha aralashtiriladi va o‘sha zahotiyoq ikralar saqlangan idishga quyiladi. Ehtiyotkorlik bilan aralashtirish natijasida ikralarning yuqori darajada otalanishi amalga oshadi.

V. P. Vrasskiyning muvaffaqiyati erkaklik va urg‘ochilik jinsiy hujayralarining tanadan ajralib chiqqach bir xil yoki deyarlik bir xil va qisqa vaqtda qo‘shilishidir. Yakobi va Remilarning muvaffaqiyatsizligining sababi, jinsiy hujayralarning ketma-ket va tanadan ajralgandan keyin birmuncha vaqt o‘tgach, aralashtirilishidir.

Novgorod guberniyasidagi Nikolskiy baliqchilik zavodi nafaqat Rossiyada, balki butun dunyoda V. P. Vrasskiy kashf qilgan ikralarni urug‘lantirishning quruq usulini qo‘llagan zavod hisoblanadi.

Ushbu zavod ilmiy laboratoriya vazifasini ham bajarib, u yerda V.P. Vrasskiy baliqlarni urchitish va o‘stirish, naslli baliqlarni saqlash, spermani uzoqroq vaqt otalantirish qobiliyatini yo‘qotmasdan saqlash, ikralarni inkubatsiyalash, yosh baliqlarni saqlash va oziqlantirish, lichinkalarning dastlabki yoshlarida o‘sishini to‘xtatib yoki juda sekinlashtirib, ammo o‘ldirib qo‘ymasdan saqlash va tashish, otalangan ikralarni tashish muammolarini yechishga qaratilgan tajribalar olib bordi hamda bu borada u‘lkan muvaffaqiyatlarga erishdi.

Shuning uchun u hayotligidayoq Moskva Qishloq xo‘jaligida iqlimlashtirish qo‘mitasining Oltin medali va Parij Fanlar akademiyasining Oltin medali bilan taqdirlangan. V. P. Vrasskiy asos solgan o‘z zavodi yordamida Rossiyaning qamrab bo‘lmas suv havzalarini yuqori sifatli baliqlar bilan baliqlantirishni orzu qilgan edi. Ammo ijodiy faoliyatining eng gullab yashnagan paytida, 33 yoshida kasallik tufayli olamdan ko‘z yumdi.

V. P. Vrasskiyning vafotidan keyin Nikolskiy baliqchilik zavodi davlat mulki tasarrufiga o‘tkazildi. 1869-1879-yillarda zavodni M. K. Repinskiy, 1879-yildan keyin Oskar An dreyevich Grimm (1845-1921) kabi yetuk mutaxassis va olimlar boshqardilar.

O.A.Grimm Nikolskiy baliqchilik zavodi qoshida ixtiologiya, gidrobiologiya, gidrokimyo laboratoriyalarini tashkil qildi va muvaffaqiyatli boshqardi. 1921-yildan boshlab Rossiyada baliqchilik boshqarmasiga qarashli barcha zavodlarda baliqlarni yoppasiga sun’iy urchitishga e’tibor kuchaytirildi. 1921-1922-yillarda ushbu zavodlarda 39 mln sig, losos, belobris kabi baliqlarning lichinkalari mamlakatning tabiiy suv havzalariga qo‘yib yuborildi. 1932-yillarga kelib bu ko‘rsatkich 4,15 mlrd ga yetdi. 1940 yilning boshlarida ko‘chmanchi va yarim ko‘chmanchi baliqlarning lichinkalarini urchish jarayoni kechadigan joylada kattaroq yoshgacha o‘stirib, birmun cha baquvvatlashgandan keyin, ajdodlari qaytib ketadigan doimiy yashash joylariga qo‘yib yuborishga erishish va shu tufayli ulardan olinadigan yirik baliqlarning sonini, natijada umumiy baliq mahsulotlari ishlab chiqarish miqdorini ko‘paytirish muammosini hal qilish borasida ishlar boshlandi. Ikkinchi jahon urushi bu ishlarning to‘xtab qolishiga sabab bo‘ldi.

1950-yillardan boshlab bu ishlar qaytadan davom ettirila boshlandi. Azov, Orol, Boltiq, Barens, Oq, Kaspiy, Qora dengizlar, Onega va Ladoga ko‘llari, Uzoq Sharq dengizi, daryo va Sibir ko‘llari havzalarida ko‘plab baliqchilik zavodlari tashkil qilindi. Bu zavodlarda milliardlab sazan, leshch, sudak baliqlarining, millionlab osyotr va lososlarning yosh baliqchalari yetishtirilib tabiiy suv havzalariga qo‘yib yuborildi. Bu ishlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishda yuqori malakali kadrlar tayyorlash

muhim ahamiyatga ega bo‘lish bilan birgalikda mavjud suv havzalarining ekologik holatini yuqori darajada saqlash uchun daryo, ko‘l, dengiz va okeanlarning ifloslanishining oldini olish choralarini ko‘rish faqat davlat ahamiyatiga ega bo‘lib qolmasdan har bir fuqaroning vazifasi bo‘lib qolmog‘i kerak.

**ADABIYOTLAR:**

1. Zohidov O’.E. Zoologiya ensiklopediyasi (baliqlar va tuban xordalilar). //O’qituvchi., “Fan” nashriyoti, 1979.
2. Xaqberdiyev P. S., Davlatov R. B. Baliqlarni oziqlantirish, ularning kasalliklarini davolash va oldini olish. //Samarqand, 2012.
3. Kamilov B. G., Qurbonov R. B. Baliqchilik (O‘zbekistonda karp baliqlarini ko‘paytirish). //O’qituvchi, 2009.
4. Shohimardonov D. R. Mintaqalarda baliqchilikni rivojlantirish. //O’qituvchi, 2001.

**Абдурахимов У. К., Салимова С. К., Бабаджанова С. Х.**
**(Ургенч, Узбекистан)**

# ПРОДУКТИВНОСТЬ И УРОЖАЙНОСТЬ РАСТОРОПШИ ПЯТНИСТОЙ (SILYBUM MARIANUM L.) В ЗАВИСИМОСТИ ОТ НОРМ ВЫСЕВА В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Лекарственная политика Республики Узбекистан основана на принципах обеспечения медицинских учреждений и населения эффективными, безопасными и доступными лекарственными средствами. В связи с этим в постановлениях правительства особое внимание уделяется изучению лекарственных препаратов на основе лекарственных растений, выращиваемых в местных условиях. Основное внимание уделяется продуктам, которые требуют меньше времени и денег для запуска в производство. Экономически целесообразно внедрять такие препараты путем развития фитохимического производства.

Важным направлением в рациональном использовании природных ресурсов лекарственных растений является разработка национальных программ по обеспечению длительной эксплуатации и сохранности природных ресурсов лекарственных растений.

В реализации этой программы большое значение имеет поиск лучших источников биологически активных соединений, проведение медико-биологической оценки активных веществ и компонентов, определению сырьевой базы растений, перспективных для создания препаратов, изучению биотехнологических возможностей получения лекарственного сырья.

В составе флоры нашей страны имеется большое количество растений, важных для народного хозяйства. Но изучение таких растений идет не равноценно, и зачастую обделяются вниманием перспективные в различных направлениях (научных, медицинских, промышленных и др.) виды.

Культивируемые лекарственные растения являются важнейшим источником лекарственного сырья, обеспечивающим более половины его массы. В настоящее время в промышленную культуру взято около 50 видов лекарственных растений.

Культивирование лекарственных растений – это выращивание лекарственных растений на плантациях. Включает комплекс мероприятий, направленных на изучение закономерностей развития растений в новых условиях произрастания и разработку агротехнических мероприятий по их выращиванию [1].

Основной причиной введения лекарственных растений в культуру является то, что заготовка дикорастущих видов не всегда может обеспечить потребности в них производства. Во многих случаях лекарственное растительное сырье, заготовленное в природных условиях, уступает культивируемым видам, прежде всего по таким показателям, как содержание действующих веществ, наличие примесей и другие.

Общеизвестно, что создание технологии возделывания любой культуры должно базироваться на результатах научных исследований, направленных на поиск оптимальных решений в повышении урожайности при высоком качестве и экологической безопасности продукции. Это предполагает использование наиболее прогрессивных составляющих уже известных наработок не только в данной, но и в смежных областях растениеводства [2].

Одним из путей создания устойчивой сырьевой базы для получения препаратов растительного происхождения считается возделывание лекарственных растений в культуре.

Улучшение обеспечения населения эффективными лекарственными средствами может быть достигнуто за счет увеличения источников лекарственного растительного сырья. Значительное влияние на выход и качество сырья лекарственных культур оказывают биологические особенности роста и развития данной культуры, ее способы, нормы и сроки посева для конкретного региона выращивания, его экологические условия, технология уборки, сушки и хранения лекарственного сырья [3].

Среди них весьма значимой является расторопша пятнистая (Silybum marianum L.), которая считается новой культурой в Республике Узбекистан, в частности в Хорезмской области. Однако возможность ее применения и технология возделывания в Хорезмской области не изучена.

Исходя из этого целью нашего исследования является изучение влияния норм высева на урожайность и продуктивность расторопши пятнистой (Silybum marianum L.) на аллювиально-луговых почвах Хорезмской области. Проведенные нами исследования изучались на экспериментальной базе Хорезмской академии Маъмуна Хивинского района Хорезмской области.

Почвы Хорезмской области, на которых ставились опыты, аллювиально-луговые. Они составляют 14,2% всех посевных площадей области, занимают земли в низовьях Амударьи. Они формировались в условиях современной дельты. Грунтовые воды минерализованы, залегают на глубине 1–3 м. По агрохимическим свойствам почвы характеризуются повсеместной карбонатностью, слабой оструктуренностью, малым содержанием гумуса и сильной склонностью к засолению. Почвы в основном среднезасоленные, хлоридно-сульфатного типа.

Исследования проводились в основном по мелкоделяночному опыту. При изучении сезонного ритма развития по стандартным методикам проводили наблюдения за сроками наступления основных фаз развития растений. Обработку фенологических дат осуществляли согласно

рекомендациям с учетом дополнений В. Н. Нилова (1980). Определение всхожести (лабораторно проводили по методике С. С. Лишук, 1991). Для анализа на всхожесть исследовали 3-4 повторности семян по 25-100 шт. в каждой (Зорина, Кабанова, 1987). Типы прорастания семян определяли по методикам проращивания семян, семенную продуктивность изучали по общепринятой методике (Вайнагий, 1985). Статистическая обработка данных по Б. А. Доспехову (1985).

В наших опытах использовался рядовой способ посева при нормах высева семян от 200, 400, 600 и 800 тыс. шт./га; ширина междурядий 40 см. Все варианты расположены в 4-х повторнастях, методом делянки и в смешанном порядке. Площадь делянки составляет 50 м$^2$ (5х10 м).

Наиболее интенсивное накопление вегетативной массы отмечалось в фазу полного цветения. В этот период происходило массовое образование цветков и плодов. Так, на варианте с густотой стояния растений 800 тыс. шт./га отмечается максимальное накопление зеленой биомассы.

Известно, что наивысший урожай получают при оптимальном размещении и количестве растений на 1 га. Для суммарного урожая с единицы площади посева этот оптимум обычно наблюдается при такой густоте, когда уже начинает сказываться взаимное угнетение растений, и когда масса одного растения несколько снижена по сравнению с массой при свободном стоянии. Из полученных нами результатов можно сделать вывод, что отмеченная закономерность наблюдается на посеве с густотой стояния растений 400 и 600 тыс. шт./га (табл. 1).

Максимальная урожайность была отмечена с густотой стояния растений 400 тыс. шт./га и составила 1,05 т/га. При густоте 600 тысяч урожайность составила 0,93 т/га. Максимальная урожайность обусловлена самыми высокими показателями листовой поверхности.

Нормы высева оказали влияние на дружность созревания семян расторопши пятнистой. Так, на варианте с большой густотой стояния растений (800 тыс. шт./га) начало созревания семян было отмечено на 17 дней раньше по сравнению с густотой стояния растений 200 тыс. шт./га.

**Таблица 1**

**Влияние норм высева на урожайность семян расторопши пятнистой и содержание масла**

| Ширина междурядий, см | Норма высева, тыс. т./га | Урожайность, т/га | | | Средняя урожайность, т/га | Содержание масла в семенах, % от абсолютно сухого вещества |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2016 | 2017 | 2018 | | |
| 40 | 200 | 0,59 | 0,91 | 0,74 | 0,82 | 22,4 |
| | 400 | 1,05 | 1,17 | 0,94 | 1,05 | 22,0 |
| | 600 | 0,90 | 1,07 | 0,82 | 0,93 | 21,5 |
| | 800 | 0,95 | 1,04 | 0,80 | 0,93 | 21,1 |

Из полученных результатов можно сделать выводы, что нормы высева оказывают влияние на биометрические показатели расторопши пятнистой. При увеличении нормы высева наблюдается тенденция к снижению высоты

растений на момент уборки. С увеличением нормы высева уменьшается среднее количество корзинок, снижается масса семян с одного растения и масса 1000 семян. Максимальная урожайность семян (1,05 т/га) формируется с нормой высева 400 тыс. шт. семян/на 1 га семян. Как увеличение, так и снижение густоты стояния растений приводит к уменьшению урожая.

В заключение можно сказать, что выращивание лекарственных растений позволяет не только улучшить качество сырья, но и использовать наиболее продуктивные формы культивируемых видов, применять агротехнические приемы и механизацию основных процессов, что в конечном итоге существенно снижает себестоимость сырья. Кроме того, производственная культура по сравнению с ресурсными заготовками в большей степени гарантирует возможность технологического контроля основных этапов его производства, послеуборочной доработки и сушки, компактность размещения площадей под требуемый уровень производства, значительно большую продуктивность и экологическую защищенность видов.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Майсурадзе Н. И., Хлопцев Е. Е., Пименов К. С. Интродукционное изучение новых лекарственных культур в условиях производства // М., 1988.
2. Карпинская Е. В. Биологические особенности и элементы технологии выращивания календулы лекарственной и базилика благородного в Белоруссии// Материалы XI Международной научно-практической конференции «Современные технологии сельскохозяйственного производства»/ Гродно, 2008, 10-11 апреля.
3. Рахимов А. Р. Интродукция и технология возделывания лекарственных растений в условиях Центрального Казахстана// Материалы Международной научно-практической конференции "Переработка лекарственного сырья и производство фитопрепаратов для медицины и сельского хозяйства"/Алматы, 1996.

**Аллоберганова З. Б., Бекчанова М. К.,**
**Атажонов О. Й., Файзуллаев Р. Қ.**
**(Ургенч, Узбекистан)**

## ҚАДИМИЙ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТЛИ ТОМОНЛАРИ.

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган темир танқислиги камқонлиги ҳозирда муаммо бўлиб келмоқда, чунки бу келажак авлоднинг сиҳат-саломатлигига ва давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига салбий таъсир қилмоқда. Жаҳоннинг илғор мамлакатлари аҳолиси орасида ҳам бу хасталик кенг тарқалган.

Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам темир танқислиги камқонлиги кенг тарқалган минтақа ҳисобланади ва соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилаётган турли соҳадаги тиббиёт ходимлари - терапевтлар, педиатрлар, акушер-гинекологлар, хирурглар ва гематологлар бу касалликни аниқлаш, олдини олиш, даволаш чора-тадбирларини амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар.

Инсон организмидаги темир моддасининг моҳияти тўғрисида сўзласак, бу микроэлемент инсон организми учун энг керакли манба бўлиб, мураккаб физиологик жараёнларда иштирок этади ва энг муҳим вазифаларни бажаради. Темир моддасисиз инсон организмини тасаввур қилиш қийин. У танадаги тўқима, суюқликлар, кўзга илғамайдиган микромолекуляр оқсиллар таркибида бўлиб, ҳужайралар мембранасининг биокимёвий жараёнларда иштирок этиши, ҳужайраларнинг нафас олишида фаол қатнашиши ва тўқималарда модда алмашуви меъёрини таъминлашда асосий, муҳим вазифаларни бажаради.

Инсон организмида бу кичкина микроэлементларнинг камайиши натижасида уйқусизлик, мудроқ босиши, бош оғриғи, хотиранинг пасайиши, ақлий фаолиятнинг сусайиши ва шунга ўхшаш бир қанча нисбий ҳолатлар вужудга келади.

Темир танқислиги камқонлигининг сабаблари қаторига кунлик истеъмол қилинаётган озиқ овқатлар таркибида темир моддасининг кам бўлиш ҳолатлари ҳам киритилади.

Шунии ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозимки, темир танқислиги камқонлиги, организмда темир танқислик ҳолатлари, бу оддий тиббий муаммо эмас, балки умумдавлат, келажак авлодимизнинг асл муаммосидир ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Хозирда жаҳон етакчи давлатлари қаторида ўзимизнинг Республикамизда ҳам аҳоли саломатлигига раҳна солаётган камқонлик касаллигини олдини олиш чора-тадбирлари оммавйс ий олиб борилмоқда. Бунга кўра темир танқислигини олдини олиш мақсадида буғдой унини темир моддаси билан бойитиш халқаро дастури ишлаб чиқилди ва шу дастур асосида буғдой донини фортификациялаш яъни темир ва витаминлари билан бойитиш орқали организмдаги темир танқислиги муаммосини сезиларли даражада йилдан-йилга камайиб борилишига эришилмоқда.

Бир қанча ривожланган мамлакатларда темир моддаси танқис камқонлик муаммосини тўла ечимини топиш борасида селекционер олимлар ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Таркибида фойдали микроэлементлар яъни темир ва рух каби микроэлементлар кўп бўлган навларни яратиш ва селекция жараёнига тадбиқ қилиш борасида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда.

Биз ҳам бир неча йилдан бери Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган темир моддаси танқис камқонлик муаммосини ечимини топиш мақсадида биологик фортификация ишларини амалга ошириб келябмиз.

Биофортификация бу – донни озиқ моддалар ва микроэлементлар билан табиий бойитишдир.

Қатор адабиётлардан бизга маълумки, Республикада олдиндан экиб келинган эски навлар таркибида микроэлементларнинг миқдори юкори.

Ўзбекистонда қадимдан буғдойнинг кўп навлари етиштирилган ва етиштирилиб келинмоқда, шу сабабли улар ичида юқори миқдорда микроэлементлар тутган популяциялар сақланиб қолиш эҳтимоллиги юқоридир.

Маълумки, қадимги буғдой навлари асосан маҳаллий аҳоли қўлидагина сақланиб қолган бўлиб, бу навларнинг уруғчилиги ва навдорлиги бўйича махсус танлов ишлари олиб борилмаган. Натижада кўпгина навлар аралашиб кетган. Бу навларни излаб топиш, популяцион ҳолатини таҳлил қилиш ва маълум миқдорда тозалаш, ҳамда биотипларга ажратиш мақсадида

Республиканинг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилояларининг тоғли ва чекка туманларига экспедиция ташкил қилинди. Қишлоқ аҳолиси билан савол-жавоблар ишлари олиб борииш натижасида, буғдойнинг бир нечта нави танлаб олинди. Бу навлар ўсиб турган далалардан бошоқлар йиғилди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда шу нарса кўриндики Сурхондарёнинг тоғли вилоятларидан териб келинган баъзида Қизил буғдой баъзида махаллий ном билан Бобоки деб аталган нав жуда қадимий бўлишига қарамай ўзининг навдорлигини йўкотмагани, сифати жуда юқори эканлиги кузатилди.

Худи шундай ҳолат Қашкадарё ва Жиззах вилоятининг тоғли туманларидан терилган Оқ буғдой навида ҳам кузатилди. Бу нав ҳам ўзининг тозалиги ва юқори сифатга эга эканлиги билан бошқа навлардан ажралиб турди. Кўпгина махаллий навлар Санзар, Муслимка, Қора қилтиқ, Кал буғдой каби навларнинг навдорлиги анча паст бўлиб, кўп ҳолларда туманлашган навлар билан аралашиб кетган. Бу ҳолат кўпроқ лалми майдонларда дехқончилик қиладиган фермер хўжаликларида кўпроқ учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки маҳаллий навларнинг ҳаммаси фақат лалми майдонлардагина сақланиб қолган бўлиб, суғориладиган майдонлардаги маҳаллий навларни Краснодар селекциясига мансуб бўлган биологик қишги буғдой навлар сиқиб чиқарган. Бунга асосий сабаб Россия навларининг интенсив навлар эканлиги ва юқори ҳосилдорлигидир. Бизнинг асосий мақсадимиз эски махалий навлардаги сифат белгиларни янги интенсив типдаги буғдой навларига ўтказишдан иборатдир.

Шу мақсадда танлаб олинган бошоқларни ҳар бирини алоҳида алоҳида қилиб, Сурхондарёнинг тоғли Бойсун туманига денгиз сатҳидан 2000 метр баландликдаги лалми майдонга ва 470 метр баландликдаги институт тажриба даласидаги суғориладиган майдонларга экилди. Экилган ҳар бир бошоқни оилаларга ажратиб тоза тизимлар олиш билан бир қаторда янги туманлашган навлар билан чатиштириб, бу белгининг ирсийланиш хусусиятларини ўрганилди.

Олинган дурагайларнинг $F_2$ авлодлари устида сифат хамда миқдор белгилари натижалар олинди.

Хозирги кунда ушбу навларни қайта тиклаш, селекцияга жалб этиш ва уларнинг экологик шароитларга мослашишини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Азимова Д. А., Особенности течения послеродового периода у женщин, страдающих ЖДА. Профилактика и лечение осложнений.: //Автореф. дис. докт. мед. наук. Ташкент, 1994. – 43 с.
2. Алексеева И. А., Голубкина Н. А. и др Обеспеченность железом, селеном, витамином В2 молодых женщин. Экология человека: будущее культуры и науки Севера. //Тезис докладов – Архангельск, 1995. –10 с.
3. Бахрамов С. М., Фарманкулов Х.К., Атаджанова З.А.. Анемии.//Ташкент, Ибн Сино, 2000. – 25 с.
4. Удрис Г. А, Нейланд Я. А. Биологическая роль меди. //Рига: Зинатне, – 1990 с

# СЕКЦИЯ: ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

**Қаюмов Сухроб Сабирович**
**(Такшкент, Узбекистан)**

## ТАСВИРИЙ САНЪАТДА КОМПОЗИЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Санъатга бўлган эътиборнинг талаба ёшлар орасида орттирилиши бугунги кунда мухим ахамият касб этади. Чунки, жамият тараққиётида ва шахс камолотида яратувчанликнинг, ижодкорларнинг ўрни ва рўли беқиёс ўрин тутади. Зеро, санъат бу маданият бешигини аллаловчиона кабидир, бугун инсоният тўқнаш келган барча муаммолар ва тўсиқларнинг ечимиэса маданиятга бориб тарқалмоқда. Маданий тарақиёт инсон маънавий камолатининг асосий кўрсаткичи хисобланиб, мамлакат равнақи ҳар бир фуқоронинг онглигига, уларнинг маданий тарихий бойликларини яратиш сақлаш ва ривожлантириш жараёнларига бўлган муносабатларга ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори яратувчиси эсаҳақли равишда шу мамлакат ҳалқи ҳисобланади". Таъкидлаш жойизки, маданий-тарихий тараққиёт нихоятда мураккаб ҳисобланиб, унинг ички моҳиятини ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятлар ташкил этади. Уларнинг ўзаро алоқасини узвий боғлашга санъатнинг тутган ўрни беқиёсдир [1].

Санъанинг турлари ичида энг бетакрори ҳисобланган рассомликнинг дастгоҳли рангтасвир йўналишида композиция қурилишининг ва унда натура қўлланилишининг ўрни беқиёсдир. Композициянинг тарихий ривожланиши ва унинг ўқитиш методларини ўрганиш композицияни маълум бир сотциял даврлардаги ўрни, ҳолати конкрет объектив қонуниятларнинг очилиши ва теҳник услублар, қадимий усталар эгалаган маҳоратлари хусусидаги маълумотларни аниқлаб олиш имконини беради. Тасвирий санаътда композициянинг қонун қоидаларидан фойдаланиш ибтидоий жамоа тузими давридан шакилланган. Ибтидоий одам ўзининг тушунча ва тасаввурларини илк қадимий тасвирларда ифода этган Ибтидоий давр одамлари хаётни анча зийраклик билан кузатсаларда, уларда композицион хис қилиш анчайин бўш ривожланганини кўрамиз. Бу нарса улар томонидан тош ва қоя ва ғорлар ичига ишланган қадимий тасвирларда кўринади. Турли ҳайвонлар, ов манзаралари, подалар тасвирлари қадимий аждодларимизнинг ижодлари намуналаридир. Қадимги давр рассомлари табиатга сергаклик билан эътибор бериб, барглар, шохлар, гулларни тузилишини кузатганлар, йил фаслларни такрорланиб келиши, тун ва кунни фарқларини англаб етиб, улардан ўз ижодий композицияларида фойдаланганлар. Табиатдаги ритм ва симметрияни тушуниб етганлар, масалан, қадимги герекларни релефларда ритм аниқ сезилиб туради. Бу эса айнан қадимий грек санъатига хаётилик олиб кирган. Одамларнинг фигуралари оддий ва мураккаб харакатларда табий ҳолда тасвирлана бошлади. Қадимий Шарқ композициялари ибтидоий тасвирлардан ахамиятли равишда фарқ қилади. Агар, ибтидоий тасвирларда предметлар тарқоқ, тартибга солинмаган ҳолда бўлса, Қадимий Шарқ композицияларида қатъий қонун-қоидаларга амал қилинган. Рассом ижодиниархитектура билан боғланган ҳолда, қулдорчилик тузуми маданий, маиший урфлар ва чеклашлар

Все больные были поделены на 3 группы по степени тяжести разгибательно-отводящей контрактуры тазобедренного сустава.

У больных лёгкой степени было небольшое число клинических признаков. Одним из них был звук щелчка в суставе при пеленании ребенка. Этот признак был отмечен у 4 больных. Общим симптомом для всех являлись тугоподвижность в тазобедренном суставе и затруднение приведения бедра из положения крайнего отведения.

Заключение: С учётом диспластического генеза разгибательно-отводящей контрактуры тазобедренного сустава у детей разработаны щадящие оперативные вмешательства на сухожильно-мышечном аппарате тазобедренного сустава и разработан метод после оперативного ведения для профилактики рецидивов.

**Уразбаева Дилбар Абдуллаевна, Кенжаева Машхура Кузибаевна**
**(Урганч, Узбекистан)**

# ОНКОЛОГИК БЕМОРЛАРДА РУҲИЙ ҲОЛАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада онкологик беморларнинг руҳий ҳолат ўзгаришлари таҳлил қилинган*

***Key words:*** *psychology, emotion, personality, psychological mension, cancer*

Онкология соҳасида психотерапияни қўллаш, психология соҳасидаги эмоциялар ҳақидаги тадқиқотларнинг чуқур назарий таҳлилини талаб қилмоқда. Чунки касалликни даволашда психологик ёрдам кўрсатилар экан, у мустаҳкам назарий асосга эга бўлиши лозим. Эмоция психологиясига оид ҳар бир тадқиқот муайян илмий муаммоларни, амалий вазифаларни ечишга қаратилган бўлиб, ўз ўрнида қимматлидир.

Н. Русина онкологик касалликларда стресс ва бошқа эмоционал ҳолатларнинг намоён бўлишини тадқиқ қилиб, касалликнинг мазкур турида бошқа касалликларга қараганда стресс ва салбий кечинмалар беморнинг шахсий хусусиятларида яққол намоён бўлишини, унга психотерапевтик таъсир кўрсатиш зарурлигини уқтиради [3].

В. Моисеенко сут бези саратонига чалинган беморлар билан ишлашда реабилитацияга таъсир қиладиган соҳа сифатида эмоцияларни келтиради. Беморнинг эмоционал ижобий кечинмаларни кечириши касалликни кечишида ва даволанишда муҳим омил эканлигини кўрсатади [2].

Адабиётлар таҳлилидан шуни кўришимиз мумкинки, саратонга чалинган беморларда хавотирланиш кучли намоён бўлади. Саратоннинг бедаволиги ҳақидаги тор тушунчамиз беморларнинг кўпчилигидаги кенг тарқалган фикрлар билан боғлиқ. Безовталикни изоҳлайдиган кенг маънодаги изоҳларга кўра, бу руҳий касалликка чалинган беморларда ҳам кузатиладиган ҳолатдир. Безовталик бу бир қатор ўзига хос характер-хусусият ва белгилар билан изоҳланади. Дунё Соғлиқни Сақлаш Халқаро Ассоциацияси бошқа психиатрияда фойдаланиладиган тизимлар безовталик симптомларини аниқ кўрсатиб берувчи бир қатор белгилар ва уни даволашда ташхисни тўғри қўйишни талаб этади. Ғайритабиийлик бу даво муолажалари миқдорининг ошиб кетиши ёки кескин ёмонлашуви кабилар сабаб бўлиши мумкин. Бу қарашлар саратонга даво қидиришда бир қатор қийинчиликларга сабаб бўлади. Одатда, унинг давоси бор. Аҳволнинг ёмонлашуви ва функционал заифлиги бу безовталик даврида, айниқса, яққол кўзга ташланади. Руҳий безовталик бу беморлардаги меъёрий босимни ўлчашда ва ушлаб туришда бир қатор муаммолар туғдиради. Безовталикнинг бир қатор кўринишлари мавжуд.

Умумий безовталик ҳолатида бошқа касалликларга қараганда кўпроқ белгилар орқали кузатилади. Кўпинча безовталик титроқ, кўзни кўп пирпиратиш ва хаёлпарастликда кўринади. Умуман олганда, безовталик беморнинг бир жойда тура олмаслигида кўринади. Бу безовталик айниқса,

касалхонага келгач, янада кучаяди. Бунга касалхона муҳити, бемор- шифокор муносабатлари, беморларнинг бошқа беморлар билан муносабатлари сабаб бўлиши мумкин.

Саратон касаллигидаги органик безовталик бу ғайритабиий хавотирланиш билан боғлиқ ва бунга ҳаддан зиёд кўп дори ичиш сабаб бўлиши мумкин. Хавотирланишга чалинган беморларни даволашга бош масъул шахс бу саратонни даволовчи шифокордир. Кўпинча бу мутахассислар беморнинг физиологик ҳолатини даволашдан кўра, психологик ҳолатини даволашда кўпроқ қийинчиликларга учрайдилар. Кўпгина тиббиёт ходимлари беморлардаги психологик депрессия ва стресс, стандартлашган психологик ҳолатга урғу беришган [5]. Бундан кўриниб турибдики, онкология соҳасидаги шифокорлар психотерапевтик билимдонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Саратон даво муолажалари асосан хавотирланиш билан боғланади, аммо бу бошқа кўпгина омилларга ҳам боғлиқ. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бемор қанча ўз касаллиги ҳақида кўп ўйласа, безовталик даражаси шунча ошиб бораверади. Мутахассислардан талаб этиладиган нарса эса бемор билан асосан унинг касаллиги бедаволиги ҳақида эмас, балки у яшаётган муҳит, келажак режалари, мақсад ва ниятлари, орзу истаклари ҳақида кўпроқ суҳбат қуриш, беморнинг хаёлини кўпроқ касалликдан узоқлаштириш ва ҳаётга, келажакка умид уйғотишга уринишдан иборат бўлмоғи лозим. У қанча кўп ўз касаллиги, унинг давоси йўқлигини ўйласа, шунча безовта бўлаверади ва бу депрессияга, ички тушкунликка тушиб қолишга сабаб бўлади [4], [5].

Инглиз олимаси Э.Коблер-Росс тадқиқотларида онкологик касаллик аниқланган беморлар 5 босқичдаги асосий психологик реакцияларни бошдан кечиришини кўрсатиб ўтган:

1. Инкор қилиш (анозогнозик) - бу босқич беморга хавфли ўсма касаллиги эҳтимоли аниқланиши ва бемор ўзидаги касалликни инкор қилиши (“Мен касал эмасман”, “Нима учун айнан мен”, “Мумкин эмас”, “Врачлар адашаяпти” кабилар) билан изоҳланади
2. Ғазаб (дисфорик) – ташхис тасдиқлангандан кейин бемор вазиятдан норозилигини ва ғазабини намоён қилади, бу босқичда бемор ўзи ёки атрофдагилар билан қандайдир агрессив ҳаракатлар қилишга мойил бўлади (масалан, “Менинг касал бўлишимга сабаб бўлган одамни биламан ва уни ҳеч қачон кечирмайман”, “Мен кимни айби билан касалланганимни биламан” каби).
3. Савдо (аутосуггестив) - бемор даволаниш муолажалари орқали яшаб қолиш имкониятларини аниқлаштириб бошлайди (“Асосийси оғриқ бўлмаса бўлди”, “Қизимнинг тўйини кўрсам бўлди эди” қабилида).
4. Депрессия (тушкунлик) – узоқ давом этган терапиядан кейин пайдо бўлади ва ўз касаллигини бедаво ҳисоблаб, тушкунликка тушади.
5. Қабул қилиш (апатик) –касалликнинг охирги босқичларида пайдо бўлади ва беморнинг тақдир билан “келишиб олиш”и билан изоҳланади, бемор ички ва ташқи жараёнларга бефарқ муносабатда бўлади. Баъзи беморларда аксинча бу рационал психологик реакция ҳисобланиб, бемор қолган умрини мазмунли кечиши учун ҳаракат қила бошлайди. Натижада организм ва руҳиятида ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлайди [1]. Шунга кўра беморлардаги касаллик жараёнини оғирлаштирадиган депрессия, тушкунлик, умидсизлик, ишончсизлик каби ҳисларни бартараф қилиш коррекцион дастурда кўзга тутилган асосий мақсад ҳисобланади.

Демак, онкологик беморларга кўрсатиладиган ёрдамнинг марказий йўналиши сифатида улардаги хавотирланиш, депрессия ҳолатини камайтириш, яъни юқорида келтирилган психологик ўзгаришлар босқичларининг “Қабул қилиш” босқичига тезроқ ўтишга кўмаклашиш туради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кюблер-Росс Э. О смерти и умирании.- М.: София, 2001. 320 с.
2. Моисеенко В. М. Реабилитация больных раком молочной железы // Вопр. онкологии. – Москва, 1981. - № II. - С. 79-87.
3. Русина Н. А. Эмоции и стресс при онкологических заболеваниях // Мир психологии. - Москва, 2002. - № 4. - С. 152-160.
4. Holland J. C. History of psycho-oncology: overcoming attitudinal and conceptual barriers / J. C. Holland // Psychosom. Med. 2002. - Vol. 64.- N 2.- P. 206-221.
5. Cunningham A.J.Group psychological therapy for cancer patients: a poin of view and discussion of the hierarchy of options// International Journal of Psychiatry in Medicine.- N. Y. 1996. - №26. - P. 51-82.

# СЕКЦИЯ: ПЕДАГОГИКА

**Babayeva Nodira Babayevna**
**(Qarshi, O'zbekiston)**

## MATEMATIKA FANIDAN TEZKOR SAVOLLAR

***Annotatsiya*** *Boshlang'ich sinf matematika darslarida "Tez javob" didaktik o'yinidan foydalanish yo'llari bayon etilgan. Matematika fanidan tezkor savollar namuna sifatida keltirilgan.*

***Asosiy tushunchalar****: Matematika, didaktik o'yin, tez javob, tezkor savollar*

Matematika bolalarda tafakkur, diqqat, xotira, ijodiy tafakkur etish va kuzatuvchanlikni rivojlantirishga xizmat qiladi. Shuningdek, matematika o'quvchining mantiqiy fikrlash malakalarini oshirishi, uning o'z fikrini aniq, to'g'ri va tushunarli bayon etishi uchun zamin hozirlaydi. O'qituvchining vazifasi – bolaga matematikani o'qitishda bu imkoniyatlardan samarali foydalana olishdir.

Bilimga qiziqish ta'lim jarayonining kuchli vositasiga aylanadi. Abu Rayhon Beruniy o'quvchilarni ta'lim jarayoniga qiziqtirish muhim vazifa ekanligini uqtirib, «Qadimiy xalqlardan qolgan yodgorliklar» asarida «Maqsad gapni cho'zish emas, balki o'quvchini zeriktirmaslik, chunki doimo bir xil narsaga qaray berish malollik va sabrsizlikka olib keladi. O'quvchi fandan-fanga o'tib tursa, turli bog'larda yurganga o'xshaydi. Birini ko'rib ulgurmasdan boshqasi boshlanadi va u kishi har bir narsada o'ziga yarasha lazzat bor deyilganidek ularni ko'rishga qiziqadi va ko'zdan kechirishni istaydi. Bir xil narsa charchatadi, xotiraga malol keltiradi», - деган эди.

O'quvchining bilish faoliyatini faollashtirmasdan turib uni bilimga qiziqtirish mumkin emas. Shuning uchun ham ta'lim jarayonida o'quvchini bilimga doimiy qiziqtirish, uning o'qish motivini rivojlantirish, tarbiyalovchi ta'limning eng muhim vositasidir. Shunday qilib bilishga qiziqish o'quvchi shaxsidagi bor imkoniyatlarning ro'yobga chiqishiga ham ko'maklashadi.

Bilishga qiziqish shaxsning boshqa sifatlari kabi o'qish-o'rganish jarayonida shakllanadi va rivojlanadi.

O'quvchilarning bilishga qiziquvi ikki asosiy yo'l bilan tashkil etiladi. Birinchisi, o'quv materialining o'zi o'quvchilarda bilimga qiziqishni paydo qiladi. Chunki o'rganilmagan yangi narsa insonlar tomonidan qiziqish bilan o'rganiladi. Ikkinchi tomondan o'quvchilarning bilish faoliyatini qiziqarli tashkil etish yo'li bilan bilimga qiziqtirish mumkin.

O'quvchilarda bilishga ishtiyoqni uyg'otadigan birinchi omil - bu dunyo haqidagi yangi bilimlardir. Shuning uchun ham yangi materialni bolalar yoshiga mos ilmiy bilimlarning butun boyliklari bilan ko'rsata olish o'quvchilarda o'qishga qiziqishni uyg'otadi.

### "TEZ JAVOB" didaktik o'yini

O'qituvchi yoki boshlovchi o'quvchilar qator oralab yurib. O'quvchilardan birini turg'izadi va biror tur nomini aytadi. O'quvchi shu turga kiruvchi so'z topib aytishi lozim. Javob uchgacha sanaguncha aytilishi kerak. Javob berolmagan o'quvchi o'yindan chiqadi. O'yin toki bitta O'quvchi qolguncha davom ettiriladi. Bunday o'yin davomida o'quvchilarda hozirjavoblik mustaqil fikrlash malakasi rivojlanib, atrof-muhitni sinchkovlik bilan kuzatishga o'rganadi, atrofdagi sodir bo'ladigan voqea va

hodisalarga qiziqishi ortadi. Bu O‘yindan dars davomida dam olish daqiqalarida foydalanish mumkin. Yoki mavzudan kelib chiqqan holda matn ichidan savollar tuziladi.

**Matematika fanidan tezkor savollar:**

1. 20 ga 30 ni qo’shib, 20 ni ayiring.
2. Noma’lum sonni toping: x+ 90=190
3. 30 ta uchburchakda nechta burchak bor?
4. Doirada nechta burchak bor?
5. Daraxtda 30 ta qush bor. Daraxt silkingach nechta qush qoldi?
6. Maktab hovlisining bo’yi 20 metr. Eni 3 metr. Premetri necha metr?
7. 3 ta to’rtburchakda nechta burchak bor?
8. Taqqoslang: 80+20 yoki 55+45
9. Insonda 10 ta barmoq bor. 5 ta insonda nechta barmoq bor?
10. Davom ettiring: Noma’lum qo’shiluvchini topish uchun......
11. Bog’ga 40 ta archa ekishdi. Yana 20 ta archa ekishdi. Jami archa nechta bo’ldi?
12. Tomda 25 ta chumchuq kelib qo’ndi. Birozdan keyin 7 tasi uchib ketdi. 10 tasi qaytib keldi. Tomda nechta chumchuq bor?
13. Bog’da 15 ta nok, 25 ta olcha, 15 ta o’rik daraxti bor. Yana 5 ta olxo’ri ekishdi. Jami nechta daraxt bor?
14. Savatda 35 ta olma bor. Olmalarni 5 ta savatga nechtadan qilib bo’lish mumkin?
15. 5 ta savatda 4 tadan nok bor. Har bir savatga 2 tadan nok solib chiqishdi. Jami nechta nok?
16. Kompiyuterda 20 ta kvadrat rasmini chizishdi. Yana 5 ta uchburchak rasmini chizishdi. Rasmlarda jami nechta burchak chizildi?
17. Maktab kutubxonasiga 200 ta badiiy kitob berildi. Maktabda 10 sinf bor. Har bir sinfga nechtadan kitob beriladi?
18. Halima 1 haftada 7 ta ertak o’qidi. Bir kunda nechtadan ertak o’qigan?
19. Ikki dugona 2 haftada birgalikda 10 ta hikoyani o’qishdi. Ikkalasi bir kunda nechta hikoyani o’qishgan?
20. Malika 3 kunda 10 tuxum edi. 10 kunda nechta tuxum egan?
21. Bog’da gullar jami 20 ta. 5 ta nilufar, 10 ta lola. Chinnigullar nechta?
22. Daftar 500 so’m, rasm daftari 2000 so’m turadi. Rasm daftari daftardan necha marta qimmat?
23. Mashina birinchi kunda 50 km masofani bosib o’tdi. Ikkinchi kunda 5 dan 1 qismini bosib o’tdi. Ikkinchi kuni qancha masofani bosib o’tgan?
24. Maktabda 2 ta sinf bor. Ikkala sinfda jami 43 ta o’quvchi o’qiydi. Ular darsga o’tirishlari uchun nechta stul kerak bo’ladi?
25. 100 sonidan keyin yana bitta nol qo’ysak, qaysi son hosil bo’ladi?
26. Olti xonali sondan ayting.
27. Eng kichik olti xonali sonni ayting.
28. 10 ta savatda 6 kgdan olcha bor. 2 ta savatda 5 kgdan olcha bor. Ikkala savatda qancha olcha bor?
29. Uchta 1 raqami orasiga ishoralarni shunday qo’yingki, 0 hosil bo’lsin.
30. 99ga qaysi sonni qo’shsak 100 hosil bo’ladi?
31. Davom ettiring: 0 ni har qanday songa ko’paytirsak,......
32. 10 km necha metr?

33. 4 tonna necha kg?
34. 11 metr necha sm?
35. 6 kg necha gramm?

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, o’yin jarayonida o’quvchilarning ish faoliyati kuchayadi, ixtiyory diqqati, xotirasi takomillashadi. O’yinda bolalar o’zlari sezmagan holda juda ko’p harakatlarni bajaradilar, masalalarni yechadilar, birgalikda jamoa bo’lib ishlaydilar. O’z fikrlarini mustaqil bayon etadilar, do’stlik, o’rtoqlik, bir-birini hurmat qilish hissi uyg’onadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Bikbayeva N. U va boshqalar ”Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi ”- Toshkent.: O’qituvchi, 2007
2. G’afforova T. Boshlang’ich ta’limda zamonaviy texnologiyalar. Qarshi, “Nasaf” nashriyoti. 2009 y.

**Boboyev Omonxon Muhammadiyevich**
**(Qarshi, O’zbekiston)**

## AN`ANAVIY XONANDALIKDA KUYLASH USLUBLARINI O`RGANISH

Hofizlik - xonandalikning har tomonlama mukammal va murakkab bosqichi sifatida namoyandalarning bir qator «Hofizlik talab»lariga javob berishini taqozo etadi. Bu talablar hofizlik san’atiga ega bo’lishdagi zarur tabiiy va amaliy omillar bo’lib, o’ziga xos bir qator xarakterli unsurlardan iboratdir. Odatda, har bir kasbning o’z qonun-qoidalariga asoslangan talablari bo’ladi va ular mazkur kasbning asosiy mohiyatini belgilab beradi. Hofizlik san’atining ham ana shunday talablari mavjud va ular quyidagilardan iboratdir: Ovoz, xotira, nafas, so’z talaffuzi, sozandalik, an’anaviylik, badihago’ylik va shu bilan birga musiqa va ilohiyot ilmi hamda ijrochilik bilimi, iste’dod hamda ta’lim mezoni ham muhim hisoblanadi.

Ovoz ham o’z o’rnida bir qator xarakterlovchi elementlarni o’zida mujassam etadi. Ular ovoz diapozoni, tarovati, dardi, mungi va h. k. kabi unsurlarni tashkil etadi.

Hofiz – kuchli va keng diapozonli, ya’ni 2-2,5 oktava oralig’idagi sifatli, sadoli, kuchli, latif va yoqimli tembrli hamda his kabi xususiyatlarni o’zida mujassam etgan ovoz sohibi.

Xonandalik amalining pirovardida hofizlik darajasini namoyon etadigan xususiyatlar ham alohida ahamiyat kasb etadi. Bu omil ovozning har qanday mushkillikdagi ohang davralarini, ijro yo’lini (harakatini) mukammal ifodalash, musiqiy meros va mavjud ijrochilik yo’llari xususiyatlari zaminida tarbiyalanganligi bilan xarakterlanadi. Shu bilan birga har bir harakat va talqin mantiqan idrokli ifoda topishi muhimdir.

**Xotira** – hofizlik san’atining asosiy xususiyatlaridan biri. Odatga ko’ra, hofizlik uyg’unlashgan (sinkretik) san’at turlariga kiradi. Ya’ni, musiqa san’ati – she’riyat qonunlari, ijrochilik vositalari, ovoz, cholg’u, sheva, talaffuz kabi bir qator soha va unsurlarni o’z ichiga oladi.

Hofiz ijro jarayonida cholg’u chalish, kuyning har bir zarbiga e’tibor berib usul ruknlarini saqlash, asar g’oyasidan chetlanmasdan unga tayanib, so’z matnini yaxshi

bilish va idroklash, she'r vazni, kuy usuli va ularni birlashtirib turuvchi doyra usullarini bir meyorda mutanosib saqlash, ohangga solib kuylash kabi ijrochilik bilan bog'liq omillarni bir vaqtda bajaradi. Natijasida va bu uyg'unlik jozibasida mukammal talqin yuzaga kelishi kerak. Hofizlikda zarur bo'lgan bunday amallarni to'la ifoda etishda, esda saqlash qobiliyati, ya'ni x o t i r a katta ahamiyat kasb etadi.

**Pardani his etish**– hofizlikning noziklik tabiatiga xos bo'lgan talablaridan biri bo'lib, ijrochining musiqaviy mahorati, talqin sifatlarini namoyish etuvchi omil hisoblanadi. Bu omil hofizning eng muhim jihatlaridan biri, ya'ni tinglash qobiliyatining benuqson bo'lishini taqozo etadi. Har bir ijrochining pardani to'g'ri his etish va talqin etishi uning ma'naviy dunyosi, bilim va amaliy ijro ko'nikmalari bilan bog'liqdir. Hofizning ma'naviy dunyosi qanchalik boy bo'lsa, uning ijrosi shunchalik jozibali, sof va rang-barang bo'ladi. U qanchalik an'ana va boy tajribaga ega bo'lsa, talqin etayotgan musiqiy ohanglarini shunchalik ishonarli, chuqur tushungan holda, teran his etib, barcha imkoniyatlari doirasida mazmunli tarannum (ifoda) etadi. Bu omil ham hofizning ilmi va bilimi darajasi bilan xarakterlanadi. Lekin, bu o'rinda ijrochining muntazam tarzda turli xarakterdagi musiqa namunalarini amaliy tinglash va kuylash ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Har qanday xonanda yoki hofizning musiqani, pardani mantiqan to'g'ri his etishi, undagi sezgi a'zolarida o'ziga xos amaliy tushuncha borligidan dalolatdir. Avvalo, uning sezgi a'zolariga ta'sir etish maqsadida – unda ichki his (intuitsiya)si o'yg'onadi. Ong orqali ta'sir etish jarayoni esa so'z vositasida turli ma'lumotlarni unga etkazish bilan xarakterlanadi. Nihoyat, muntazam va davomiy tinglashlar oqibatida, amaliy urunishlar ijrochining his etish qobiliyatini rivojlantiradi. Lekin, hofizlikda ovoz talqini, aniq his etib, to'g'ri parda va ohangda ijro etish uning ongi bilan bog'liq bo'lsa, eshitish (slux) qobiliyatining mukammalligi ham shu bilan bir vaqtda muhim ekanligini namoyon etadi. Shu bois bo'lsa kerak xonandalik amaliyotida ma'lum pardadan aytish an'anasi shakllangan. Eng muhim pardalarning nomi mavjud bo'lib, qaysi pardadan (tovushdan) boshlashni oldindan aniqlab olish odat tusiga aylangan. Masalan, katta ashula yoki boshqa janrlarda parda tushunchasi katta ahamiyat kasb etgan.

Badihago'ylik – hofizning imkoniyati doirasida mavjud bo'lgan bilimi zaminida kuylayotgan asariga ijodiy yondosha olish demakdir. Buning uchun hofizning imkoniyatlari, bilim doirasi keng bo'lishi va tajriba yuzasidan ancha mahoratga ega bo'lishi muhim ahamiyat kasb etadi. Ya'ni, cholg'u sozi ijrochiligini, jo'rnavozlik mahoratini, musiqa va adabiy merosni yaxshi idroklagan bo'lishi lozim. Hofizlik san'atining his-tuyg'u, zehn, kuzatish, diqqat, tafakkur, tasavvur etish, fahmlash kabi bir qator ruhiy (psixologik) holatlari ham mavjuddir. Chunonchi, ular ijrochining shaxsiy intelektual xususiyatlaridan kelib chiqqan holda rivojlanadi va har bir ijrochida o'ziga xos tarzda ifodasini topadi. Badihago'ylik amalida ijrochining mahoratini belgilovchi omillar shulardan iborat deb e'tirof etib o'tish lozimdir.

Badihago'ylik «maxsus tayyorgarliksiz bir zumda yaratilgan she'r (musiqa yoki qo'shiq)[1] yoki voqea, hodisa munosabati bilan to'satdan aytilgan musiqiy asardir[2]. Musiqa ijodiyotida maxsus badihago'ylikka asoslangan aytishuv, lapar kabi janrlar katta ashula va baxshilar san'atiga xos bo'lgan namunalar mavjud. Mumtoz musiqa namunalari ijrochiligida esa, badihago'ylik o'ziga xos ko'rinishda shakllanib,

[1] Энциклопедик луғат, I-том. Т., Ўзб.сов.энциклопедияси бош ред. 1988 й.
[2] Ўзбек тили изоҳли луғати, I-жилд. М., «Рус тили», 1981 й.

ijro jarayonidagi talqin mezoni bilan bevosita bog'liq holda amalga oshiriladi. Xonanda yoki sozandaning ijro vaqti ham vaziyat taqozosi doirasida kuyga yoki ashulaga ijodiy yondoshish va namudlar[3]qo'shish bilan amalga oshirilgan. Bu amalda saboq, badiiy va musiqiy meros an'analari negizidagi teran bilimi, amaliy jarayon talqinidagi mahorati va ijro etayotgan musiqiy namunaga nisbatan ijodiy yondoshishi hofizning asosiy mezoni hisoblanadi.

**Ijrochilik san'ati-** Qadimiy san'atlardan bo'lmish musiqa san'ati o'zining shakllanishi jarayonidan hozirgi davrimizgacha insoniyatning ijtimoiy hayoti bilan bog'liq holda rivojlanib kelgan. Turli shart-sharoitlarga asoslangan musiqiy namunalar ijod etilgan, o'zining ravnaqi yo'lida yirik-yirik asarlar vujudga kelishiga zamin yaratgan. Hayot manbai bo'lmish ijod, uning tizimida tarkib topgan ijodiyot o'tmish allomalari tomonidan ma'lum darajada yoritilgan. Musiqiy merosimizning mukammal va murakkab jihatlari, boy imkoniyatlari musiqa san'atining insoniyat hayotida qanchalik ahamiyat kasb etganligidan dalolat beradi. Musiqa asarlarini yaratilishi va uning umrboqiylik sifatlar bilan sug'orilishida, taniqli rus olimi B. Asafevning «uchlik» ta'limotini alohida ta'kidlab o'tish joizdir. Ya'ni, asar umrboqiyligidagi ijodkor, ijrochi va tinglovchining o'rni.

Har bir asar ana shu «uchlik» talablarini bir biriga mutanosibligini ta'minlasa, umrboqiy musiqiy namunalar qatoridan joy oladi va mumtoz musiqa ijodiyoti talablariga javob berishi muqarrar.

Mazkur «uchlik»ning har bir tarmog'i o'ziga xos muhim ahamiyat kasb etuvchi jarayonlar bilan bog'liqdir. Lekin, ijrochi mas'uliyatini boshqalariga nisbatan doimo vaziyat va talqin bilan bog'liq omillar keskinlashtirib kelgan. Chunki, azal-azaldan musiqa ijrochilari turli toifada faoliyat ko'rsatib kelganlar. Ya'ni, taqlidchilar va shaxsiy ijro yo'liga ega bo'lganlar. Ijrochilikning ijroda eng muhim jihatlarini shakllantiradigan mezon ham ana shundadir. Bu xonandaning yuqorida ta'kidlaganimizdek, imkoniyatlari, bilimi, ilmi va mahoratidan kelib chiqadi.

Odatda «ijrochilik» musiqiy namuna talqini bilan bog'liq bir qator ichki xususiyatlarni o'zida mujassam etgan va bu jihatlar ijrochilik mezonlari sifatida amaliyotda muhim ahamiyat kasb etib kelgan. ***Iste'dod, bilim, har tomonlama mukammal ovoz, sozandalik, jo'r bo'lish mahorati, badihago'ylik mahorati, saboq, ijodiy yondoshish, to'g'ri so'z talaffuzi, izlanish va doimiy mashq*** kabi xususiyatlar shular jumlasidandir. Musiqa ijrochiligi amaliyotida ana shunday xususiyatlarga imkon darajada ko'proq ega bo'lgan san'atkorgina mumtoz musiqa namunalarini mukammal talqin etishga qodir bo'ladi.

Ijrochi uchun iste'dod – musiqani qalban his etib mazmunli ifoda etishdagi ustunlik bo'lsa, bilim-iste'dodni shu sohaning nazariy ilmi bilan sug'orishdir. Masalan: musiqiy namunalar to'g'risidagi ma'lumotlar, nazariy jihatlar, janr xususiyatlari, metroritmik asoslari, lad xususiyatlari, ijro texnikasi, talqin mahoratlari va h.k. Maqomshunos olim I. Rajabov ta'kidlaydi: «Shashmaqom» va boshqa katta formadagi xalq musiqa asarlarini ijro etishda cholg'uchi va hofiz maxsus malaka hosil qilgan bo'lishi lozim»[3]. Ya'ni, musiqa ijrochiligi ilmini puxta o'zlashtirishi lozim. Ijro talqini esa xonandadan chiroyli, latif va keng diapozonli tarbiyalangan mukammal ovozni talab etadi. Bunda bor ovozdan foydalanib to'g'ri idroklash muhimdir. Shu bois - «...ayni paytda maqom yo'llari ijrosi uchun hofizda keng

[3] И. Ражабов. «Мақомлар масаласига доир». Т., «Фан», 1963 й. с.270.

diapozon, yoqimli ovoz va yuksak aytish texnikasi bo'lishi shart»[4] qabilidagi talab o'rinlidir.

Hofizlarni mohirligi vaziyat taqozosiga ko'ra musiqiy asarni namudlar yordamida boyitish bilan ham belgilangan. Namud bir asarning muayyan bir bo'lagi bo'lib, boshqa bir asarni ijro etishda yaxlitligicha qo'shib ijro etilishiga aytiladi. Maqom ijrochilik san'atida bu an'ana juda rivojlangan. Xalq yo'lidagi musiqiy namunalarda uchramaydi. Sababi uning uchun muayyan tizim va bilim lozimdir.

**Sozandalik** – musiqa ijrochiligining ajralmas qismlaridan biridir. Odatda, sozanda ijrochi va birinchi tinglovchidir. Ya'ni, o'z ijrosini baholovchisi (eksperti) va unga ma'qul bo'lgandagina muxlisga taqdim etadi. Demak, u o'z ijrosini ilk tinglovchisidir. Sozanda o'z mahoratini cholg'u talqinida tarannum etib xonish jarayoniga ma'lum darajada ta'sir etadi. U qanchalik mahorat bilan musiqiy asarni mukammal ifoda etilishiga ta'sir ko'rsatsa va shunga xos tarzda xonishni boyita olsa, shunchalik jo'r bo'lish mahorati sirlariga ega bo'lgan bo'ladi. Zero, jo'r bo'lish ham sozandadan muayyan iste'dod talab etadi. Uning asosiy xususiyatlari ziyraklik, sezgirlik, badiha, oqilona talqin va doimiy nazorat kabi jihatlarda namoyon bo'ladi.

**Ijro mahorati mezonlari** - Ijrochilik san'ati ovoz va sozlar talqiniga xos turli xususiyatlarga boy sohadir. Falsafiy imkoniyatlarga asoslangan xalq ijrochiligi erkin talqinga asoslanganki, har bir musiqachi asar talqiniga imkoniyati doirasida ijodiy yondoshadi hamda o'zining behisob va betakror mo'jizasini namoyon etadi. Buni musiqashunos olimlar K.Alimbaeva va M.Axmedovlar quyidagicha izohlaganlar: - «Xalq ijrochiligiga ijodiy yondoshish xosdir. Odatda, xalq musiqachisi ijro etayotgan asarga qandaydir bir yangilik kiritishga, taniqli namunalarning yangi variantlarini yaratishga, asosiy kuyni variatsiyalar yoki jimjimador bezaklar bilan boyitishga intiladi»[5].

Xalq musiqa ijrochiligining bu xususiyatlari amaliyotda ovoz va soz talqini bilan bog'liq turli uslublar va yo'nalishlarning vujudga kelishiga sabab bo'ladi. Albatta xalq folklor yo'nalishi bundan mustasno (asosan mumtoz ijro yo'nalishi nazarda tutiladi). Ovoz talqinida ashula ijro etuvchilarning o'ziga xos ichki xususiyatlari mavjud. Aynan ana shu shaxsiy va shu o'rinda ichki sifat va xususiyatlar, xonandalarning har birini alohida-alohida qaror topishiga sababdir. Shu ichki xususiyatlar ularning asosiy sifatlarini o'z ichiga oladi va kimligini aniqlashga yordam beradi.

## ADABIYOTLAR RO`YXATI:

1. Karimov I. A.«Milliy istiqlol mafkurasi» O'zbekiston 2000 yil 90 b.
2. Qodirov. R. G'. Musiqa psixologiyasi. T. 2005 yil. 120 b.
3. I. Rajabov. «Maqomlar masalasiga doir». T., «Fan», 1963 y. s. 270.
4. Yusupov M. O‘zbek xalq musiqasi (Xorazm ashulalari). – T., 1962.

[4] Шу манба 270 б
[5] К. Алимбаева, М. Ахмедов. Народные музыканты Узбекистана, 1-книга. Т., «Гос.изд.», 1959 г. с. 15.

**Boysunova Orzigul**
**(Qarshi, O'zbekiston)**

# O'QUVCHILARNING MA'NAVIY KAMOLOTINI SHAKLLANTIRISHDA ERTAKLARNING O'RNI

***Annotatsiya.*** *O'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda ertaklarning o'rni va ahamiyati yoritib berilgan. Ertaklar va ularning tarbiyaviy jihatlari bayon etilgan.*

***Asosiy tushunchalar****. Ma'naviy kamolot, ertak, ma'naviy-axloqiy tarbiya, xalq og'zaki ijodi*

Xalq og'zaki ijodidagi eng boy va rang-barang janrlardan biri ertakdir. Ertaklar xalq hayoti, milliy ma'naviyati, urf-odatlari, udumlari, orzu –umidlarini aks etirib, insonlarga axloqiy va badiiy ozuqa beradi.

Xalq og'zaki ijodida ertak janrining bolalar tomonidan yaxshi qabul qilinib, qiziqib eshitilishining sabablaridan biri ular tilining ta'sirchanligi, o'tkir syujetliligi va xalq tiliga yaqinligidir.

Ertak ham bola nutqini rivojlantirishda eng muhim vositadir. Ertaklar xayot xaqiqatini, xayotiy va uydurmalar asosida tasvirlangani tilsim va sexr vositalariga asoslanishi, voqyea va xarakatlarning ajoyib holatlarda kechishi, qaxramonlarning g'ayri tabiiy jasoratlari bilan boshqa janrlarda farq qiladi.

Ertaklarning bolaga qanday ta'sir o'tkazishini bilish uchun, uning ta'sir mexanizmini o'rganib chiqish lozim.

Birinchidan, bu dunyoqarashdir. Bola atrof olamni ichki sezgisi orqali his qiladi, u hali ko'p narsani tushunmaydi, ammo uning his-tuyg'ulari va tasavvuri natijasida hayolida suratlar chiziladi. Uning fikricha, atrofdagi barcha narsalar jonlidek tuyuladi – yostig'i ham, ko'rpasi ham, o'yinchoqlari ham, tevarak atrof ham. Bular istalgan payt jonlanib, bolani himoya qilishlari mumkindek tuyuladi.

Ikkinchidan, bola hamisha kattalarga taqlid qiladi, u ota-onasining eng yorqin qiliqlari, hatti-harakatlarini qaytaradi. Shunday ekan, ertakdan ham taqlid qilish ob'yektini topadi – u shahzoda, malika, sehrgar yoki pahlavon bahodirlarga o'xshagisi keladi. Ertaklar ota-onalar uchun farzandlariga yaxshi va yomonni ajratishni o'rgatishda yaxshi yordamchidir. an, siz farzandingizga biror narsani yomon ekanligini aytib, shu narsani qilmaslik kerakligini aytsangiz, bola buni qulog'iga ilmaydi, aksincha, aytganingizning teskarisini qilishga harakat qiladi. Ammo huddi shu narsani ertak tariqasida eshitsa, qahramonlarni ko'z oldiga keltiradi. Qilgan ishining oqibatlari haqida o'ylashni o'rganadi va ko'rsatmalaringizga albatta amal qiladi. Chunki ertak qahramonlari bolalar uchun obro'-e'tiborga ega bo'lgan shaxslardir.

Uchinchidan, ertaklarda hamma narsa bolaning oson tushunishi uchun sodda va jo'n qilib tasvirlangan. Bola ertakolamiga kirib borar ekan, o'zining hayolot dunyosiga sho'ng'ib ketadi va uni hayotining bir qismi deb, qabul qiladi. Cho'pchaklarning vazifasi – bolaning ongiga emas, tuyg'ulariga ta'sir etishdan iboratdir. Chunki bolalik davrida biz hamma narsani hislarimiz bilan qabul qilamiz, katta bo'lgandan keyingina aql bilan yashashni o'rganamiz. Bolaga to'g'ridan-to'g'ri aytib bo'lmaydigan muhabbat va nafrat, yaxshilik va yomonlik, hayot va o'lim kabi insondagi eng murakkab tuyg'ularni ertak orqali singdirish mumkin.

«Ertaklar yaxshilikka yetaklar» deb xalqimizda bejiz aytilmagan. Ertaklar har bir xalqqa xos va mos bo'lgan hikoyatlardir. Xalq ertaklari tarbiyaviy jarayonnni yaxlitligicha tashkil etish, ya'ni axloqiy, ma'naviy, ekologik, estetik va aqliy rivojlanish chegaralarini kengaytirish imkonini beradi. Ertaklar bizga ko'pgina yaxshi xotiralarni eslatadi. Ertaklardagi obrazlar his-hayajonga boy, rangdor, va shu bilan birga o'quvchilarning tushunishi uchun sodda, haqiqatga yaqinligi bilan o'ziga rom etadi. Ertaklar yordamida o'quvchilarning xotirasi, diqqat, tafakkuri rivojlantiriladi, tasavvur va fantaziyalari uyg'otiladi. Ertaklar tinglash, o'qish-ona tilida til va nutqning taraqqiy etishini belgilab beradigan asosiy omillardan biri hisoblanadi.

Ertak janri obrazlar talqini, g'oyaviy mazmuni va konflekti, syujet va kompozitsiyasi, o'ydirmalarning o'rni va vazifasi, tili va uslubiga ko'ra, shartli ravishda hayvonlar haqidagi ertaklar, sehrli ertaklar, maishiy ertaklar, hajviy ertaklarga bo'linadi.

Ertakda asosan, uch maqsad hikoya qilinadi. Birinchisida ideal qahramonning jasorati, yovuz kuchlarga qarshi chiqib, xalq manfaatini himoya qilishi, ikkinchisida, asosan, bosh qahramonning o'zga yurt malikalariga yoki parizodlariga oshiq bo'lib uylanishi, kasalga dori topishi, ajdar va devlar olib qochgan kishilarni ozod qilishi, uchinchisida esa adolatsizlikka, zulmga qarshi chiqishi kabi maqsadlar bayon qilinadi.

Hayvonlar haqidagi ertaklardan masalan «Tulkining taqsimoti» ertagi bo'lib, unda ayyorlik va tilyog'lamachilik tulki orqali ifodalangan.

Sehrli ertaklarda voqealar sehr-jodu, fantastik uydirmalar asosiga qurilgan bo'ladi. Bularda pahlovonlik va qahramonlik madh etiladi. («Yalmog'iz», «Semurg'», «Devbachcha», «Kenja botir» va boshqalar).

Maishiy ertaklarda ko'proq zulm va adolatsizlik qoralanadi. («Uch og'a ini botirlar», «Oygul bilan Baxtiyor», «Tohir va Zuhra», «Zolim podsho» va boshqalar). Masalan, «Uch og'a-ini botirlar» ertagi odatdagidek ota nasihati bilan boshlanadi. Bunda ota kambag'al, lekin hayot tajribalariga boy bo'lgan shaxs, boshqa variantlarida esa shoh bo'lib, o'g'illari shahzodalardir. Botirlar obrazida axloq va odobning yuksak namunasi, odamiylik, donishmandlik, jasurlik kabi sifatlar ko'rinsa, shahzodalar qiyofasida mol-mulk to'plash yo'lida har qanday yomon niyatlardan qaytmaydigan yolg'onchi, johil kishilar obrazi gavdalangan.

Ertak o'qib bo'lingandan keyin o'quvchilarni umumlashma xulosa chiqarishga undash, «Agarda sen uning o'rnida bo'lganingda nima qilgan bo'lar eding?» kabi savollar berib, erkin muloqotga chaqirish ularning faolligini yanada oshirishga yordam beradi.

Har bir ertakning o'z g'oyasi bor. Masalan, «Sholg'om» ertagi o'quvchilarni fikrlashga, voqealarni ketma-ket aytishga undaydi, «Kuch birlikda» degan g'oyani anglab yetishlarini ta'minlaydi. «Zumrad va Qimmat» ertagida esa Zumradning mehnatsevarligi, odob-axloqi ulug'lanadi, shuning uchun hatto o'rmondagi gullar, daraxtlar ham unga salom bergandek bo'ladi. Qimmat esa erka, dangasa, ishyoqmas sifatida gavdalanadi. Buning uchun ertak oxirida u jazolanadi. Shu tariqa o'quvchilarni ertakni tinglash orqali qissadan hissa chiqarishga o'rgatiladi.

Ertaklarni mahorat bilan yetkazish bolada ko'tarinki, quvnoq kayfiyatni yuzaga keltirishga, kichkintoy bilan his-hayojonli muloqotni o'rnatishga, sezdirmay tarbiyaviy ta'sirni tashkil etishga, atrof-muhit haqidagi bilim va ma'lumot zahiralarini samarali to'ldirishga imkon yaratadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Oltin olma / Hayotiy ertaklar. Birinchi kitob. T.: 1996.
2. Oyjamol / Hayotiy ertaklar. Ikkinchi kitob. T.: 1999.
3. Pedagogika. /prof. M.X. Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida.- T.: ''O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati" nashriyoti, 2010, - 400 b.
4. Mavlonova R. va boshqalar. Pedagogika T.: O'qituvchi. 2010 y. 254-263 b

**G'aniyev O'., Ismoilova M., Usmonov Murod**
**(Jizzax, O'zbekiston)**

## KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O`YINLI TEXNOLOGIYALARNING O`RNI

Ilg`or texnologiyalarning keng o`zlashtirilishi, uzluksiz ta'limni fan va ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi, o`quvchilarning qobiliyatlari va imkoniyatlariga muvofiq ravishda ta'limga tabaqalashtirilgan yondashuvning joriy etilishi hamda ta'lim berishning ilg`or pedagogik texnologiyalari va zamonaviy o`quv-uslubiy majmualarning yaratilishi pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish tizimini takomillashtirishda bo`lajak o`qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishga asos bo`lmoqda.

Pedagogika oliy o`quv yurtlarida bo`lajak pedagog kadrlarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ayniqsa o`yinli texnologiyalarning o`rni beqiyosdir. Bugungi kunga kelib o`yinli darslarni tashkil etishga bo`lgan ehtiyoj tobora kuchaymoqda. Chunki, o`yinli faoliyat talabada zavq-shavq uyg`otib, o`qishga bo`lgan qiziqishini oshirish barobarida o`quv materialini o`zlashtirishni osonlashtiradi va ularni ijodiy tafakkurga undaydi. Ijodiy tafakkur mahsuli esa innovatsiylarni vujudga keltiradi.

Psixologlarning ta`kidlashlaricha, o`yinli faoliyatning psixologik mexanizmlari shaxsning o`zini namoyon qilish, hayotda o`z o`rnini barqaror qilish, o`zini o`zi boshqarish, o`z imkoniyatlarini amalga oshirishning fundamental ehtiyojlariga tayanadi.

O`yin faoliyat sifatida maqsadni belgilab olish, rejalashtirish va amalga oshirish, natijalarni tahlil qilishni qamrab oladi va bunda shaxs sub`ekt sifatida o`z imkoniyatlarini to`la amalga oshiradi.

Ta'lim tizimida foydalanadigan barcha pedagogik o`yinlar o`z mazmuniga ko`ra fan xususiyatidan kelib chiqib, didaktik, ishbilarmonlik, tadbirkorlik, dramalashtirilgan, harakatli o`yinlar hisoblanadi. Chunki ular, odatda ma'lum o`quv fani doirasida ishlab chiqiladi: rollar va syujetlar mavjud bo`ladi, turli vaziyatlar imitatsiya qilinadi. Oliy ta'lim tizimidagi pedagogik o`yinlar yangi o`quv materialini o`zlashtirishga va mustahkamlashga, talabalarning tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi, umumiy ko`nikmalarini shakllantiruvchi masalalar majmualarini yechishga qaratiladi. O`quvchilarga turli holatlardan o`quv materialini tushunib yetish va o`rganish imkonini beradi. Pedagogik o`yinlarning ahamiyatli jihatlaridan yana biri shundaki, o`qitishning aniq qo`yilgan maqsadi va unga tegishli pedagogik natijasi bilan belgilanadi. Bu natijalar asoslangan va o`quv tayyorgarlik faoliyatiga ega bo`ladilar hamda talabalar bu jarayonning ishtirokchisi va amalga oshiruvchisi sifatida dars yakunida o`zlarida nimanidir kashf qiladilar. Ta'lim jarayonida o`yinlar

turli maqsadlarga yo`naltirilgan bo`ladi. Ular didaktik, tarbiyaviy, faoliyatni rivojlantiruvchi va ijtimoiylashuv maqsadlarda qo`llanadi.

O`yinning didaktik maqsadi bilimlar doirasi, bilish faoliyati, amaliy faoliyatida bilim, malaka va ko`nikmalarni qo`llash, aqliy qobiliyatini rivojlantirish, mehnat ko`nikmalarini rivojlantirib kengaytirishga qaratilgan bo`ladi.

O`yinning tarbiyaviy maqsadi mustaqillik, irodani tarbiyalash, muayyan yondashuvlar, nuqtai nazarlar, ma'naviy, estetik va dunyoqarashni shakllantirishdagi hamkorlikni, kollektivizmni, jamoaga kirishib keta olishni, kommunikativlikni tarbiyalashga qaratilgan bo`ladi.

Faoliyatni rivojlantiruvchi o`yinlar diqqat, xotira, nutq, tafakkur, qiyoslash malakasi, chog`ishtirish, o`xshashini topish, faraz, hayol, ijodiy qobiliyat, empatiya, refleksiya, optimal yechimni topa olish, o`quv faoliyatini motivatsiyalashni rivojlantirishga qaratilgan.

Didaktik maqsadga ko`ra o`yinlar quyidagilarga bo`linadi:

– ta'lim-tarbiya beruvchi (konferensiya, individual-kompyuterli, didaktik o`yinlar...);

– bilimlarni mustahkamlovchi (ijodiy o`yinlar, ishbilarmonlik, tadbirkorlik);

– o`quv materialini takrorlovchi (matbuot konfrensiyasi, zinama-zina o`yinlar, rolli va syujetli o`yinlar)

– bilimlarni nazorat qiluvchi (Zakovat, inteiiektual ring, musobaqa o`yinlar)

Oliy ta'limda ijtimoiylashuv o`yinlardan foydalanish asosan ijtimoiy pedagogika, ijtimoy psixologiya va shu kabi ijtimoiy gumanitar fanlar o`quv mashg`ulotlarida amalga oshirish ikoniyati ko`proq. Ijtimoiylashuv o`yinlar talabalarda jamiyat me'yorlari va qadriyatlariga jalb qilish, muhit sharoitlariga moslashish, ehtiroslarni nazorat qilish, o`z-o`zini boshqarish, muloqotga o`rgatish, psixoterapiyani nazarda tutadi. Shuningdek, o`yin ijtimoiy tajribalarni o`zlashtirish va qayta yaratishga yo`nalgan vaziyatlarda, faoliyat turi sifatida belgilanadi va unda shaxsning o`z xulqini boshqarishi shakllanadi va takomillashadi.

Pedagog avval talabalarni individual, so`ngra guruhli o`yinlarga tayyorlash va uni o`tkazish, o`yin muvoffaqiyatli chiqqandan so`ng esa, ularni ommaviy o`yinlarga tayyorlash lozim. Chunki, talabalar didaktik o`yinli mashg`ulotlarda faol ishtirok etishlari uchun zaruriy bilim, ko`nikma va malakalarga ega bo`lishlari bundan tashqari guruh jamoasi o`rtasida hamkorlik, o`zaro yordam vujudga kelishi lozim.

Pedagogik o`yin ishchan vaziyatda ishtirokchilarning o`zaro munosabatlari orqali amalga oshiriladi. U qo`shrejali faoliyat hisoblanadi, chunki unda ikkita maqsadga erishiladi: o`yinli va pedagogik. Pedagogik faoliyat ustuvor bo`lsa ham, o`yinni poymol etmasdan maqsadga erishish pedagogning asosiy vazifasi hisoblanadi. O`yinning har bir ishtirokchisi faol holatda bo`ladi, sheriklari bilan o`zaro munosabatda bo`ladi, o`z qarashlarini sheriklariniki bilan taqqoslaydi va shuning natijasida jamoa bilan munosabati orqali o`zini o`zi o`rganadi.

Shunday ekan, bo`lajak o`qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishga mas'ul shaxs o`yinli texnologiyalarning mazmun mohiyatini, ta'lim jarayonida qo`llay olishni, pedagogik jarayonga innovatsiyalarni joriy etishni bilishi zarurligini davrning o`zi taqozo etmoqda.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Тайлақов Н. И., Усмонов М. С. Узлуксиз таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти. Узлуксиз таълим илмий-услубий журнали. 5-сон 2013 йил. Тошкент 2013. 67-70 бетлар.
2. Усмонов С, Усмонов М. С. Узлуксиз таълим тизими сифатини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. Узлуксиз таълим илмий-услубий журнали. 2-сон 2013 йил. Тошкент 2013. 64-68 бетлар.

**Karimova Guljahon Karimovna**
**(Qarshi, O'zbekiston)**

## O'QISH DARSLARIDA "TUSHUNCHALAR TAHLILI" INTERFAOL METODINI QO'LLASH

***Annotatsiya.*** *Boshlang'ich sinf o'qish darslarida "Tushunchalar tahlili" interfaol metodidan foydalanish yo'llari bayon etilgan. O'qish darslarida interfaol metodlarni qo'llash samaradorligi haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

***Asosiy tushunchalar****: Innovatsion texnologiyalar, interfaol metodlar, o'qish darslari, tushunchalar tahlili*

Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlarni qo'llashga qiziqish tobora keng tus olmoqda. Bunday metodlarni qo'llash ta'lim samaradorligi va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarning o'qish motivlarini o'stiradi.

Innovatsiya (inglizcha innovation) yangilik yaratish, yangilikdir. Demak an'anaviy ta'limdagi kabi bir xil shablonlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish innovatsiya demakdir. Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interaktiv metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi. Ta'lim jarayonini innnovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun avvalo darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur.

Dars loyihasini tuzishda o'qituvchi o'zining ish shakllari va o'quvchilarning ko'nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, u qanday o'qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega. Metod tanlashda ko'proq interaktiv metodlarga e'tiborni qaratish ta'lim samaradorligini oshiradi.

O'qish darslari o'z mohiyati, maqsad va vazifalariga ko'ra boshlang'ich ta'lim tizimida alohida o'rin tutadi. Barcha predmet darslarini o'qish faoliyatisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Chunki matnni tushunib bir maromda, to'g'ri va ifodali o'qishni o'rgatish bilan o'qish darslari shug'ullanadi. O'qish darslari orqali o'quvchilarning Davlat ta'lim standartlari bo'yicha o'zlashtirishlari ko'zda tutilgan bilimlarni hamda o'quv – biluv ko'nikma va malakalarni egallashlariga yo'l ochiladi. Aynan o'qish ta'limida insonning eng avvalo, o'zligini, qolaversa olamni anglashga bo'lgan intilishlariga turtki beradi.

Shuning uchun "O'qish kitobi" darsligida ona tabiat, atrofimizni o'rab turgan olam, Vatanimiz tarixi va bugungi qiiyofasi, kattalar va bolalar hayoti, mehnat, istiqlol va milliy–ma'naviy qadriyatlar, xalqlar do'stligi va tinchlik kabi turli mavzular

keltirilgan. Mazkur mavzularga oid badiiy va ilmiy ommabop asarlar ta'limiy, axloqiy harakterda bo'lib, ular o'quvchilarning aqliy kamolati va ma'naviy axloqiy tarbiyasiga qaratilgan.

Zamonaviy ta‘lim texnologiyalarini tashkil etishda qo‘yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdan iboratdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o‘quvchilarga etkazib berish, ularda ma’lum faoliyat yuzasidan ko‘nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o‘quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko‘nikma hamda malakalar darajasini baholash, o‘quvchidan amaliy mashg‘ulotga qiziqishni uyg‘otish, o‘qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta’lim jarayoniga nisbatan yangicha yondoshuvni talab etadi.

Darsda o’quvchilar faolligini oshiruvchi vositalardan biri – interfaol metodlardir. Bu uslublar maktab pedagogikasi uchun yangilik emas. Ulardan ilgari ham foydalanib kelingan. Qachonki bu metodlar samarali natija bera oladi?

- dars va mavzuning maqsadlari to’g’ri aniq tanlanganda;
- mavzuga mos metodlarni tanlay olinsa;
- bir metod butun dars davomini qamrab olmasdan, balki kichik daqiqalarni qamrab olsa;
- tanlangan metod o’quvchilarga yangi bir axborotlarni yetkazib bersa;

O’qituvchi metodlarni yuqoridagi talablar asosida qo’llay olsa, o’quvchilarning dars materialaini o’zlashtirish darjasi ancha yuqori bo’ladi. Hozirgi ta’lim jarayonida o’qitishning zamonaviy metodlari keng qo’llanilmoqda.

**“TUSHUNCHALAR TAHLILI” METODI**

“Tushunchalar tahlili” metodi mazkur metod ta’lim oluvchilarni mavzu bo’yicha tayanch tushunchalarni o‘zlashtirish darajasini aniqlash, o‘z bilimlarini mustaqil ravishda tekshirish, baholash, shuningdek, yangi mavzu bo’yicha dastlabki bilimlar darajasini tashxis qilish maqsadida qo‘llaniladi.

Metodni amalga oshirish tartibi:

• ishtirokchilar mashg‘ulot qoidalari bilan tanishtiriladi;

• ishtirokchilarga mavzuga yoki bobga tegishli bo‘lgan so‘zlar, tushunchalar nomi tushirilgan tarqatmalar beriladi (individual yoki guruhli tartibda);

• ishtirokchilar mazkur tushunchalar qanday ma’no anglatishi, qachon, qanday holatlarda qo‘llanilishi haqida yozma ma’lumot beradilar;

• belgilangan vaqt yakuniga yetgach berilgan tushunchalarning to‘g‘ri va to‘liq izohini o‘qib eshittiradi yoki slayd orqali namoyish etadi;

• har bir ishtirokchi berilgan to‘g‘ri javoblar bilan o‘zining shaxsiy munosabatini taqqoslaydi, farqlarini aniqlaydi va o‘z bilim darajasini tekshirib, baholaydi.

O’qish darslarida qo’llanilishiga oid:

| Tushunchalar | Sizningcha bu tushuncha qanday ma’noni anglatadi? | Qo’shimcha ma’lumotlar |
|---|---|---|
| Vatan | | |
| Ajdodlar | | |
| Marosimlar | | |
| Oila | | |
| Madhiya | | |

3-sinf O'qish darsligi asosida

| Tushunchalar | Sizningcha bu tushuncha qanday ma'noni anglatadi? | Qo'shimcha ma'lumotlar |
|---|---|---|
| Mustaqillik | | |
| Xalq qo'shiqlari | | |
| Halollik | | |
| Masal | | |
| Latifa | | |
| Ilm | | |

O'qitishning zamonaviy metodlarini qo'llash jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ta'lim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash maqsadga muvofiq sanaladi. Ana'naviy dars shaklini saqlab qolgan holda, unga turli-tuman ta'lim oluvchilar faoliyatini faollashtiradigan metodlar bilan boyitish ta'lim oluvchilarning o'zlashtirish darajasining ko'tarilishiga olib keladi. Buning uchun dars jarayoni oqilona tashkil etilishi, o'qituvchi tomonidan o'quvchilarning qiziqishini orttirib, ularning ta'lim jarayonida faolligi muttasil rag'batlantirilib turilishi, o'quv materialini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib ularning mazmunini ochishda aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, bahs-munozara, muammoli vaziyat, yo'naltiruvchi matn, loyiha, rolli o'yinlar kabi metodlarni qo'llash va o'quvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. R. Ishmuhammedov, M. Yo'ldoshev. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar (Ta'lim tizimi hodimlari metodistlar, o'qituvchilar, tarbiyachi va murabbiylar uchun o'quv qo'llanma) – T: 2013.
2. Shodiyeva M. Boshlang'ich ta'lim jarayonida innovatsion yondashuv. - Toshkent: "Yangi avlod" nashriyoti, 2014.

**O'rinova Latofat Shovkatovna, Aqqo'ziyeva Komila Qahramonovna (Qarshi, O'zbekiston)**

# O'QUV FAOLIYATINI BOSHQARISH VA TASHKIL ETISHNING DOLZARB OMILLARI

Boshqaruv bu shunday yo'naltiruvchi kuchki, u insonlardagi ijodiy potensial imkoniyatlarini ochadigan sharoitlarni yuzaga chiqarishni maqsad qilibqo'yadi. Shunday ekan, o'qituvchining ta'lim-tarbiya jarayonini to'g'ri va okilona boshqara olishi o'quvchi shaxsi kamolotida nihoyatda kattadir.

Faoliyatdan kutiladigan natija psixologiyada maqsad deyiladi. O'quv jarayonining boshqarilishi ikkita asosiy maqsadni ko'zda tutadi. Ulardan birinchisi, o'quv jarayonini to'g'ri tashkil eta olish, ikkinchisi esa o'quvchilarning shaxsiy qiziqish va ehtiyojlarini qondirishdir. Ana shu maqsadlar boshqarishning vazifalarini belgilab beradi. Demak, o'quv jarayonini boshqarishning birinchi vazifasi tashkiliy bo'lib, o'quvchilarning ta'lim va tarbiyasi bo'yicha ijtimoiy buyurtmalarni qondirish; ikkinchi vazifasi - bevosita o'quvchining qiziqish va talablarini qondirishga yo'naltirilgan xolatdagi ijtimoiy vazifadir. Shuningdek, bu vazifa o'quvchilarning ko'tarinkilik, yaxshi

kayfiyat va o‘quv jarayonidagi ishchanlikni yuzaga keltirishni hamuz ichiga oladi. Afsuski, ko‘p yillar davomida boshqarishning ana shu ijtimoiy vazifasiga juda kam e’tibor berilgan.

Boshqaruvning ikkinchi vazifasi bu ijtimoiy-psixologikdir. Bu vazifa o‘quvchilarda samarali faoliyat uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy-psixologik xolat va xususiyatlarni rivojlantirishga qaratilgandir.

Bu xolat va xususiyatlar o‘quvchilarni o‘zaro jipslashtirish, nazorat, uz-o‘zini boshqarish, shuningdek, mustaqil ta’lim olishlarini rivojlantirishdan iboratdir.

***1. Соғломлаштириш вазифалари.*** Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясининг энг асосий вазифаси бола ҳаётини муҳофаза қилиш ва унинг соғлигини мустаҳкамлаш, унинг организмини чиниқтириш йўли билан, ўзини ҳимоя қилиш ва турли касалликларга чидамлилик хислатларини ошириш, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига бардош беришга ўргатишдан иборат. Булардан ташқари болаларда ҳар қандай ишга лаёқатлилик хусусиятини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бола организмининг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга бўлгани сабабли, унинг вазифалари анча аниқроқ шаклда ифодаланади: бола суягининг бехато ва ўз вақтида қотишига, орқа умуртқадаги эгик жойларнинг шаклланишига, товон юзасининг яхши ривожланишига, пай бўғин аппаратларини пишитишга ёрдам кўрсатилади («Ким чаққон», «Қопқон» каби ўйинлар); гавда қисмларининг ўзаро тўғри муносабатда ривожланишига имкон яратилади («Дорбоз», «Бўш жой» каби ўйинлар); барча мушак гуруҳлари ривожлантирилади.

***2. Таълим бериш вазифалари***. I – IV синф ўқувчилар билан миллий халқ ҳаракатли ўйинларини ўтказиш жараёнида таълим бериш вазифаларини бажариш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифалар: ҳаракат малака ва лаёқатини шакллантириш, жисмоний фазилатлар (чаққонлик, тезкорлик, қайишқоқлик, мувозанатни сақлаш, эпчиллик, эгилувчанлик, чидамлилик)ни ривожлантириш, гавдани тўғри тутиш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдан иборат.

Танлаб олинган халқ миллий ҳаракатли ўйинларини тўғри бажариш боланинг мушаги, пайлари, бўғимлари, суяк тизимининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Пухта шакллантирилган ҳаракат малакасини амалда қўллаш билан, ўйинларни бажариш чоғида бола кучини тежашга ва унинг эътиборини ўйин фаолияти пайтида тасодифан содир бўлувчи турли-туман вазифаларни идрок қилишга имкон яратади.

Бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний тарбия билан бевосита боғлиқ бўлган билимлар (ўйинларнинг фойдали томони, жисмоний машғулотларнинг аҳамияти ва техникавий ижроси, уларни бажариш усуллари, халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг келиб чиқиши ва қоидалари ва ҳ.к.) ҳақида маълумот бериш катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар олган билим қанча чуқур бўлса, улар ҳаракатли ўйинлардан шунча оқилона фойдаланишлари, шунча самарали шуғулланишлари ҳамда мактаб ва оила муҳитида жисмоний тарбия воситаларини мустақил ишлата билишлари мумкин.

***3. Тарбия бериш вазифалари.*** Жисмоний тарбия билан шуғулланишда болаларда жорий қилинган тартибга риоя қилиш одатини ҳамда халқ ҳаракатли ўйинлари билан иложи бўлса ҳар куни мунтазам равишда шуғулланиш иштиёқини уйғотиш, мактаб ва уйда шу ўйинлардан мустақил фойдалана олиш лаёқатини ривожлантириш, ўз тенгқурлари, ўзларидан кичик бўлган болалар жамоасида ўйинларни ташкил қилиш, биргаликда бажаришга ўргатиш лозим. Ўқувчиларда халқ миллий ҳаракатли ўйинларига меҳр, шу ўйин натижаларига қизиқиш ва спортчилар эришадиган ғалабаларга ҳавас билан қараш туйғусини тарбиялаш мумкин.

Миллий халқ ҳаракатли ўйинларини ўргатиш жараёнида ахлоқий, ақлий, эстетик ва меҳнат тарбиясини амалга ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Халқ ҳаракатли ўйинларини бажариш чоғида болалар ҳаракатида ижобий

(ҳамжиҳатлик, интизомлилик, камтаринлик, меҳрибонлик) ва маънавий фазилатлар (ҳалоллик, одиллик, дўстлик туйғуси, ҳамкорлик, замон билан ҳамнафас бўлиб ишлай олиш қобилияти, топшириқларни масъулият билан бажариш)ни тарбиялаш, шунингдек, иродавий хусусиятлар (жасорат, қатъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни собитлик билан енгиш, чидамлилик ва ҳоказолар)ни намоён қилиш учун энг яхши шароит ва имкониятлар вужудга келади.

# СЕКЦИЯ: ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Bekmuradova Dilnoza Pirimovna**
**(Qarshi, O'zbekiston),**
**Haydarova Nasiba Qosimovna**
**(Nishon, O'zbekiston)**

## UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA AMALIYOTCHI PSIXOLOGNING PROFILAKTIK ISHI

Amaliyotchi psixologning diagnostik - korrekstion ishi murakkab faoliyat turlaridan biri bo'lib, maxsus psitxologik tayyorgarlikni talab qiladi. Amaliyotchi psixologning diagnostik - korrekstion faoliyati murakkab, javobgarlikni talab qilishi bilan birga, kam ishlagandir. Bu jarayon birinchi bo'lib, tarbiyasi qiyin va normal bolalarni o'rganishga to'g'ri ishlangan pedagogik tadqiqotlarda L.S. Vigotskiy tomonidan qo'llangan. Bu sxema bo'yicha I. Shvanstara shaxs taraqqiyotini diagnostika qilishning bosqichli eksperimental-psixologik nuqtai nazarini taklif etadi.

Bu bosqichlar quyidagilar:

1. Psixologga rasmiy iltimos.
2. Psixologik muammoni aniqlash.
3. Tadqiqot metodini tanlash.
4. Psixologik diagnoz qo'yish
5. Amaliy tavsiyalar

Psixologning rasmiy iltimosga javob tarzidagi ishini birinchi nuqtai nazar sifatida psixologning yoki bu tarbiyasi qiyin o'quvchiga nibatan o'qituvchining ma'lum ijtimoiy talabiga javobini ko'rsatish mumkin. Bu holda 'quvchiga «tarbiyasi qiyin» tashhizi /diagnozi/ o'qituvchilar, tibbiyot xodimlari, voyaga yetmaganlar ishi bo'yicha nazorat xodimlari tomonidan qo'yilgan bo'ladi. Psixologning vazifasi-qiyinchiliklarning sabablarini aniqlash va ularga mos tuzatish /korrekstiya/ metodlarini topishdan iborat.

Psixoprofilaktik ish-amaliyotchi psixologning eng kam ishlangan faoliyati turlaridan biri hisoblanadi. Psixoprofilaktika muammolari ko'proq amerika adabiyotlarida aks etgan.

D. B. Elkoninning ta'kidlashicha, bolalarni tanlash uchun, aniqlangan chetlashishlarni tuzatish maqsadida psixik taraqqiyotni nazorat qilishga yo'naltirilgan maxsus diagnostika zarur. Uning ta'kidlashicha, taraqqiyotda bo'lishi mumkin bo'lgan chetlashishlarni ertaroq tuzatish uchun psixik taraqqiyotni nazorat qilish zarur.

Amaliyotchi psixolog faqatgina diagnoz qo'yish bilan cheklanmasdan, keyingi rivojlanish dasturini ishlab chiqish bilan cheklanmasdan, o'zi bergan tavsiyalarning bajarilishini nazorat qiladi, korrekstion va rivojlantiruvchi ishlarni o'zi ham olib beradi.

**Psixoprofilaktikada uch bosqich ajratib ko'rsatiladi:**

Birinchi bosqich dastlabki profilaktika deb ataladi. Bu bosqich psixolog sog'lom bolalar bilan ishlaydi yoki maktabdagi barcha o'quvchilarni qamrab oladi. Ko'pchilik mualliflarning ta'kidlashicha, maktab psixik profilaktikasi uchun qulay hisoblanadi. Ular maktab psixologlarini dastlabki profilaktikani o'tkazadigan mutaxassislar deb tan oladilar.

Ikkinchi bosqich profilaktika muammolari mavjud bolalarga qaratiladi. Uning maqsadi - o'qishdagi va xulq - atvordagi qiyinchiliklarni iloji boricha erta aniqlab, ularni yo'qotishdan iboratdir. Ikki bosqichda ota-onalar va o'qituvchilarga maslahatni ham o'z ichiga oladi. (bolaning o'qishi o'zgarishi uchun ta'lim uslubini o'zgartirish).

Uchinchi bosqich. Psixolog o'qishdagi va xulq - atvordagi yaqqol ko'rinib turadigan muammolari bor bolalarga o'z diqqatini qaratadi. Profilaktikaning dastlabki maqsadi-jiddiy psixologik qiyinchiliklarni va muammolarni yo'kotish va tuzatishdan iborat. Maktab psixologining asosiy kuchi uch bosqichga ya'ni «tarbiyasi qiyin» bolalarga qaratiladi va o'quvchilarning asosiy qismi psixolog e'tiboridan chetda qolib ketadi.

Hozirgi amerika psixologlari maktablardagi psixologik xizmatni psixologik sog'liq xizmati sifatida faoliyat ko'rsatishning tarafdori bo'lib chiqmoqdalar.

Psixoprofilaka amaliyotchi psixolog faoliyatining maxsus turi bo'lib, maktabdagi barcha o'quvchilarning aqlan ta'minlashning shart-sharoitlarini yaratishdan iborat.

**Shunday qilib, psixolog profilaktik ishining asosiy vazifalari quyidagilar:**

1. har bir yosh bosqichida insonning shaxs sifatida shakllanishi, aqlan barkamollikni ta'minlashning oqilona shart-sharoitlarini yaratish;
2. shaxs kamoloti va intellektual taraqqiyoti bo'saTo'g'ri asida vujudga kelishi mumkin bo'lgan psixologik nuqsonlar va buzilishlarni o'z vaqtini oldini olish hisoblanadi.

**Psixoprofilaktik ishlarning mazmunini quyidagilar tashkil qiladi:**

Shaxsning muayyan sharoitga moslashishga oid ishlarni olib borish: Umumta`lim maktablari va listey o'quvchilarining mazkur muhitga moslashishlariga oid.

Umumta`lim maktablari, listey, gimnaziyalarga o'quvchilarni qabul qilishda ishtirok etish, o'qituvchilar bilan hamkorlikda o'quvchilar bilan individual ishlash dasturini ishlab chiqish. Umumta`lim maktablari va listeylarda bir sinfda boshqa sinfga o'tkazishni psixologik jihatdan tekshirish, o'quvchilar, ota-onalar bilan hamkorlikda ta'limning yangi bosqichiga o'quvchining tayyorgarligini hisobga olgan holda yakkahol ishlash dasturini yaratish, shuning bilan birga ota-onalarga farzandlari bilimlaridagi uzilishlarni kamaytirish uchun maxsus uslubiy yo'l – yo'riq berish. Ta'lim va tarbiya, yashash sharoiti bilan bog'liq nevrotik holatlar, psixologik zo'riqishning oldini olish uchun bolalar bilan ishlash.

Umumta`lim maktablari va listeylarda eng qulay psixologik muhitni yuzaga keltirish uchun maxsus ish olib borish: pedagogik jamoada muomala shaklini takomillashtirish, O'quvchilar bilan o'qituvchilar muomala jarayonini yaxshilashga yordam berish, shaxsga oid, ixtisoslikka doir muammolar yuzasidan o'qituvchilararo keng ko'lamda maslahatlar berish. Pedagogik jamoa a'zolaridagi psixologik zo'riqish va toliqishni yo'qotish, kamaytirish, ularning oldini olish uchun chora tadbirlarni tarkib toptirishga ko'maklashish.

Yoshlar o'rtasidagi aysh-ishratga, giyohvandlikka, yengil turmush kechirishga, qing`ir yo'l bilan boyishga /qizlar orasida yengil oyoqlikka/ ruju qiluvchi shaxslar bilan individual ishlashni yo'lga quyish.

Og'ir kasallikka uchragan xodimlar, o'quvchilarda bilan ruhiyatni tetiklashtirish, adabiyot qonuniyati bilan ularni tanishtirish, pessimistik kayfiyatdan voz kechib, shukrona yashashga o'rgatish yuzasidan taviyalar berish.

O'zlashtirmovchi o'quvchilar ruhiy dunyosidagi nuqsonlarni aniqlash va ularga yordam berish yo'l-yqlarini ishlab chiqish, amaliyotga tatbiq etish hamda korrekstion ishga muhtoj odamlarning individual-psixologik xususiyatlarini hisobga olish. O'quvchilar, xodimlar, muallimlar o'rtasidagi sodir bo'luvchi nizolarning, oilaviy nizolarning psixologik ildizini o'rganish, shaxslararo munosabatlarning asl mohiyatini namoyon qilish, ularni keltirib chiqaruvchi motivlarni tahlil qilish, favquloddagi vaziyatlarni engillashtirish va tamoman bartaraf qilish yo'llari yuzasidan maslahatlar berish" kabi ishlar psixoprofilaktik ishlarning mazmunini tashkil qiladi.

Maktab psixologi maxsus tayyorgarlikka ega bo'lishi, pedagogika universitetining psixologiya fakultetlarini, amaliyotchi psixologlar tayyorlaydigan maxsus kurslarini bitirgan bo'lishlari kerak.

Umumta`lim maktablaridagi psixologlar direktorga va tashxis markaziga bo'ysunadi. Umumta`lim maktablariga psixologik xizmat haqidagi qonunda ko'rsatilgan vazifalar bilan bog'liq bo'lmagan vazifalarni umumta`lim maktab psixologiga topshiriq tariqasida berishlariga ruxsat etilmaydi.

**Bozorova Xalida Dilmanovna**
**(Muborak, O'zbekiston)**

## O`SMIRLIK DAVRIDA TARBIYANING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

O‘smirlik – bolalikdan kattalikka o‘tish davri bo‘lib, fiziologik va psixologik jihatdan o`ziga xos xususiyatlari bilan xarakterlanadi. Bu bosqichda bolalarning jismoniy va psixik taraqqiyoti juda tezlashadi, hayotdagi turli narsalarga qiziqishi, yangilikka intilish ortadi, xarakteri shakllanadi, ma'naviy dunyosi boyiydi, ziddiyatlar avj oladi. O‘smirlik balog‘atga etish davri bo‘lib, yangi hislar, sezgilar va jinsiy hayotga taalluqli chigal masalalarning paydo bo`lishi bilan ham xarakterlanadi. Bular ta'sirida o‘smirning xarakteri, atrofdagi kishilar bilan muomalasi, jamiyatda sodir bo‘layotgan voqealarga munosabati tez o‘zgarib boradi. Ba'zan ijtimoiy masalalar to‘g‘risida noto‘g‘ri tasavvur va yanglish fikrlar hosil bo‘lishi tufayli u muayyan tartib-qoidalarga tanqidiy ko‘z bilan qaraydi.

O‘smirda psixik jarayonlarning keskin o‘zgarishi bilan aqliy faoliyatida ham burilishlar seziladi. Shuning uchun shaxslararo munosabatda, o‘quvchi bilan o‘qituvchi muloqotida, kattalar bilan o‘smirlarning muomalasida qat'iy o‘zgarishlar jarayonida qiyinchiliklar paydo bo‘ladi. Bular avvalo ta'lim jarayonida ro‘y beradi: yangi axborot, ma'lumotlarni bayon qilish shakli, uslubi va usullari o‘smirni qoniqtirmay qo‘yadi.

Odobli, dilkash o‘smir kutilmaganda qaysar, intizomsiz, qo‘pol, serzarda bo‘lib qoladi. O‘smir xulqidagi bunday o‘zgarishlar tajribasiz o‘qituvchi va ota-onasini qattiq tashvishga soladi.

11 yoshdan to 14-15 yoshgacha bo'lgan davr balog'at yoshi hisoblanadi. Bu yoshda o'g'il va qiz bolalar tez o'sish, ulg'ayish pallasini boshdan kechiradi.Jismoniy o'sish, jinsiy yetilishruhiy dunyosida keskin o'zgarish ayni shu davrdan boshlanadi. Katta yoshdagi odamlar so'ziga bajonidil quloq solib kelgan o'g'il va qiz bu davrga kelib mustaqillikka intiladigan, kattalar talabiga binoan emas, o'z xohishi bilan ish qiladigan, ularning o'git-maslahatlariga tanqidiy munosabat bildiradigan bo'lib qoladi.

Lekin balog'at yoshiga yetayotgan bolalarning hammasini ham shunday deb bo'lmaydi. Ba'zi bir bolaning asab tizimi kuchli, muvozanatli, epchil bo'ladi. Hissiyot, kayfiyat, qiziqishlari va intilishlari jud o'zgaruvchan. Bunday bolalar begona odamlarga tez ko'nikib va kirishib ketadi, oldiga qo'yilgan talab va sharoitlarga osonlikcha ko'nikadi. Turmush va o'qish malakalarini kam vaqt sarf qilib o'zlashtirish qobiliyatiga ega bo'ladi.

Ikkinchi bir turdagi bog`lanish asab tizimi kuchsiz, muvozanatsiz, sust bo'ladi. Bu turga mansub bola sezgir, lekin o'zini ushlay olmaydigan, tinimsiz, harakatchandir. So'z berdimi albatta uni bajaradi, ammo diqqatini bir faoliyat turidan ikkinchisiga ko'chirishdan ko'pgina qiyinchiliklarga uchraydi. Noxush holatlarni tez unitadi. Ruhiy dunyosida paydo bo'ladigan holat va jarayonlar sur'ati tez, ya'ni ularning almashinuvi qisqa fursatda amalga oshadi.

Uchinchi bir xususiyatga ega bo'lgan bolaning kayfiyati yorqin namoyon bo'lmaydi, shu sababdan uni kuldirish, jahlini chiqarish yoki umuman kayfiyatini buzish uni kuldirish, jahlini chiqarish yoki umuman kayfiyatini buzishi qiyin. Oila quchog'ida yoki maktabda hamma biror narsa yuzasidan qg'attiq kulgan mahalda ham vazminligicha qola beradi. Ko'ngilsiz hodisalar yuz berganda ham o'z tinchligini buzmaydi. Qilgan harakatlari kuchsiz, ifodasiz bo'ladi. Biroq g'ayrati, ishchanligi bilan boshqalardan ajralib turadi. Bunday bolaning asabi kuchli, muvozanatli, lekin sust xususiyatga ega. Chidamliligi, turli sharoida o'zini tuta bilishi bilan hyech mahal boshqa bolalarga o'xshamaydi. Harakatlarining sur'ati, nutqning darajasi past, ruhiy holatlari ichki kechinmalariga aylanib ketgan. «Ichimdan top» degan xalq iborasi shunday o'g'il va qizlarga mos keladi.

To'rtinchidan guruhga xos bolada sezgirlik xislati mavjud bo'ladi-yu, biroq asabi kuchsiz, faollikdan yiroqdir. Shuning uchun arzimagan narsadan ko'ziga yosh keladi. Bunday o'smir o'g'il va qiz juda arazchan bo'lib, biror ishni bajarishga botinib kirisha olmaydi. O'z kuchiga ishonchsiz, maktab, jamoat joylaridagina emas, balki oilada ham tortinchoqlik qiladi. Ozgina qiyinchilikka duch kelsa barcha narsadan voz kechib qo'ya qoladi. Sodir bo'layotgan voqea va hodisalarga ishonchsiz hamda shubhali qaraydi.

O'smirlik yoshi davrida qarama-qarshi jinsga moyillik hislari paydo bo'ladi. Jismoniy kitoblar o'qitish, ichki dunyoga berilash, yolg'izlikka tortish, ishqiy kitoblar o'qish, kino tomosha qilish, katta yoshdagi odamlar so'ziga quloq solish tabiiy hol hisoblanadi. Shuningdek, bu yoshda o'g'il-qizlar o'zlarining tashqi qiyofalariga ko'proq e'tibor bera boshlaydilar. O'g'il bolalarda durustroq kiyinish, oynaga qarash ishtiyoqi tug'iladi. Qizlar ham oynaga ko'proq qaraydi, o'zlariga pardoz berishni, go'zal bo'lishni istaydi. Bu ham tabiiy holdir.

Chunki o'z tashqi qiyofasini tarbiya qilish insonga xos muhim hislatdir, shu boisdan uni inkor etish mumkin emas.

Balog'at davrida kattalik hissi vujudga keladi. Kattalarga, ularning nima qilayotganliklariga, o'zlarini qanday tutayotganligiga ko'proq razm sola boshlaydilar. Katta yoshdagilarning ularga nisbatan avvalgi yosh bolaga qilingan munosabatda bo'lishlari noxush his-tuyg'u uyg'otadi. Ota-onalar, o'qituvchilar bilan o'smirlar munosabatidagi nizoning bosh sababi ularning istak va xohishlari bilan kattalarning hisoblashmasligida sodir bo'ladi.Afsuski, ayrim-ayrim katta yoshdagilar o'smirning voyaga yetib qolganligiga e'tibor qilmaydilar, goho uning ulg'aydiganligini sezmaydilar. Kattalar tomonidan o'rinsiz tanbeh, kesatish, har bir narsani buyruq berish orqali bajarish hollari o'smirda yomon kechinmalarni keltirib chiqaradi.

Vohalanki, bu davrga kelib o'g'ilmi yoki qizmi uning voyaga yetganligini tan olib kattalarday muomila qilish lozim bo'ladi. Ularda tug'ilgan kattalarday ko'ngil ochish, sayr qilish, xushmuomilalik bilan foyda va zarar tomonlarini anglatib borish maqsadga muvofiqdir. Shunday payt ota-onalar, o'qituvchilar o'smir yoshdagi o'g'il va qizlarni mohirlik bilan qaryirib olmasalar, ular noto'g'ri yo'lga kirib ketishi, tarbiyasi qiyin bolalar safiga qo'shilishi mumkin. Keyinchalik bu yo'ldan, noxush xatti-harakatlardan ularni qaytarib olish ancha mushkul bo'ladi.

Bolag'at davrida o'smirlarning ovqatlanishiga ham alohida e'tibor berish kerak, chunki organizmidagi tinimsiz harakatlar modda almashinuvi kuchaytiradi. Organizmi ko'proq yuqori kuch-quvvatga ega vitaminlarga boy ovqat talab qiladi. Lekin achchiq, sho'r taomlar iste'mol qilish zararlidir. Tungi ovqat yengil va oz miqdorda iste'mol qilinishi zarur.

Balog'at davri murakkab va nozik davr hisoblanadi. Shuning uchun o'smirlarga nisbatan bo'lgan munosabatlarda qat'iy ohang bilan farmoyish va buyruq berishdan voz kechib ishonch, maslahat yoki iltimos ohangida fikr almashib ish tutmoq tarbiyaviy jarayonda samarali natija beradi. Aksincha, buyruq mensimaslik salbiy qo'zg'alishlarni yuzaga keltiradi. Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, mustaqil bo'lishga intilayotgan o'smirlar bu davrga kelib kattalarga hamisha tobe' bo'lib yashashni istamay qoladilar. Shu sababdan ular ustida doimo nazorat qilish maqsadga muvofiq emas. Chunki hamma narsa o'z me'yorida bo'lgani ma'qul.

O'quv- tarbiya jarayonini ukammallashtirish asosida pedagogik-psixologik qarashlarga xos bo'lgan ta'lim va tarbiyaning psixologik jihatlariga e'tibor qaratilib borilsa,ishning samaradorligi oshib o'quvchilarning bilishga bo'lgan munosabatlari shunchalik shakllanib boradi.

**Urazboyeva Dilbar Abdullaeva, Jabbarov Jamshid Farxodovich**
**(Urganch, Uzbekistan)**

## KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILARDA BILISH JARAYONLARINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI

***Аннотация.*** *Ushbu maqolada kichik maktab yoshidagi o'quvchilarini psixologik bilish jarayonlarini rivojlantirish tadqiq qilingan.*

***Key words:*** *psychology, cognitive processes, attention, attention mobility, psychological method.*

Odatda psixologiya fanida kichik maktab yoshi davriga 6 yoshdan 10-11 yoshgacha bo'lgan o'quvchilar kiritiladi.Chunki bu davrda bola maktab ta'limiga, fan asoslarini egallashga ham biologik-jismoniy, ham psixologik jihatdan qariyb yetilgan, jismoniy va aqliy mehnat qilish imkoniyatiga ega bo'ladi. Maktab ta'limiga psixologik tayyorgarlik deganda, bolaning ob'ektiv va sub'ektiv jihatdan munosibligi, bilish jarayonlari bilan shaxs xususiyatlarining o'zaro munosibligi nazarda tutiladi. O'quvchi maktab ta'limiga keng ma'noda psixologik jihatdan ob'ektiv tayyor bo'ladi.Binobarin, uning psixikasi bilim olishga yetarli darajada taraqqiyot bosqichiga erishadi.Ushbu yoshdagi bola o'z idrokining o'tkirligi, ravshanligi, sofligi, aniqligi, uning qiziquvchanligi, dilkashligi, xayrixohligi, ishonuvchanligi, xayolining yorqinligi,

xotirasining kuchliligi bilan boshqa yoshdagi o'quvchilardan, jumladan, o'smirlardan ajralib turadi.Maktabta'limiga tayyorgarlik ko'rayotgan bolada diqqat nisbatan uzoq muddatli va shartli ravishda barqaror ko'rinishga ega, deb hisoblash mumkin. Diqqatning xususiyatlari (taqsimlanisha, ko'chishi, kuchi, barqarorligi, bo'linishi, tebranishi va boshqalar) uning roli va syujetli o'yin faoliyatlarida, rasm chizish va ko'rish, yasash mashg'ulotlarida, loy hamda plastilindan narsa yasashda, katta yoshdagilar va tengqurlari nutqini idrokqilish va tushunishda, matematik amallarni bajarishda, hikoya tinglash hamda shaxsan o'zi ham tuzishda bevosita namoyon bo'ladi. Bu davrga kelib, bola o'z diqqatini muayyan ob'ektga, narsa va hodisalarga yo'naltirishga, to'plashda va uni mustahkamlashda hamda taqsimlashda ma'lum darajada ko'nikmani egallagan bo'lib, o'z diqqatini boshqarish, zarur paytda, uni shaxsan tashkil qilishga intiladi. Uning xotirasi qiziqarli ajoyibotlarga, g'aroyibotlarga boy, voyaga yetgan kishini taajjubga soladigan ma'lumotlar va hodisalarni puxta esda olib qolish, esda saqlash, esga tushirish imkoniyatiga egadir. Shu davrgacha bevosita kattalar rahbarligida u yoki bu axborotlarni egallab kelgan bo'lsa, endi o'z xohish irodasi bilan, muayyan motivatsiyaga asoslangan holda zarur ma'lumotlar olishga, o'z oldiga yaqqol maqsad va aniq vazifa qo'yishga harakat qiladi. Bolaning muayyan taraqqiyot darajasiga erishganligini uning xotirasi faolligi namoyish qiladi.Bu davrda bola o'qish, idrok qilish, o'zlashtirish texnikasi bilan tanishishga erishadi [1. 24-b].

Kichik maktab davridagi bolalarning aqliy rivojlanishi ijtimoiy omillar bilan belgilanadi. Individ ijtimoiy munosabatlar ta'sirida o'zgaradi. Bolaning maktabda muntazam ravishda o'qishga o'tishi uning barcha bilish jarayonla rini rivojlanishiga va o'z-o'zidan atrof-muhitdagi narsa-hodisalarga nisbatan fikrini, munosabatlarini o'zgarishiga olib keladi.

Yirik chet el va sobiq sove tpsixologlari (J. Piaje, A. Vallon, J. Bruner, L. V. Zankov, D. B. Elkonin, P. Ya. Galperin, N. A. Menchiskaya, V. V. Davidov, A. Sh. Amonashivili, S.F.Juykovvaboshqalar) tadqiqotlarining ko'rsatishicha, "oqilona tashkil qilingan ta'lim jarayoni mazkur yoshdagi bolalarda fakkurini jadal sur'atlar bilan rivojlantiradi, aqliy imkoniyatlarini ertaroq ishga tushishiga, ro'yobga chiqishiga yordam beradi" [2. 46-b]. Chunonchi, bolalar matematik, fizik, lingvistik,politexnik tushunchalarni o'zlashtiradilar, mustaqil ravishda uncha murakkab bo'lmagan masalalar, misollar tuzadilar, oddiyroq mashqlarni bajara oladilar, ijodiy va mahsuldor fikr yuritishga intiladilar.

Kichik maktab davrida o'qish faoliyati bilan shug'ullanish, jumladan, moddiy narsalarning harxil hossalari bilan tanishish sezgilarning o'sishiga kata ta'sir ko'rsatadi.Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda asosan farq qila olish, ko'rish va eshitish sezgilari ayniqsa tez o'sadi. 7-10 yoshli bolalarda ranglarning tuslarini sezish 45 foiz ortishi, 10-12 yoshgacha bolalarda esa 65 foizgacha ortishi rus olimlari tomonidan aniqlangan [3]. Kichik maktab o'quvchilarini rasm chizishga o'rgatish ranglarni farqlash sezgirligining o'sishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Ohanglarni farqqilish sezgirligi, ayniqsa bolalarga musiqa va ashula o'rgatish jarayonida kuchli suratda o'sadi. Sezgilarning o'sishida shuningdek, jismoniy tarbiya mashg'ulotlarining ham ahamiyati katta. Aniq harakat qilishga jalb etuvchi mashqlar bolalarning muskul-harakat sezgilarini o'stiradi.

Kichik maktab davriga kelib idrokning hamma turlari, asosan, ta'lim-tarbiya tufayli mazmun, aniqlik, ravshanlik jihatidan ko'p darajada takomillashadi. Ular har

bir narsaga berilib, o'ta sinchkovlik bilan qarashlari sababli idrokning muhim xususiyatlarini o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

O'quvchi tevarak-atrofdagi voqelikning belgi, alomati va xususiyatlarini, ularning hossalarini, qonuniyatlarini va o'zaro bog'lanishlarini bilish faoliyatida hamda ta'lim jarayonida tushuna boradi, fikr yuritish faoliyatida esa ham miqdor, ham sifat o'zgarishi yuzaga keladi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar tafakkurining rivojlanishi yirik psixolog L.S. Vigotskiy tushunchalarning shakllanishi hamda nutqning o'sishi bilan uzviy bog'liq holda o'rgangan.L.S. Vigotskiy psixologiya faniga inson kamolotining "Eng yaqin taraqqiyot zonasi" va "Aktual faoliyat zonasi" deb nomlangan tushunchalarni olib kirdi [2]. Uning birinchisi o'qituvchining bevosita rahbarligida amalga oshirilsa, ikkinchisi o'quvchining mustaqil faoliyatida namoyon bo'ladi.

P. P. Blonskiy mazkur yoshdagi o'quvchilar tafakkurining o'sishiga xotiraning taraqqiyotini, tafakkurning ta'sir etishini genetic metod yordamida ochib beradi.Ayniqsa, tafakkurning «intizomlilik» sifatining namoyon bo'lishini inson tomonidan tafakkurni boshqarish va nazorat qilish faoliyatidan aniqlash mumkinligini alohida ta'kidlaydi.

N. A. Menchinskaya tafakkur muammosini chuqur o'rganib, uning taraqqiyot ko'rsatkichlarini quyidagi jihatlarini o'rganishda ko'radi:

1) bilimlarni o'zlashtirishning tezligi,
2) fikr yuritish jarayonining epchilligi,
3) tafakkurning mavhum hamda yaqqol jihatlarining o'zaro aloqasi,
4) analitik-sintetik faoliyatning turli darajalari.

Muallif tafakkur taraqqiyoti belgilari sifatida o'quvchilarda bilimlar fondining ortishi, aqliy faoliyat usullarining egallanishi hamda ta'lim jarayonida ularda uquvchanlik qobiliyatining paydo bo'lishini sanab o'tadi.Bu narsalarning barchasi kichik maktab yoshidagi o'zlashtirishi past o'quvchilarda tajribadan o'tkaziladi hamda ularni muayyan mezonga asoslanib guruhlarga ajratadi.

Kichik maktab yoshidagi past o'zlashtirish sabablari va o'qishdagi qiyinchiliklar quyidagilar bilan bog'liqdir:

1) Neyrofiziologik sabablar;
2) Bilish jarayonlarining yetarli darajada rivojlanmaganligi;
3) Erkin va mustaqil harakat qilish darajasining pastligi;
4) Motivatsion sohalarning yetarli rivojlanmaganligi;
5) Oila tarbiyasidagi, oilaviy munosabatlardagi kamchiliklar;
6) maktab ta'limi va tarbiyasidagi kamchiliklar;
7) o'zaro muloqot va munosabatdagi kamchiliklar;
8) shaxs xususiyatlaridagi og'ishishlar.

Kichik maktab yoshidagi bolalar o'qishidagi qiyinchiliklar bola shaxsining barcha shaxsiy, bilish, motivatsion va hissiy, irodaviy sohalarda aks etadi. Bu qiyinchiliklar o'zaro bir-biri bilan bog'liq. Bir qiyinchilikni bartaraf etilishi ikkinchi qiyinchilikni ham kamayishiga olib keladi.

Taniqli psixolog L. V. Zankov kichik maktab yoshidagi o'quvchilar tafakkurini o'stirish maqsadida o'zining ta'lim tizimini ishlab chiqadi. Bu ta'lim tizimi ushbu o'qitish tamoyillariga asoslanadi:

1) ta'lim jarayonini yuqori darajadagi murakkab va ziyat asosida uyushtirish,
2) ta'lim jarayonida o'quvchilarga berilishi nazarda tutilgan bilimlarning nazariy salmog'ini maksimal darajada ko'paytirish,

3) mustaqillik, o’z-o’zini nazorat qilish faoliyatini rejalashtirish singari faoliyatni boshqarish usullarini o’quvchilarda tarkib toptirish [4].

Bunday ta’lim tizimida o’quvchilar chuqur va mazmundor bilim olish bilan cheklanib qolmasdan, balki ularning aqliyfaolligi ortadi, abstrakt (mavhum) tafakkuri rivojlanadi, aqlan o’sadi, o’qishga nisbatan ijobiy munosabat vujudga keladi.

Yuqorida yuritilgan mulohazalarga asoslangan holda shunday xulosaga kelish mumkinki, bolalar kichik maktab yoshi davriga kelib psixologik tayyorgarlik darajasi ta'limni muvaffaqiyatli uddalash, amalga oshirish uchun mutlaqo tayyor hisoblanadi.Bu o’rinda uning shaxsiy xususiyatlari shakllanganligi yuzasidan ham ma’lumot berish maqsadga muvofiqdir.Bolada shaxsning birqator fazilatlari va xususiyatlari yaqqol ko’zga tashlanadi: qat’iylik, nisbiy mustaqillik, o’z oldiga maqsad qo’ya olishlik, xulq-atvorini ijtimoiy jamoatchilik nuqtai nazaridan baholashga intilishlik, kattalarni hurmat qilishlik, vadaga vafo qilishlik, burch va javobgarlik hislari kabilar. Ta’kidlab o’tilgan barcha mulohazalar, tavsiflar bilish jarayonlarining rivojlantirishni asosiy omillaridan hisoblanadi.

## ADABIYOTLARRO’YXATI:

1. G’oziyev E. G’ “Ontogenezpsixologiyasi” “Noshir” T: - 2010
2. Nishanova Z. T. Komilova N. G. Abdullayeva D. U. Xolnazarova M. X. “Rivojlanish psixologiyasi, Pedagogik psixologiya” T.2017.
3. Z. Sh. Sherimbetova “Boshlang’ich sinflardagi o’zlashtirmovchi o’quvchilarning psixologik xususiyatlari” Ps.f.n. avtoped.-T. 2007.
4. Sh. A. Do’smuhammedova, Z. T. Nishanova, S. X. Jalilova, Sh. K. Karimova, Sh. T. Alimboyeva “yosh davrlari va pedagogik psixologiya” darslik Toshkent-2013.

**Бозаров Элёр, Азизова Лутфия, Бердиева Мўтабар**
**(Карши, Узбекистан)**

## ЁШЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР

XXI асрда инсоният глобаллашув жараёнининг гувоҳи бўлмоқда. Дунё миқёсида кузатилаётган ва интеграция жараёнларида ўз ифодасини топаётган глобаллашув инсон ҳаётининг барча соҳаларига дахл қила бошлаётганини барчамиз кўриб, билиб бормоқдамиз. Глобаллашув жараёнлари оқибатида дунё миқёсида ягона иқтисодий-молиявий макон ва яхлит ахборот майдони шаклланди.

XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда.2011 йилнинг бошларида юз берган ва ҳамон турли кўринишларда давом этаётган Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларидаги оммавий тартибсизликлар ҳам бунга мисол бўла олади. Содир этилган оммавий тартибсизликлар марказида асосан ёшлар тургани бу ўта долзарб масала эканлигини яна бир бора эслатиб қўйди.

Интернет бугунга келиб оммавий маданият элементи, мутлақ эркинликни амалга ошириш макони, шунингдек, сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётдаги воқеалар ҳақида фикр алмашиш майдонига айланиб, жамоатчилик, айниқса, ёшлар маънавиятининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатувчи ахборот манбаига айланиб бораяпти. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун интернетдаги ривожланиш босқичлари ва ижтимоий тармоқларнинг хорижий давлатлардаги бугунги ҳолатига бир қур назар ташлашнинг ўзи кифоя.[6]

Ҳозирги вақтда айнан ижтимоий тармоқларда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тобора кескинлашиб бормоқда. Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тизимни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи мафкуравий тажовузлар кескинлашмоқда. Бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларидан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бугунги кунда уларнинг аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини ўзларига маъқул бўлган ғоя билан эгаллашлари яъни бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлари халққа аён бўлиб бормоқда.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти – Ўзбекистонда ҳукм сураётгантинчлик ва осойишталикни, жамиятмиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат. Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади.[7]

Қайд этиш керакки, маънавий таҳдидлар тили, дини ва эътиқодидан қатъий назар ҳар бир инсонга қаратилган. Бундан мақсад, биринчидан, шахснинг маънавий-ахлоқий оламини бузиш; иккинчидан, ўз ватани ва жамиятига нисбатан ёвузлик фикрини уйғотиш; учинчидан, миллий ахлоқий қадриятларни айнитиш; тўртинчидан, ўзгалар жамиятини идеал деб билиш кўникмасини ҳосил қилиш; бешинчидан, зарарли одатларга хуруж қўйиш. Диққат қилсак маънавий таҳдидларнинг барча тури носоғлом турмуш тарзи билан боғлиқлигига ва у мафкуравий нуқтаи назардан энг хавфли омил эканлигига амин бўламиз. Чунки унинг негизини шахс тарбиясини издан чиқаришга қаратилган зарарли ғоя ташкил этади.

---

[6] http://uzmatbuot.uz/yoshlar-manaviyatiga-internet-tarmoqlari-tasiri/

[7] Ислом Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, чалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Тошкент – "Ўзбекистон" – 2004.

Таъкидлаш жоизки, ахборот хафвсизлигини таъминлаш қатор ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни, шунингдек, тарбиявий чоралар кўришни талаб этади. Ахборот хавфсизлиги фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан таъминланади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир усул – фуқороларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ. Муҳими, инсонларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Яъни, ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажратиб оладиган мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз профессионал фаолияти ва шахсий ҳаёти учун қадр-қимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгида ахборотларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган “фильтр”ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи муҳим омил саналади.[8]

**Отамуродова Нигора Набиевна,**
**Отамуродова Ҳадича Рахматулла қизи**
**(Ғузор, Узбекистон)**

## ХУЛҚ ОҒИШИГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ПСИХОКОРРЕКСИОН ТАДБИРЛАР

Маълумки, хулқ оғишининг келиб чиқишида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларининг ўрни каттадир. Шу боисдан ижтимоий психологияда ушбу муаммо билан жиддий шуғулланиш ва хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини коррекция қилиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, шахснинг кенг қамровли муносабатлар, ижтимоий амалиёт ва тарбия жараёни иштирокида камол топишини ҳисобга оладиган бўлсак, хулқ оғишига эга бўлган ўсмир шахси муаммоси юзасидан янада кенгроқ илмий ишларни олиб бориш зарурияти келиб чиқади. Чунки, ҳар бир шахс оила, мактаб, маҳалла таъсири натижасидашаклланади ва камол топади. Уларни соғломлаштириш, тарбиявий таъсир самарадорлигини ошириш эса ёшлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахси муаммосини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кунда бу соҳада бир қатор муаммолар кўзга ташланади. Ана шундай муаммолардан бири хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини ўрганиш бўйича тадқиқот метод ва методикаларининг етишмаслиги ва борларининг ҳам республикамиз миллий муҳитига мослаштирилмаганлиги бўлса, иккинчидан хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини коррекция қилиш ва улар шахси деформациялашувининг олдини олиш борасидаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигидир.

---

[8] Н. Умарова. Ахборот хавфсизлиги: Муаммо ва ечимлар. Тошкент – “Akademiya” – 2008.28-б

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсида олиб бориладиган психокоррекцион ишлар нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эгадир. Бироқ, илмий манбалар ва амалиётда хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятлари, улар шахсидаги ижтимоийлашувнинг издан чиқиши, шахс “мен” идаги ўзгаришлар ва бошқалар тўғрисида айтарлик маълумотлар учрамайди. Бу ўз навбатида хулқ оғишига эга бўлган ўсмир ва ўспиринлар шахсида психокоррекцион ишларни олиб бориш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, шахс онги ва фаолиятининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш унинг эътиқодига дунёқарашига боғлиқ бўлиб, улар муайян қадриятлар ва ҳаётий мезонларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Бунда хулқ оғишига эга бўлган ўсмир шахсининг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши, ижтимоий соғлом турмуш билан онгли алоқа ўрнатилиши ва (дастлаб мажбурий бўлсада) кейинчалик уларнинг ижтимоий алоқа ва шахснинг маънавий сифатлари уйғунлигида ривожлантирилиши ёшлар ўртасида турли хил хулқ оғишларининг келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шахс хулқининг соғломлашуви, ўсмирнинг онгли равишда ўз хохиш иродаси орқали ижтимоий муҳитга нисбатан мослашиши ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга интилиш орқали юзага келади. Шунинг учун ҳам шахс хулқини соғломлаштириш ишларини унинг дунёқарашини, онгини ва маънавий дунёсини ўзгартиришдан бошлаш зарур бўлади.

Шахсни қайта тарбиялаш жараёнининг бевосита фаол иштирокчисига айлантириш орқали ҳам унинг хулқ-атвордаги иллатларга нисбатан мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилиш мумкин. Бу ўсмирни онгли равишда салбий ҳатти-ҳаракатлардан тияди.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар билан профилактик ишларни олиб боришда уларнинг ёш ва индивидуал психологик-хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўсмирга ўзига хос усуллар орқали ёндошиш хулқ оғишининг олдини олишда муҳим ҳисобланади. Бу орқали ўсмирларда муайян мустаққам эътиқоднинг шаклланишига, кишиларга нисбатан бўлган ишонч ҳиссининг ортишига эришиш мумкин.

Маълумки, ўқув, меҳнат жамоалари ва турли хил нофармал гуруҳлар ўсмирларга ижобий таъсир этишлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо баъзан хулқ оғишига эга бўлган ўсмирларни қайта тарбиялаш учун болалар лагерларига, клубларга жал этилиши бошқа ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки лагерда ёки клубларда ҳулқ оғишига эга бўлган ўсмирлар ўз салбий хатти-ҳаракатларини ривожлантириши ва бошқаларда ҳам уни шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун хулқ оғишига эга бўлган ўсмирларни имкон қадар индивидуал тарбиялаш мақсадга мувофиқдир

Хулқ оғишига эга бўлган ўсмирларни махсус тарбиявий калоннияларда тарбияланиши ҳам баъзан айрим ўсмир шахсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.Чунки қайта тарбиялаш колоннияларига баъзан ўсмир адашиб тушиб қолади ва натижада бутун вужуди, дунёқараши қонунбузарлик хулқи билан заҳарланган ўсмирлар билан бирга бўлишга тўғри келади. Бу эътиқод,

дунёқараш ва мустаҳкам ирода сифатлари шаклланаётган яна бир бошқа ўсмирга салбий таъсир кўрсатади. Натижада ахлоқ тузатиш калоннияларидан озод бўлиб чиққач, илгари муқаррар жиноятчилик хулқини ўзида намоён этмаган ўсмир шахсида хулқ оғиши намоён бўла бошлайди.

Назаримизда бугунги кунда вояга етмаганлар ахлоқ тузатиш масканларига психолог, педагог мутахассисларни кенгроқ жалб қилиш, уларнинг тавсия ва кўрсатмалари асосида тарбиявий тадбирларни амалга ошириш зарурияти келиб чиқмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини психокоррекция қилиш улар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш ва унга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

***Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишини олдини олиш юзасидан психологик коррекцион машғулотлардан намуналар:***

**1-машғулот.** “Ёрдам бериш”. Психолог ўсмир билан ишончли мулоқот ўрнатиш мақсадида ўзининг шахсий, кундалик, маиший муаммоларини унга айтиб беради. Шу жараёнда ўсмирдан ўзини ўрнига қўйиб кўриши ва муаммони ечиш йўлларини сўрайди.

**2-машғулот.** “Ҳаракатни баҳолаш”. Психолог ўсмирга хулқ-атворга оид ҳикоя сўзлаб беради. Ҳикоядаги ҳаракатларга ўсмирнинг шахсий муносабатини сўрайди.

**3-машғулот.** ”Яхшилик қилиш”. Суҳбат давомида психолог ёрдамга муҳтож инсонларга қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида сўрайди. Масалан (ёш болаларга, қарияларга, ногиронларга).

**4-машғулот.** ”Ҳаёт стратегияси”. Суҳбатда психолог ўсмирдан ҳаётий режаларини сўрайди. Ҳаётий режаларни амалга оширишда нима ёрдам бериши ёки халақит бериши ҳақида биргаликда муҳокама қиладилар.

**5-машғулот.** ”Ўзи ва ўзгалар ҳақида сўзлаш”. Психолог ўсмирдан 1 ҳафта. 1 ой олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ёзиши ва сўзлаб беришини сўрайди. Суҳбатдан кейин шу вақтда бошқача яшаш мумкинмиди?-деган савол берилади. Жавоблар биргаликда таҳлил этилади.

**6-машғулот.** ”Менинг идеалим”. Суҳбат жараёнида ўсмирдан ҳаётий орзу-мақсадларини сўралади ва баҳоланади. Орзуни амалга ошиши учун ижобий ахлоқий сифатлар зарур эканлигини таҳлил қилинади.

**7-машғулот.** ”Ўсмир учун эртак”. Бу машғулот эртактерапия усулида ўтказилади. Ўсмирга унга ва атрофидаги одамларга ўхшаш қахрамон акс этган эртак айтиб берилади. Эртак якунида психолог ва ўсмир биргаликда хулоса чиқарадилар.

**8-машғулот.** “Фикрларни давом эттириш эстафетаси”. Ўқувчиларга бирор мавзуга оид гап айтилади. Улар занжир асосида берилган мавзуни давом этиради, тўлдиради ва изоҳлайди. Фикрлар таҳлил қилинади ва муммоларни ечиш йўллари биргаликда ҳал қилинади.

**9-машғулот.** “Ўзини ўзи стимуллаштириш”. Ўсмирлар гуруҳларга бўлинади. Ўз-ўзини стимуллаштириш юзасидан бир-бирига саволлар беришади. Саволлар барча ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қилинади.

**10-машғулот.** “Эркин мавзуда ижод қилиш”. Ўқувчиларга ўзларини жудаям қизиқтирадиган мавзуларига оид раслар чизиш ёки ҳикоя ёзиши таклиф этилади. Ҳиколар ва расмлар биргалашиб таҳлил қилинади.

Машғулотларда психолог намуна кўрсатиб бериши, юмор ва ҳазиллардан фойдаланиши лозим. Ҳар бир машғулотдан кейин янги ғоялар келиб чиқиши мумкин. Машғулотлар баъзи ўқувчига ёқиши ёки ёқмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир машғулотни ўзига хос индивидуал усуллар асосида ўтказиш лозим.

Тарбиянинг умумий ижтимоий вазифаси - ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ нормаларини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда ёш авлодга тарбия бериш мақсадга йўналтирилган тарбиявий таъсир, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш меъёрларини ва шу асосда зарурий шарт-шароит яратишни назарда тутади.

Одатда ҳар бир соҳанинг ўз устаси бўлади. Инсон қалбининг устаси эса психологлар хисобланади. Педагогларнинг яқин ёрдамчиси, болалар қалби ва руҳиятига йўл топа оладиган кишилар-психологларга бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда таълим-тарбия соҳасида ортиб бормоқда. Бу борада халқ таълими тизимида амалиётчи психологларнинг фаолият кўрсатишлари таълим мазмуни ва сифатини оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

## АДАБИЁТЛАРРЎЙХАТИ:

1. Нишанова З. Т.Болаларпсиходиагностикаси. Т.,1998.
2. Расулов А. И. Психодиагностика.-Тошкент, “Мумтоз сўз”-2010,-169 б.

## ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР:

1. ЎзбекистонРеспубликасиХалқтаълимивазирлиги: www.uzedu.uz.
2. ЎзбекистонРеспубликасиХалқтаълимивазирлигиҳузуридаги Мультимедиа умумтаълимдастурларинирривожлантиришмаркази: www.eduportal.uz, www.multimedia.uz.

**Соатов Асадуллоҳ Жабборович, Дадаева Нилуфар Йўлдошовна**
**(Қарши, Ўзбекистон)**

## ЎҚИТУВЧИНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ўқитувчи одобининг моҳияти, асосий мазмуни педагогик фаолият учун муҳим бўлган ахлоқий сифатларда ифодаланади. Умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар барча кишилар, ҳамма касб эгалари, жумладан, ўқитувчи-тарбиячилар учун қам жуда зарурдир.

Ахлоқий фазилатлар меҳнат жараёнида кишининг хулқи, феъл-атворини тартибга солиб турувчи қоидалар, нормалар, талаблар, мезонлар шаклида ифодаланади. Ахлоқ нормалари давлатнинг турли қонунлари билан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилиб, оммавий одат ва намуна кучи, жамоатчиликнинг фикри таъсирида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий воқелик шахс олдига маълум ахлоқий талаблар қўяди, бу талаблар ахлоқ нормаси, ахлоқий фазилатлар шаклида ифодаланади. Жамият ўз фаолияти ва истиқболи учун хизмат қиладиган ахлоқ нормалари, талаблари, мезонларини белгилайди.

Ўқитувчи умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши, мафкураси ва ахлоқий

тажрибаси билан таққослаши лозим. Фикрлаш ва ҳис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида умуминсоний ва миллий-ахлоқий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчининг ўз ахлоқий фазилатига, эътиқодига айланади. Булар муаллимнинг ду-нёқараши, фикр ва мулоҳазалари билан қўшилиб, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикрига, ахлоқий фазилати ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муноса-батларида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан биридир. Муаллим хулқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида, ахлоқий тарбия соҳасида эришган ютукларида намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар, тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолият билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, мил-лий ғурур, байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, қадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий фазилатлар ўқитувчи одобида педагоглик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Болаларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, қадр-қиммати, ўқитувчилик масъулияти, ўқитувчилик виждони, талабчан, ва адолатли бўлиш, ўқитувчининг маънавий қиёфаси, ҳалоллиги, поклиги, ростгўйлиги кабилар ўқитувчи ахлоқининг мухим фазилатлари ҳисобланади. Уларни чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун катта амалий аҳамият касб этади.

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар орасида яхшилик қилиш фазилати муҳим ўрин эгаллайди. Ўрта Осиё халқ-ларининг қадимги ёдгорлиги — «Авесто»да эзгу фикр, яхши сўз ва яхши ишлар инсоний фазилатлар сифатида улуғланади. Ислом таълимотида бошқаларга яхшилик қилиш ин-соннинг табиий эҳтиёжи бўлиши кераклиги тушунтирилади, айниқса, ота-онага, аёллар, ёш болаларга яхшилик қилиш жуда қадрланади.

Ота-боболаримиз доимо яхши ният, яхши орзу-истаклар билан яшаганлар. Ўзларидан яхши ном қолдиришга интилганлар. «Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим.

Кишиларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи уларнинг хулқига боғлиқ. Яхши хулқ эгаси бўлган киши одамларга яхшилик қила олади. Абдулла Авлоний яхши хулклар қаторига: фатонат, диёнат, исломият, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймоқ, хаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, икдисод, виқор, итоат, хақшунослик, хай-рихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат, авф кабиларни киритади. «Эмди бу яхши хулкдарни қўлга олмоқучун ота-она, муаллим, устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирада тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмақ, ахлоқи бузуқ, ёмон кишилардан қочмоқ лозимдур».

Яхшилик — ижобий ахлоқий фазилат бўлиб, хулқий сифатларнинг мажмуини, инсон фаолияти ёки бирор хатти-ҳаракатига ижобий муносабатнинг йиғиндисини акс эттиради. Яхшилик — кишининг ахлоқий онги ва ахлоқий тажрибасида жамият ва шахс манфаатларининг бирлиги-ни акс эттириб, шахсга ва жамиятга манфаат келтирадиган ижтимоий тараққиётга мос келадиган фазилатдир.

Высокая вариабельность входных переменных, величина которых полностью формируется на предыдущей стадии подготовки питательной среды, свидетельствует о нечетком функционировании этого участка и необходимости применения мер к обеспечению выдачи сред стабильного состава.

Возрастание вариабельности выходных переменных в течение осуществления ферментационного процесса может быть объяснено рядом причин.

Прежде всего, существенным источником изменчивости хода ферментационного процесса является наличие в питательном субстрате неучтенных ингибиторов, концентрация которых изменяется во времени.

Следующим источником вариабельности развития ферментационного процесса является нестабильность питательной среды по качественному составу сахаров, вызванная применением на стадии гидролиза различного вида сырья с различным качеством.

Основным, на наш взгляд, источником изменчивости хода ферментационного процесса является снижение, вследствие плохой стабилизации $pH$, а также плохой асептики концентрации микроорганизмов основного культивируемого штамма.

Устранение указанных источников вариабельности переменных будет способствовать улучшению результатов ферментационного процесса вследствие действующих на процесс возмущений.

Эффективность управления в значительной степени зависит от частоты измерения параметров процесса.

Завышенная частота измерения ведет к увеличению затрат труда на взятие проб и их анализ, а при автоматическом измерении – к усложнению конструкции системы; заниженная же частота не дает достоверной картины изменения определенной величины.

В настоящее время на биохимическом заводе осуществляется измерение концентрации биомассы и $PB$, временной интервал между соседними замерами для которых составляет 2 часа.

Частота измерения параметра для нестационарных процессов [4] связана с заданной среднеквадратической погрешностью аппроксимации выражением

$$\varepsilon^2 = D_{x(t+\tau)}\left[1 - R_{x(t+\tau)x(t)}\right] + \varepsilon^2, \qquad (1)$$

где $D_{x(t+\tau)}$ - дисперсия показателя $X$ в момент $t+\tau$; $R_{x(t+\tau)x(t)}$ - коэффициент корреляции между значениями $X$ в момент $t$ и $t+\tau$; $\varepsilon$ - среднеквадратическая погрешность, обусловленная точностью лабораторного анализа.

Уравнение (1) решалось относительно $\tau$ графически с использованием кривых $R_{x(t+\tau)x(t)} = R(\tau)$, построенных для различных значений $t$, поскольку теснота связи между значениями одного и того же параметра не остается постоянной во времени. Для построения кривых рассчитывались $R_{x(t+\tau)x(t)}$ при значениях $\tau$, взятых с интервалом 2 часа, затем строились графики $R_{x(t+\tau)x(t)}$ для $t$ и по ним с учетом формулы (1) определялись интервалы времени $\tau_n$. Через которые нужно было отбирать следующую пробу. При этом величина $\tau_{n\min}$ получена равной 0,5 часа.

Таким образом, анализ ферментационного процесса в производстве кормовых дрожжей [5, 6], как объекта управления показал, что представляет собой сложный нестационарный процесс с разветвленной структурой динамических взаимосвязей между параметрами, вариабельность которых является функцией их абсолютных значений, управляющих воздействий и текущего времени. Потребная для достоверного прогнозирования протекания ферментационного процесса частота отбора проб превышает возможности заводской лаборатории [7], что не позволяет ее использовать для управления таким процессом необходимо применять детерминированную математическую модель, вскрывающую внутренние механизмы, происходящие в среде превращений. Для практического решения задачи оптимального управления ферментационным процессом необходима реализация комплекса мер по снижению величин, действующих на процесс возмущений.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Якубов Э. М., Юлдашев А. В. АСУ процессом ферментации. Вопросы кибернетики. Теоретические и методологические проблемы. Ташкент: РИСО АНРУз, 1983, вып. 124.
2. Андреев А. А., Брызгалов Л.И. Производство кормовых дрожжей. М., “Лесная промышленность”, 1970.
3. Закс Л. Статистическое оценивание. М.: Статистика, 1976.
4. Писменный В. В. Оценка точности измерения показателей качества лабораторными методами. Заводская лаборатория, 1977, №1.
5. Семенова Т. Б. Исследование процессов ферментации и созревания сыров с термокислотным свертыванием молока: дис.... канд.техн.наук: 05.18.04. - Кемерово, 1999.- 169 с.
6. Рабинович Г. Ю. Биоконверсия органического сырья: дис. … докт. биол. наук, 2000. - 406 с.
7. Гаврилова Н. Б. Научные и практические аспекты технологии производства молочно-растительных продуктов: монография / Н. Б. Гаврилова, О. В. Пасько [и др.]. - Омск: Изд-во ОмГАУ, 2006. - 336 с.

# СЕКЦИЯ: ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Гуламова Малика Якубовна**
**(Самарканд, Узбекистан)**

## ТАКТИКО-СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОСТРОЕНИЯ ИТАЛЬЯНСКОГО ПОЛИТИЧЕСКОГО ДИСКУРСА

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются особенности построения итальянского политического дискурса, национально-культурная специфика, а так же средства используемые в политическом дискурсе.*

***Annotation:*** *The article deals with the peculiarities of the construction of the Italian political discourse, national-cultural specificity and the terms used in political discourse*

В политическом дискурсе реализуются стратегии стандартизированности, информационной полноты, краткости, логической ясности, убеждения. Функция воздействия (убеждения) является важнейшей для политического языкового пространства и обусловливает острую потребность политической сферы общения в оценочных средствах выражения. На лексическом уровне в политическом дискурсе задействованы из литературного языка почти все средства, обладающие свойством оценочности [1, 437]. В качестве примера можно привести такие оценочные слова как *clicca dominante, voltefaccia politicis, scribacchino, rush lavoro, biblicismi (“scapego* и.т.д.)

Однако в политическом дискурсе используется не только готовый материал, политические клише и шаблоны. Под влиянием воздействующей функции политического дискурса публицистика преобразует, трансформирует слова из разных сфер языка, придавая им оценочное значение. Для этой цели используется также специальная лексика в переносном значении: *politica farsa, tragedia legale, parodia sulla democrazia, drama di tutta la nazione, maratona pre-elettorale.*

Воздействующая сила публицистичекого стиля проявляется и в синтаксисе, конструкции которого, как правило, сжаты, емки, лаконичны, в нем, в отличие от научно-технического языка, редко встречаются сложные грамматические конструкции и обороты. Таким образом, реализуются стратегии стандартизированности, стратегия информационной полноты, краткости и стратегия логической ясности.

Риторические стратегии и тактики позволяют выявить национально-культурную специфику конкретного политического дискурса. Национально-культурная специфика политического дискурса обуславливается тем обстоятельством, что являясь важной сферой жизни общества, политическая коммуникация отражает его основные социокультурные процессы, в том числе и уровень его национального самосознания. Как отмечает Н. В. Сальникова, прагматика политической коммуникации, характеризующаяся высокой степенью интенциональности и определяющая речевое воздействие как основную цель коммуникации, основывается, в первую очередь, на

манифестации национально-культурных ценностей, которые определяют политический курс ритора. Национально-культурные ценности, будучи базисными установками этноса, переходят в устойчивые компоненты национального самосознания, образуя единство взглядов и убеждений политического ритора и народа [6, 7].

Соответственно национально-культурная специфика проявляется на всех уровнях речевого воздействия – этоса, логоса и пафоса. Так, этос речей итальянских политиков составляют такие базовые для итальянского общества ценности, как свобода личности, патриотизм и др., использование которых позволяет им добиваться доверия аудитории и решения своих стратегических целей. При анализе этносных характеристик итальянской лингвокультуры исследователи выделяют такие национальнокультурные ценности итальянского общества конца XX – начала XXI вв. как личный успех, активность и упорный труд, эффективность и полезность, независимость и самодостаточность, прогресс, свобода личности, перемены, соперничество, состязание, свободное сотрудничество, волонтерство и гуманизм, наука и образование. Они находят свое отражение в речах политических деятелей в качестве национально-культурной составляюшей их риторики. Например, этос риторики *Министра культуры и культурного наследия Италии Альберто Бонисоли,* которого принято считать «великим коммуникатором», составляют такие ценности, как свобода личности, свободное сотрудничество, патриотизм и др. Оперируя данными ценностями, являющимися общеитальянскими, *Альберто Бонисоли* сумел добиться доверия народа, сумел оказать существенное воздействие на мировое развитие в развитие культуры. С точки зрения категории логоса для публичных выступлений А. Бонисоли характерно использование прагматически релевантных средства убеждения. Исследователи отмечают богатство и разнообразие его лексикона, определенность и точность используемых понятий, правильность, чистота, лаконичность и связность речи, композиционная стройность, уместность, целесообразность и логическая завершенность высказывания. Логос ритора характеризуется умением говорить убедительно и уверенно, призывая общество к действиям и переменам. Пафос публичных выступлений создается набором лингвориторических средств, среди которых наиболее прагматически значимыми являются метафора, анафора, эпитет, антитеза, анадиплозис, риторический вопрос. Особенности пафоса лингвориторической традиции итальянской культуры характеризуются обширным набором экспрессивных средств создания выразительности. Для итальянского публичного выступления, помимо вышеуказанных лингвориторических средств, характерно частое использование шуток, анекдотов, рассказывание притч, что особенно ярко проявлялось в национально-культурной риторике А. Бонисоли. Особенно важным в коммуникации А.Бонисоли было создание образа «своего простого человека», находившего для всех слова сочувствия и поддержки. Для речей А. Бонисоли характерно частое использование метафор, некоторые из которых превратились в крылатые выражения. Так, используя метафору «*открытая стройка*». В общественно-политическую лексику это выражение вошло после того как А.Бонисоли в качестве министра Италии использовал его применительно к России-Италии. В скором времени будут сданы два «объекта» русско-итальянской «стройки».

Межнациональные отношения являются одной из болевых точек современной политической жизни. Неосторожные высказывания политических деятелей могут спровоцировать межнациональные конфликты, поэтому вступая в коммуникацию говорящие должны быть предельно осторожными в своих высказываниях, касающихся сферы межнациональных отношений.

В современном политическом дискурсе активно используются как ресурсы, которые были охарактеризованы еще в древних риториках, так и новые, созданные и осмысленные в рамках постмодернистской эстетики, в том числе интертекстуальность и интерстилевое тонирование, допускающее использование разных стилей речи. Современный политический текст часто строится и воспринимается как своего рода диалог с другими текстами: автор развивает и детализирует высказанные ранее идеи, полемизирует с ними, дает свою интерпретацию фактов, подчеркивает собственную позицию. Такой текст оказывается насыщенным множеством скрытых и откровенных цитат, реминисценций, аллюзий, прецедентных метафор; его полное восприятие возможно только в дискурсе, с использованием множества фоновых знаний из различных областей.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Аннушкин В. И. Риторика. Экспресс-курс [электронный ресурс]. М.: ФЛИНТА: Наука, 2011. – 224 с.
2. Баранов А. Н., Казакевич Е. Г. Парламентские дебаты: традиции и новации. М.: Знание, 1991. – 63 с.
3. Сальникова Н. В. Национально-культурная риторика политического дискурса (на материале публичных выступлений Р. Рейгана и М. С. Горбачева): автореф. дис.. канд. филол. наук: 10.02.19. Ставрополь, 2011. – 21 с. Bir ikkita italyanskiy adabiyot qushgin

**Ниязова Озода Холтемировна**
**(Қарши, Узбекистон)**

## БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада Бобур ва унинг ижодининг ўзига хос томонлари янгича талқин қилинган бўлиб, Бобурнинг ватанпарварлик ғоялари, унинг табиат билан муштараклиги масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада шоҳ асар- “Бобурнома” нинг ёш авлод тарбияси, унинг дунёқараши ва маънавиятига ҳар томонлама ижобий таъсири ва аҳамияти таъқидланган.*

***Калит сўз:*** *Ватан, табиат, маънавият, инсонпарварлик, дунёқараш, бунёдкор*

***Аннотация:*** *Эта статья дает новую интерпретацию деда и его творений, с особым упором на патриотические идеи Бабура и его отношения с природой. В статье подчеркивается позитивное влияние и значение королевского труда - Бабурнома на воспитание молодого поколения, его позитивный кругозор и духовность.*

***Ключевые слова:*** *Родина, природа, духовность, гуманизм, мировоззрение, креатив*

***Annotation:*** *This article gives a new interpretation of the grandfather and his creations, with particular emphasis on the patriotic ideas of Babur and his relationship with nature. The article emphasizes the positive impact and importance of royal labor - Baburnom on the upbringing of the young generation, its positive outlook and spirituality.*

***Keywords:*** *Homeland, nature, spirituality, humanism, worldview, creativity*

Ҳар бир янги давр босиб ўтилган йўл – тарихни ва унинг ўзига хослигини англаш эҳтиёжини пайдо қилади. Бобур ижодини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва самарали қўллаш келажак авлод маънавиятини, дунёқарашини бойитишга хизматқилади. Бобур ижодидаги оддий инсоний кечинмаларга, қалбда жунбушга келадиган туғён ва талотўпларга, турмуш зиддиятларидан, ҳаётий воқеа-ҳодисалардан кўнгилда содир бўладиган изтиробли ҳолатлар, оғриқли нуқталарга самимийлик ва табиийликка йўғрилган бадиий жило беради, уларни санъаткорона сайқаллаштиради. Шу боис даврлар ўтса-да, шоир ижоди, лирик мероси ўз қадр-қимматини тўла сақлаган ҳолда бадиият ихлосмандларини ўзига жалб этиб келмоқда. Биз биламизки, Бобур нозик дидли сўз санъаткори бўлиш билан бир қаторда умрининг маълум қисмини сарсону саргардонликда, жангу жадалларда ўтказган, тақдир ҳукми ила "ўз юрти қолиб, ўзга юртларда шоҳ бўлган" буюк тарихий шахс, саркарда. Шунга кўра, шоир лирикасининг асосий мавзуси - Ватан, Ватан соғинчи; етакчи ғояси – ватанпарварлик, адолатпешалик, самимиятга бой меҳр-муҳаббат, садоқат тараннуми. Унинг бир умр талпиниб етолмаган, ҳаловати, оромини ўғирлаган, юрагига битмас оғриқ солган, "гул юзи ҳажрида сарғайтирган", "оёғига хазон баргидек тўкилиб ёлбортирган", "толеъидан нолитган" бераҳм маъшуқаси – Ватан; томирида оқаётган қони, бўғзидан отилаётган нафаси - Ватан соғинчи. Бобур умрининг ҳар дақиқасида Она юрти ишқида ёниб яшадики, бу оташин қалбдаги муҳаббат ҳарорати, соғинч изтироби ҳар бир ғазал сатрига сингиб кирди, ҳар бир рубоий моҳиятини тайин этди, ҳар бир маснавий, ҳар бир мухаммас қатигажо бўлди, ҳар қитъа, ҳар туюқда акс-садо берди. Адабиётшуносликда бу борада жуда катта ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларининг амалга оширилганини яхши биламиз. Шоир ижодининг айни хусусиятларини чуқур англаган, унинг алам-изтиробларини юракдан ҳис қила олган китобхон наздида Бобур билан бир вақтда Ватан тушунчаси гавдаланади, Ватан туйғуси, муҳаббати камолга етади. Буни биз шоир ғазаллари мисолида кўриб ўтамиз.

"Чархдан беҳисоб жавру жафо кўриш", "жондан ўзга маҳрами асрор топа олмаслик", "кўнгилнинг гулзор майл қилмаслиги", "диёру ёрнинг ҳаргиз вафо кўрсатмаслиги" Бобур лирикасининг етакчи мавзулари. Бу нолиш ва тушкун кайфиятларнинг бош манбаи эса - Ватан соғинчи, Она юрт ҳажри. Шоирнинг ана шу табиий ва самимий соғинчи унинг бутун ижодий фаолияти давомида ҳамроҳ бўлди, илҳом манбаи сифатида қўлига қалам тутқазди. Тўғри, бу билан биз Бобур фақатгина Ватан соғинчини куйлаган, унга ишқий мавзу, ошиқлик бегона, демоқчи эмасмиз. Бобур ўз навбатида адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси саналмиш ишқ-муҳаббат кечинмаларини ҳам қаламга олган.

Бобур Она юрт қайғусини, Ватан соғинчини нафақат лирик кечинмалар орқали, балки буюк “Бобурнома”си орқали ҳам ниҳоятда кенг ва таъсирчан ифодалайди. Бу мемуар асарда ота заминнинг ҳар қарич ерини ва хосликларини, табиий тароватини меҳр-у муҳаббат, юксак маҳорат билан тасвирлаб беради. Бобурноманинг 37-саҳифасида шундай таърифга дуч келамиз: “Жуд тоғининг орасида ҳамвор ере тушибтур, бу ҳамвор ернинг ўртасида бир улуғ кўлдур, атрофидағи тоғлардин ёмғир сувлари йиғилиб бу кўл бўлубтур, гардо-гирди уч куруҳга ёвушғай. Шимолида яхши ўланг воқе бўлибтур, ғарбида, тоғ доманасида чашмадур, бу чашма суви баландилар-ғаким, бу кўлга мушрифдур, ўлтурур учун қобил ер эди, боғе солдим”. Шоир ва саркарда ўша даврда жангу-жадаллар, нотинчликлар орасида яшашига қарамай, ўз асарида Жуд тоғининг ўртасида улуғ кўл борлигини ва бу кўл суви тоза ичимлик суви эканлигини, у ёмғир сувлари тўпланиши натижасида ҳосил бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни батафсил ёзиб қолдиради. Ёмғир суви тоза чучук сув, ундан ўт-ўланлар баҳра олиб, униб- ўсади, кўлда тиниқ ҳолда узоқ сақлангани учун истеъмолга ҳам ярайди. Инсоният яшар экан, ҳамма вақт тоза, чучук сув муаммоси ҳам мавжуд бўлиб келган. Бобур ўзи тасвирлаган кўл сувидан шимолдагилар ҳам, ғарбдагилар ҳам фойдаланиб келганлигини айтади, ғарбдан бир чашмадан сув чиқиб, шу кўлга оқиб тушади. Бу жойлар жуда сўлим, обод. Шуни эътиборга олиб ушбу ердан боғ солдим деб ёзади у. Бу сўзларни ёзар экан, у бу боғларда ширин-шакар мевалар берадиган дарахтлар ўстириб, одамларни баҳраманд қилишни кўнгли тилайди. Боғларда соя-салқин, хушҳаво жойлар, инсон боласи ором олиши учун шарт-шароитлар келишини хоҳлайди.

Бобур одамларнинг саломатлиги, соғлом турмуш тарзи учун жиддий қайғурган. Жумладан, у Ҳиндистонга келганда шундай деб ёзади: “..элида ҳусн йўқ… яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мувалар йўқ ва ях йўқ, бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва совуқ сув йўқ ва шам йўқ ва машъала йўқ, шамдон йўқ…дарёларидин ва қора сувларидин ўзгаким, жарлар ва чуқурларда оқадур, боғ ва иморатида оқар сувлар йўқ”. Ушбу қимматбаҳо ёзувлар Бобурнинг таъби нозиклигини, эл-юрт ободлиги, маъмурлиги, тоза турмуш тарзини ўзига асосий дастур қилиб олганлигини кўрсатади. Самарқанд ва Андижонда ширин-ширин меваларни, бозорлари ошу нонлар билан тўла бўлганини эслаб, Ҳиндистонда бундай ноз-неъматлар йўқлигини, мамлакат ғариб, қашшоқ ҳаёт ичида қолганини афсус билан шарҳ этади. Одамларнинг тозаланиб чўмилиб олишлари учун ҳаммом, илм олишлари учун мадраса йўқлигини ёзар экан, кўз олдимизга Бобурнинг Ҳиндистон халқи учун, табиати учун нақадар жон куйдиргани келади. Шам йўқ, машъала йўқ ва шамдон йўқ деб ёзар экан, Бобур ўзи шу ҳалққа илмий маънавий тарбиядан ташқари, экологик тарбия ҳам олиб келганига ишора қилади. Улуғ шоир бу ернинг сувларига эътибор бериб, қора ифлос сувлар оқишини, одамлар яшаб турган иморатлари олдида тиниқ сувлар йўқлигини, боғлар барпо этилмаганлигини афсус билан таъкидлайди. Экологик тарбия “Бобурнома”нинг бошдан охиригача ёзиб борилади, бир жойларда филни ўзига ўргатиш, яна бир жойларда одамга зарар етказмасдан арслон овлаш усуллари, йилнинг фасллари, дарахтлар тури, мевалар таъми, йириклиги, ҳатто ёмғирнинг қанча миқдорда ёғишини ҳам ипидан-игнасигача таърифлайди.

Бобур қимматбаҳо обнус дарахти ҳақида ҳам батафсил маълумот беради. Хуллас, Бобурнинг табиатга меҳри, сувларни асраб-авайлаб, улардан одамларнинг эҳтиёжларини қондириш, гуллар ва боғларни суғориш, юртни обод қилиш учун фойдаланганлари, табиат неъматларини кўз қорачуғидек асраб-авайлаб, покиза сақлашга интилганларига гувоҳ бўламиз. Бобур ўсиб-улғайган замин – она юртига ана шу муқаддас анъаналар асрлардан бери барқарор яшаб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда эди.

Бобур асарлари фақат адабий-бадиий ёдгорлик эмас, Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон табиати ҳақида бебаҳо маълумотлар берувчи, халқнинг экологик маданиятининг юксалишига хизмат қилувчи улкан қомусий асар. Бу эса ёш авлодни ватан табиатини севишга, асрашга, хуллас ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришга хисса қўшади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедов С, Қосимов Б, Қўчқоров Р, Ризаев Ш. 5- синф Адабиёт дарслиги. 2015.- 176-б.
2. Бобур. Бобурнома.Т. “Ўзбекистон”. - 2000.
3. Сирожжиддин Саййид. Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур! Т.: Шарқ. - 2006

**Рустамова Малика Мурадуллаевна**
**(Самарканд, Узбекистан)**

# СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

***Аннотация:*** *В статье рассматривается история изучения частей речи и роль мирового лингвистического наследия в образовании современных грамматических правил.*

***Annotation:*** *The article deals with the history of study of parts of speech and the role of the world linguistic heritage in the formation of modern grammatical rules.*

Тилшунослик фани ҳозирги даражага етгунча узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу - табиий ҳол. Чунки тилшунослик фани ҳам бошқа фанлар сингари йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Унинг яратилишида ҳам ўтмишда яшаган ва ижод этган жуда кўп мутафаккирларнинг иштироки бор. Уларнинг фаолияти туфайли фанга қўшилган илмий меросни эътибор билан ўрганиш лозим.

Ўрта асрларнинг охиригача Европада тилшунослик фақат қадимги лотин, иврит ва Юнон тилларини ўрганиш ва ўргатишдангина иборат бўлиб қолди. Ғарб мамлакатларида XIV асрда бошланган Ўйғониш даври антик давр санъати ва маданиятига қизиқиш уйғотгани каби антик тилшунослик анъаналарига, жумладан жонли тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни рағбатлантиради. Шунингдек, XVI аср охирида Европанинг илғор давлатларида капиталистик муносабатлар шакллана бошлади, европаликлар Ер юзининг турли бурчакларини кашф этиб, у ердаги халқларни буйсундира бошладилар. Ушбу факторларнинг барчаси тилларни, биринчи навбатда Европа тилларини илмий ўрганиш, уларни ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида устивор

қўллаш ҳамда забт этилган ҳудудларнинг аҳолиси ўртасида ёйиш заруратини келтириб чиқарди ва лингвистик тадқиқотларнинг юксалиши учун ижтимоий туртки бўлиб хизмат қилди. Худди антик даврда бўлгани каби ўрта асрлар тилшунослиги бошида ҳам файласуфлар турган эдилар. Жумладан, XVII асрга келиб Бэкон ва Локк (Англия), Лейбниц (Германия), Декарт (Франция) каби файласуф-олимлар тил ва тафаккур муаммоларини ёрита туриб, йўл-йўлакай сўз туркумлари ҳақидаги қимматли мулоҳазаларини ўртага ташладилар. «XVII аср файласуфлари мавҳум отларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масалага катта эътибор бердилар. Улар барча мавҳум отлар ҳиссий сезиш мумкин бўлган конкрет нарса ва ҳодисаларнинг номига бориб боғланади, деб ҳисоблардилар» [1, С. 29]. Бу фикр қадимги Юнон фалсафасидаги «исмларнинг тўғрилиги ҳақидаги мунозара»да баён қилинган мулоҳазаларга ҳам ўхшаб кетишини таъкидлаб ўтиш лозим.

В. А. Звегинцевнинг фикрича, XVI, XVII ва XVIII асрлар Европада тилшунослик учун турли тилларга оид лисоний материалларни йиғиш, тартибга солиш даври бўлди, бу даврда амалга оширилган ишлар кейинги асрларда тилшуносликнинг жадал ривожланишига асос бўлди. [2, С. 29]

XVI-XVII асрларга оид бўлган грамматикалар антик дунё грамматикаси анъаналари таъсири остида эди.

М. В. Ломоносов ўзининг тилшуносликка бағишланган асарларида XVIII асрнинг фалсафий тилшунослигига қарама-қарши равишда эмпирик асосда иш тутди. У тилни алоқа воситаси деб билади. «Сўз, - деган эди у, - ўз тушунчаларини бошқаларга билдириш учун берилган». «Рус тили грамматикаси» олти бўлимдан иборат бўлиб, унда рус тилининг фонетикаси, орфографияси, сўз ясаш ва сўз ўзгартиш системаси, айрим сўз туркумларининг хусусиятлари, синтаксис масалалари ёритилган. Сўзларни дастлаб у уч туркумга – отлар, феъл ва ёрдамчи сўзларга ажратади. Ёрдамчи сўзларни Яна олтига: олмош, сифатдош, равиш, олд кўмакчи, боғловчи ва ундовларга бўлади.

А. Ф. Бернгардининг ишлари, хусусан, унинг «тил ҳақидаги таълимот» ва «Тилшуносликнинг дастлабки асослари» деб аталган асарлари тил фалсафаси ва грамматикаси соҳасида XIX асргача олиб борилган тадқиқотларга, тилшунослик фанининг тараққиётидаги янги босқичгача бўлган бутун бир даврга якун ясаган эди. У тилшунослик фанининг таркибини аниқлади. Фонетика, этимология, сўз ясаш, морфология, сўз бирикмаси ва синтаксис бўлимларини ажратди. Тилни ўрганишнинг икки аспекти – тарихий ва фалсафий аспектлари бўлишини кўрсатди.

Сўз туркумларини ажратишда Бернгарди мантиққа асосланади. Шунинг учун у сўз туркумларини субъект, предикат ва боғламаларга нисбатлайди. Булардан ташқари, у юкламаларни ҳам ажратиб, бу гуруҳга артикль ва олд кўмакчиларни киритади. Унинг қарашлари Ф. Бопп, В. Гумбольдт каби машҳур тилшунослар қарашларига таъсир кўрсатди.

Ф. Боппнинг хизмати шундаки, у қариндош тилларнинг материаллари асосида системага асосланган, система характеридаги умумий назарияни кўриб берди. У феълларнинг қўшимчаларини қиёслаб, хинд-Европа тилларида нафақат алоҳида ўхшаш ҳодисалар мавжуд, балки ушбу тилларда ўзаро ўхшашликнинг, ўзаро мувофикликнинг бутун бир системаси-грамматик системаларнинг умумийлиги, ўхшашлиги мавжудлиги аниқланди.

Қиёсланаётган тиллардаги грамматик шаклларнинг энг қадимий, дастлабки кўринишини очиб бериш жараёнида бир тилга хос ходисани бошқа тилга оид шаклларни (сўз шаклларини) бошқа тилдаги шакллар орқали тушунтириш, изоҳлаш Ф. Бопп тадкикотларининг янгилиги эди. У шу билан қиёсий-тарихий методнинг асосини яратди ва сўз туркумларининг таснифини келтирди. У 1833-1852 йилларда уч томлик «Санскрит, зенд, арман, грек, лотин, литва, эски славян, гот ва немис тилларининг қиёсий грамматикаси» номли асарини эълон қилди. Асарда санскрит тилига ассосланган ҳолда айрим грамматик шаклларнинг тараққиётини ва уларнинг дастлабки манбаларини аниқлаш мумкин, деган фикрни илгари суради.

Ф. Боппнинг кейинчалик тилшунослик тарихига «агглютинатив назарияси» номи билан кирган таълимотининг моҳияти қуйидагича, яъни узоқ ўтмишда тиллардаги барча сўзлар аввало икки турга бўлинарди – бир буғиндан иборат феъллар ва бир буғинли олмошлар. «Санскрит ва унга қариндош тилларда икки хил ўзаклар бор: биринчи турдагисидан феъллар ва исмлар: (отлар ва сифатлар) ҳосил бўларди ва улар феъллар билан яқин муносабатда эдилар. Улар феълнинг ҳосиласи эмас, балки у билан баровар бир тананинг шохларидай тараққий қиладилар… Биз уларни «феъл ўзаклар» деб атаймиз. Иккинчи турдаги ўзаклардан олмошлар барча бирламчи кўмакчи, боғловчи ва юкламалар келиб чиққан. Биз бу турдаги сўзларни «олмош ўзаклар» деб номлаймиз. Уларнинг барчаси у ёки бу маънода олмошлик маъноларини ифодалайди» [2, С. 29]. Куринадики, Ф. Бопп сўз туркумларининг генезиси тўғрисидаги мулоҳазаларида феъл - мустақил сўз туркумларининг, олмош эса ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқишига асос бўлган деган фикр келиб чиқади.

В. Гумбольдт 1820 йилда Берлин академиясида «Тиллар тараккиётининг турли даврларида уларни қиёсий-тарихий ўрганиш ҳақида» деган мавзуда маъруза қилди. Ушбу маърузада унинг тилга оид дастлабки қарашлари, тил ҳақида алоҳида, мустақил фан яратиш зарурлиги ғоясини ўртага ташлайди ва уни асослаб беради. Шунингдек, олим қариндош ва қариндош бўлмаган тилларнинг типологик қиёсий грамматикасини яратиш тарафдори бўлиб чиқади. У озигача бўлган, яъни ҳар бир тилнинг ўзига хослигини, мустақиллигини тан олмайдиган, барча дунё тилларини тайёр мантикий жадвалларга мажбуран киритишга интилувчи дедуктив умумий грамматикани – Пор Рояль грамматикасини инкор қилади. В. Гумбольдт турли тиллардаги айнан бир тушунчани - фикрни ифода этишнинг, етказишнинг турлича усулларини аниқлашга интилади.

Умумий назарий тилшунosликнинг – тил фалсафасининг асосчиси бўлган В. Гумбольдт томонидан тилнинг система сифатида талқин қилиниши, тилнинг организм, органик бир бутунлик сифатида берилиши А. Шлейхер, Ф. де Соссюр, Бодуэн де Куртенэ каби тилшуносларнинг таълимотларига таъсир қилди, уларнинг лисоний ғояларида кузатилди.

А. Шлейхер умумназарий фикрларни илгари сурадики, бу фикрлар тилшунослар томонидан эътибор билан қабул қилинди. Ушбу фикрлар товуш қонуни, аналогия, тилнинг систем характерга эгалиги, сўзнинг шакли ва вазифаси ҳақидаги ғоялар билан боғланади

Август Шлейхер ўзаклардан иборат бўлган (аморф) тилларни (масалан, хитой ва бирма тилларини) кристаллга (жонсиз жисмга) ўхшатади,

агглютинатив тилларда ўзак (асосий мазмун ташувчи бирлик) ва қшшимча (муносабатни ифодаловчи бирлик) мавжудлигини инобатга олиб, уларни ўсимликка ўхшатади (масалан, туркий ва угор-фин тиллари), флектив тиллардаги ички флексия усули билан маъно англатиш (фақат ўзакдаги ўзгаришлар ёрдамида, бошқа воситаларсиз) ҳодисаси туфайли тирик организмга қиёсланади [1, С. 98-103].

Мазкур ёндашув таъсири А. Шлейхернинг сўз туркумлари тўғрисидаги фикрларида хам намоён бўлди. Масалан, у қадимги ҳинд-герман бобо тилида ҳар бир сўз, ҳар бир гап бўлаги ё феъл, ё от бўлишини, равиш, юкламалар, кўмакчилар аввал бошда келишик ёки феъл шакллари эдилар, деб ҳисоблайди

Хуллас, юқорида кўриб чиқилган барча тилшунослик мактаблари ва оқимлар сўз туркумлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида умуман олганда ўзаро ўхшаш хулосаларга келдилар. Бу ҳол ўз навбатида барча тиллар учун сўз туркумларини тасниф этиш ва таҳлил қилиш учун универсал тамойиллар ва ёндашувлар мавжуд эмаслигининг дастлабки исботи бўлди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Венкович В. М., Шайкевич А. Я. История языкощзнания. Ч.1. с. 26.
2. Звегинцев В. А. Очерк истории языкознании до XIX века. С. 29.

**Садыкова Баҳора Махмуровна**
**(Самарканд, Узбекистан)**

# ИТАЛЬЯН АДИБИ Н.АММАНИТИНИНГ “IO NON HO PAURA” (“МЕН ҚЎРҚМАЙМАН”) АСАРИДАСЎЗЛАШУВ НУТҚИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

***Аннотация:*** *Мақолада замонавий итальян адабиёти намоёндаси Н. Амманитининг “Мен қўрқмайман”асарида сўзлашув нутқи тузилишини белгиловчи мазмун учун характерли ҳолатлар,эмоционал, вульгар сўзлар хусусида фикр юритилган.*

***Таянч сўзлар:*** *роман, лексик сўзлашув нутқи, вульгар сўзлар, эмоционаллик, информативлик, коммуникативлик.*

***Аннотация:*** *В данной статье рассматриваются характерные особенности содержания разговорной речи, вульгарных, эмоциональных слов, в произведении автора Н. Амманити “Я не боюсь”.*

***Ключевые слова:****роман,разговорная речь, вульгарные слова, эмоциональный, информативный, коммуникативный.*

***Annotation:*** *This article discusses the characteristics of the content of spoken language, the vulgar, emotional words, in the workof Italian author N. Ammaniti “I don’t fear”.*

***Keywords:*** *roman, spoken language, vulgar words,emotional, informative, communicative.*

Никколо Амманитининг “Мен қўрқмайман” асари қаҳрамонлик ва дўстлик, золимлик ва муҳаббат ҳақидаги беқиёс романдир. Бошқа романларга қараганда бу роман жуда қисқа бўлсада унда битта ҳам ортиқча сўз ишлатилмаган. Асарни ўқиб биз баъзида бизнинг энг яқин инсонларимиз қалтис вазиятларнинг қоқ марказида бўлиб қолишини кўришимиз мумкин... Бу драмматик асар бадавлат оила фарзандининг ўғирланиши ва бу воқеага ўғрилардан бирининг ўғли гувоҳ бўлиши ҳақидадир...

Н. Амманитининг 2001 йилда ёзилган “Мен қўрқмайман” (“Io non ho paura”) асарида оғзаки нутқ жуда кўп бора ишлатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Роман биринчи шахсда ҳикоя қилинади. Асарни тўққиз ёшли бола Микеле Аммитрано ҳикоя қилиб беради. Асарда бўлиб ўтадиган барча воқеаларни биз шу боланинг кўзлари билан кўрамиз, у хис қиладиган туйғуларни ҳис қиламиз. Шу сабабли ҳам романдаги ҳикоя боланинг ёшига мос оддий, содда ва тушунарли тилда ёзилган.

Сўзлашув нутқи қўлланишининг оммавийлиги билан характерланади. Чунки ундан барча ёшдаги ва турли касбдаги кишилар фойдаланади. У бадиий адабиётда ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Сўзлашув нутқининг бадиий адабиётда ишлатилиш ҳолатларини аниқ кўриб чиқиш мақсадида биз ушбу мақолада машҳур замонавий итальян адиби Никколо Амманитининг “Мен қўрқмайман” асарида сўзлашув нутқининг ишлатилиш ҳолатларини кўриб чиқишни мақсад қилдик.

Сўзлашув нутқи гаплашувчиларнинг бевосита диалогик шаклда сўзланган бетакаллуф, эркин нутқдир. Ушбу нутқ тил материалига кўра адабий, диалектал, «оддий нутқ» ёки қоришиқ кўринишларига ҳам эга бўлиши мумкин. Адабий сўзлашув нутқи, масалан, итальян адабий тилининг бутун Италияҳудудида тарқалган адабий сўзлашув кўринишидир. Шунинг учун адабий сўзлашув нутқи бугун мамлакат ҳудуди бўйлаб маҳаллий шеваларга катта таъсир ўтказаётган, аммо оз бўлса-да ўзи ҳам маҳаллий шеваларнинг таъсири фонида кўринаётган нутқдир.

Сўзлашув нутқи тузилишини белгиловчи мазмун учун қўйидаги ҳолатлар характерлидир:

1. Тўла мазмунни ифодаламаслик даражаси. Ҳар бир нутқий матннинг мазмунга бойлик даражаси янги ахборот етказиш сони ва сифати билан белгиланади. Кузатилган якка воқеа-ҳодисалар ва предметлар ҳақида хабар етказиш ахборотнинг содда шаклидир:

- *Si.*
- *No, che sono?*
- *Niente…*

2. Яккалик, индивидуалликни ифодалашга интилиш, абстрактликдан конкретликнинг устунлиги. Сўзлашув нутқида кўпинча якка предмет, воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр баён этиш билан конкретликка интилади. Масалан: *…Eccola. Era li`. Piccola e infelice. Seduta sopra un cerchio…*Мана у. Ана у ерда. Кичкина ва бахтсиз... [Io non ho paura, 8]. Бу мисолдан Микеленинг объектив характерини билиб ололмаймиз. Чунки бунда кишининг конкрет ҳолати билан боғлиқ кайфият ифодаламаган.

3. Эмоционалликнинг кучлилиги. Кундалик алоқа-аралашув жараёнида кишилар бир-бири билан муносабатда эмоциясини билдиради. Эмоциялар юз кўринишини ўзгартириш, қичқириш, бақириш, кулиш, йиғлаш, ҳар хил имо-

ишоралар орқали ифодаланиши мумкин. Эмоционаллик фонетик, грамматик ва лексик воситалар билан ифодаланади. Эмоция хисларнинг ҳар хил бўлишига (шодлик, эркалаш, ғазаб, афсус, қўрқинч каби) ва уларнинг қай даражада бўлишига қараб, шунга мос равишда интонация ҳам турлича бўлади. Бу нарса сўзлашув нутқига хос бўлиб, улар сўзлашув нутқи тузилишини белгилайди. *Quando mi ha visto, ha storto la bocca e si e` gonfiata come un tacchino. – Michele...?*[ Io non ho paura,8].

4. Сўзлашув нутқида кишининг субъектив ва аффектив фикрлари баён этилади. Маълумки, сўзлашув нутқи ўз моҳияти жиҳатидан объектив характерга эга эмасдир: Агар кишининг вақти бўлса, у ўз фикрини объектив тарзда ўйлаб, бирор тартибга солиб ифодалайди. Аксинча, у шошилинч тарзда, тезлик билан бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бермоқчи бўлса, у ўз нутқини субъектив қобиққа ўрайди. Масалан,*...Si diceva che il vecchio Melichetti li addestrava a sbranare le galline, e a volte pure i conigli e i gatti….*[Iononho paura,10].

5. Сўзлашув нутқида информативликка нисбатан коммуникативлик кучлидир. Масалан, *-Michele, dove siete stati tutto il giorno? Vostra madre stava impazzendo. Non pensate a questaa povera donna che deve gia` aspettare il maritoe non puo` aspettare pure voi? Che e` successo agli occhiali di tua sorella?* Бу диалогда сўзловчи фикрига жавоб тарзида эмас, балки мавзу нуқтаи назардан узоқлашган фикр баён этилган.

6. Чегараланган лексиканинг қўлланилганлиги. Тилнинг луғат таркибига киритилмаган, фақатгина оғзаки нутқда мавжуд бўлган вульгар сўзлар мавжудки, улар романнутқида қаҳрамон характери, миллий мансублиги ва ички дунёси тасвирида ҳамда воқеа-ҳодисага хослик таъкидини бериш мақсадида ишлатилади. Шунингдек, воқеалар бўлиб ўтаётган ўринга ишора қилиш ёки нутқий вазият, унда иштирок этаётганларнинг дунёқараши ҳақида маълумот бериш истаги билан ҳам киритилиши мумкин. Тилшуносликда ***вульгаризм***лар деб аталувчи ҳақорат сўзларида ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик каби бир қатор ифода семалари жуда очиқ кўриниб турган бўлади. Бундай сўзлар кўпроқ номинатив маъноларига кўра эмас, айни шу коннотатив маъноларига кўра нутқда яшайди. Лисоний таҳлил жараёнида асарга олиб кирилган вульгаризмларни кимнинг (жинси, ижтимоий табақаси, мавқеи, ёши кабилар) нутқида ишлатилаётганлигига қараб гуруҳлаш, қандай вазиятларда ва нима сабабдан қўлланилаётганлигини ҳамда уларнинг лексик-семантик таркиби, шевага хосланганлиги кабиларни аниқлаш лозим бўлади. Мисоллар:*-Che scifo!* – Қандай жирканч!

- *Cosi` impari a fare la stronza.* – Ана энди қабиҳ ишлар қилишни ўрганасан.

*Sembrava un piccolo fantasma straccione* – У кичкинагина руҳга, жулдурвақига ўхшаб кетарди.

- *Ti prendo a calci fino al cartello di Acqua Travese.*-Мен сени то Аква Травезе ёзувили тахтача осилган жойгача кетингга тепиб бораман.

- *Dove cazzo ti sei rotolato?* – Қайси гўрда санғиб юрибсан?

- *Avete fatto stronzate su stronzate.* – Сенлар бир аҳмоқликни орқасидан бошқасини қилдиларинг.

- *Sei un imbecile.* – Сен ақлипастсан.

- *Porcoddio! E basta!* – Жин урсин! Бас, етар!

Юқоридаги гапларни Микеленинг отаси ва жиноий гуруҳ бошлиғи Сержо Материя айтишади. Бу ҳолатларда авторнинг асосий вазифаси отанинг психологик ҳолатини кўрсатиб беришдир. Чунки шу куни Микеле одатдагидан жуда кеч қайтади ва унинг қаердалигини ҳатто билмаган отаси ўғлига бақира бошлайди. Ўғриларнинг эса болага бўлган ёмон муносабати, ҳақоратларни ишлатишлари уларнинг ижтимоий ҳолатини ҳам аниқ намоён этади.

Демак, сўзлашув нутқининг долзарб характердаги мазмунини шакллантириш учун ушбу нутққа хос фонетик, лексик, грамматик меъёрлардан ўринли фойдаланиш лозим бўлади. Роман тилидаги сўзлар занжири миллийликка йўғрилган, қуруқ тасвир ва баландпарвозликдан йироқ бўлган оддийлик, соддалик ва самимият, бадиий адабиётда етакчилик қилувчи хусусиятлар асосидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Абдураҳмонов Х., Маҳмудов Н. Сўзэстетикаси. - Т: Фан, 1981, 24-б
2. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. Тошкент, Фан, 1979, 14- бет
3. Ammaniti N. Io non ho paura.- Einaudi, Stile libero, 2007, p. 219
4. Kovalev V. Dizionario russo italiano italiano russo, Zanichelli, 2005, 2173 p
5. D’Achilli P. Sintassi del parlato e tradizione scritta della lingua italiana, Bonacci, 1990, 388 p.

## СЕКЦИЯ: ЭКОЛОГИЯ

**Ismayilova I., Maxmudova M.**
**(Urganch, Uzbekistan)**

### SOG`LOMLASHTIRUVCHI JISMONIY TARBIYANING INSON HAYOTIDAGI O'RNI

Sog'lomlashtiruvchi jismoniy tarbiyaning turli kasalliklarini yengishdagi ahamiyati xaqida buyuk mutafakkir olim Ibn Sini "Tib qonunlari" kitobida batafsil to'xtalib o'tgan. Sog'lomlashtiruvchi jismoniy tarbiya yoshlarni jismoniy mashqlar va sport bilan shug'illanishga extiyojini mustahkamlash, ularni psixofiziologik asoslarini anglash, jismoniy quvvat va salomatlikni rivojlantirish, sanitar gigienik ko'nikmalarni hosil qilish, sog'lom hayot tarzini yuritishga yo'naltirilgan ko'p qirrali pedagogik jarayondir. Sog'lomlashtiruvchi jismoniy tarbiya yoshlarda jismoniy mashg'ulotlar va sportga ehtiyojini shakillantirish, jismoniy quvvatni va xarakterini mustahkamlashda muxim axamiyat kasb etadi. Sog'lomlashtiruvchi jismoniy tarbiyaning muhim komponentlaridan biri yoshlarni jismoniy mashg'ulotlarning sog'lomlashtiruvchi samarasi va uning inson tanasiga ta'siri to'g'risidagi bilimlar bilan qurollantirish hisoblanadi. Jismoniy tarbiyaning asosiy maqsadi – bolalar sog'ligini mustahkamlash va organizmni chiniqtirish, xayot uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni shakllantirishdir. Jismoniy tarbiya yorug', toza jihozlangan xonalarda yoki hovlida tibbiyot va pedogogika xodimlari nazoratida olib boriladi. Mashg'ulot turi bolaning salomatligiga qarab belgilanadi. Kun tartibi qanchalik to'g'ri tashkil etilsa, chiniqish va salomatdlik shuncha mustahkam bo'ladi. Chiniqish moddalar almashinuvi jarayonini yaxshilaydi, asab va ichki sekretsiya bezlari sistemasi faoliyatiga yaxshi ta'sir ko'rsatadi, qolaversa butun fiziologik jarayonlarni boshqarib turadi. Markaziy asab sistemasining faoliyati o'zgarishi natijasida chiniqish jarayonida ma'lum darajada to'qima va xujayralarda ham moslashish kuzatiladi. Natijada xujayra fermentlarining faolligi va fizik – kimyoviy tarkibi o'zgaradi. Sovuq yoki issiqning ko'p marta ta'sir etishi natijasida organizmning umumiy qarshiligi ortadi. Chiniqish organizmga bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatadi.

Bilvosita ta'sirga quyidagilar kiradi:

1. Sovutish muolajasi qilinganda, meteorologik omillar yoki quyosh nuri ta'siri ostida ultrabinafsha radiatsiyasi ta'siri natijasida organizm chidamliligi oshadi.

2. Chiniqish ta'sirida organizmning har xil ta'sirlarga, yuqumli kasalliklarini tarqatuvchilarga qarshi chidamliligi oshadi. Chiniqish omillari jismoniy ish qobiliyatini oshiradi. Kasalliklarni kamaytiradi, sog'likni mustahkamlaydi. Organizmni tashqi muhitning yuqori va past haroratida ham chiniqtirsa ham bo'ladi. To'qimalar qarshiligining buzilishi, umumiy va mahalliy immunitetning pasayishi, ximoya reaktsiyalarining kuchsizlanishi natijasida yuqori nafas yo'llarining shilliq qavatida mikrofloralar rivojlanishi uchun yaxshi shart – sharoitlar yaratiladi.Tana haroratini bir xil saqlashda issiqlikni boshqarish mexanizmi xizmat qiladi. Atrof – muhitning meteorologik sharoiti o'zgarishiga qaramasdan organizmning ichki muhitdagi asosiy fizik va kimyoviy ko'rsatkichlarining doimiy bo'lishi ta'minlanadi. Kimyoviy issiqlikni boshqarish deganda, to'qimalarda moddalar almashinuvini boshqarish tushiniladi, bunda uncha katta bo'lmagan issiqlik mushak, jigar va boshqa a'zolar modda almashinuviga uzatiladi. Issiqlik bolalar va o'smirlarda yuqori darajada ajratiladi.

Masalan, har kuni 2 yoshdagi bolada 8,1, o'smirlarda (14 yosh) 52, kattalarda esa 35 kkal issiqlik ajralib chiqadi. Fiziologik issiklikni boshqarish deganda, issiqlik berishning ko'payishi yoki kamayishi tushiniladi. Uning ma'nosi quyidagilarda iborat: terining yuqori qismi chegara hisoblanadi, ya'ni u organizm to'qimalarini tashqi muhitdan ajratib turadi. Bu yuzada harorat ichki qismda joylashgan a'zolarga nisbatan past bo'ladi. Qon ichki qismda joylashgan tana qismidan terining yuza qismiga o'tadi. Bunda ancha issiqlik tashqi muhitga ajralib chiqadi. Issqlik darajasidan past issiqlik vaqtida havo va suv orqali chiniqtiradigan vositalarni qo'llaganda teri tomirlarining siqilishi, qonning ichki a'zolar va terining chuqur qavatiga taqsimlanishi kuzatiladi. Chiniqmagan odam terisi issiq va sovuqqa o'ta beriluvchan bo'ladi. Tez orada teri oqaradi, lablar ko'karadi, ba'zan hiqichoq tutadi. Mo'tadil issiqlik vaqtida havo va suv orqali chiniqtirishni o'tkazish (havo uchun 24 – $25^0$S, suv uchun ko'krak terisining issiqligiga teng 35 – $33^0$S, bolaning yoshiga bog'liq), past issiqlik ta'sirida chiniqqan tanada esa adekvat issiqlik ishlab chiqarish boshlanadi.Chiniqtirish vositalarini boshlashdan oldin albatta bola sog'lig'i, shu bilan bir qatorda har bir bolaning jimoniy o'sishi ham baholanadi. Sog'lomlik guruhi va fizik issiqlikni boshqarish turi o'rtasida to'g'ri bog'liqlik borligi aniqlangan. SHunday qilib, bolalar o'rtasida birinchi sog'lomlik guruhiga kiruvchilar 50 % ni(shulardan ko'p bolalar kuchli fizik issiqlik boshqarishiga ega bo'lganlar), 2 – 3 sog'lomlik guruhida 45 – 50 % ni tashkil etadi. Bitta bolada uzoq qo'llash orqali salomatligining holati fizik issiqlikni boshqarish funktsiyasining pasayishi, yuqori nafas yo'llari kasalligining davomiyligi va sonining oshishiga, issiqlikni boshqarish vazifasining yaxshilanishi bolalar sog'lig'ining yaxshilanishiga va o'tkir yuqori nafas yo'llari kasalligining davomiyligi va sonining kamayishiga olib keladi. Bundan tashqari, yashirin yuqumli o'choqlarga e'tibor berish lozim, sovuq payti kasallik paydo bo'lishi mumkin. Quyosh nurlaridan to'g'ri foydalanganda odam organizmi chiniqadi, moddalar almashinuvi ham yaxshilanadi. Terisida Gistamin, adenozin, xolin va boshqa faol moddalarning ahamiyati katta bo'ladi. Bu moddalar qonga tushib, asab sistemasi orqali har xil a'zo va to'qimalarga ijobiy ta'sir qiladi.

Ortiqcha vaznga ega bo'lgan insonlarda, 40 yoshdan so'ng organizmda modda almashinuvi jarayonlarining buzilishi bilan kechadigan bir qator og'ir kasalliklar paydo bo'ladi. Semizlikka mubtalo bo'lganlar o'rtasida qon tomirlari aterosklerozi 2 marta, qon bosimi oshishi 3 marta, qandli diabet kasalligi 4 marta, o't-tosh kasalligi 6 marta, venalar varikoz kengayishi 2-3 marta ko'p uchrashi aniqlangan.

Semizlikni davolash uchun tarkibida yog'lar va uglevod miqdori kamaytirilgan parhez taomlarni iste'mol qilish tavsiya etiladi. Bunday ovqatlar tarkibida oqsil va vitaminlar etarli bo'lishi lozim. Parhez taom tarkibida asosan meva-sabzavotlardan: karam, sabzi, lavlagi, oshqovoq, sholg'om kabilar bo'lishi lozim. SHu bilan bir qatorda jismoniy faol bo'lish, yoshiga va jinsiga mos badantarbiya mashg'ulotlari bilan shug'ullanish ham semirib ketishning oldini olishda juda muhim ahamiyatga ega. Kamharakatlik, muttasil ravishda asabning zo'riqib ishlashi, surunkali charchash, organizm faoliyatining buzilishiga, mehnat qobiliyatining pasayishiga, barvaqt qarishga sabab bo'ladi.

## FOYDALANILGAN ADABIYATLAR RO'YHATI:

1. Арзикулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари. Т.; I- II жилд. 2005.
2. Вайнер Е. Н. Валеология. – Учебник для вузов. М. Флинта: Наука, 2002. 416 с.
3. Шарипова Д., Содиков К., Шахмурова Г., Арбузова Т., Маннопова Н. Валеология асослари. - Т.: 2009. - 124 б.
4. Искандаров Т. И., Исаханов В. И. Здоровый образ жизни: восточные традиции и современность. – Т., 1989. - С.118.

**Аҳмедова Д., Маткаримова О.**
**(Фарғона, Ўзбекистон)**

## УРБАНИЗАЦИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Ҳозирги кунда урбанизациянинг жадал ривожланиши экологик вазиятнинг мураккаблашишига олиб келмоқда. Урбанизация жараёни барча табиат компонентларида кучли ўзгаришлар содир этади. Шаҳарларда грунт, рельеф, тупроқ, гидрографик тармоқлар, ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси ҳатто иқлим ўзгаради. Шаҳарларда нафақат ҳарорат, нисбий намлик, қуёш радиацияси балки, Ернинг иссиқлик, гравитацион, электр ҳамда магнит майдонлари хусусияти ҳам сезиларли даражада ўзгаради.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев "...инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда" деб таъкидлаган.

Маълумки, шаҳарлар саноат, бошқарув, маданий, транспорт ва бошқа қатор вазифаларини ўзида мужассамлаштирган аҳоли яшайдиган жой бўлиши билан бирга, азалдан кишилар учун ўта қулай меҳнат ва дам олиш шароитларига эга бўлган, маиший эҳтиёжлари қондириладиган бир бутун тарихий-меъморий, ижтимоий-иқтисодий қурилма ҳамдир. Шаҳарларда қаттиқ маиший чиқиндилар (ҚМЧ) ва катта ўлчамли ахлатлар (КЎА) йиғилиб, улар ўз вақтида олиб чиқилмаса ҳамда зарарсизлантирилмаса, атроф табиий муҳитни жиддий ифлослантириши мумкин. Бироқ ҳозирги йирик саноатлашган шаҳарларда атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, транспорт ҳаракатларининг жадаллиги, кучли шовқин-сурон ва бошқа қатор инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар кишиларни хориқишига, турли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

А. А. Қаюмов, Ў. Ш. Якубов, А. К. Рахимовлар (2011) таъкидлашича, дунёдаги шаҳарларнинг умумий майдони 0,5 млн. км$^2$ бўлиб, бу рақам Ер курраси майдонининг 0,3 % ни ташкил этади. Дунё аҳолисининг 49 % аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда яшайди.

Шаҳарларнинг катталашиши унинг атроф-муҳитга таъсир радиусини ҳам орттиради, натижада шаҳар ҳудуди билан бирга унинг атрофида экологик вазиятдаги мутаносиблик йўқолади. Ифлос ҳаводан нафас олиш анча қийин бўлади, ўпкага ҳаво тўлиқ етиб бормайди, чанг-ғуборларни ўпкада йиғилиши

нафақат ўпкани, балки тананинг бошқа аъзолари ва тўқималарини ишдан чиқаради. Астма, эмфизема, юқори нафас йўллари қатори касалликлари манбаи ҳам ифлос ҳаводир.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларини берган маълумотига кўра, аҳолининг 23 % барча турдаги, 25 % эса онкологик касалликлар касалланиши атроф-муҳит ҳолати билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда аҳоли ўртасида энг кўп касалланиш нафас органлари касалликлари бўлиб 27 %, кон ва қон айланиш тизими касалликлари 16,7 % овқат ҳазм қилиш касалликлари эса 12,8 % ни ташкил қилади.

Шаҳарларнинг кенгайиши, шаҳар атрофларида қўшимча кичик шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Масалан, Тошкент шаҳри унга йўлдош Сирғали шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент вилоятига қарар эди. Ҳозирда Тошкент шаҳрига қўшилиб кетган, Фарғона шаҳри, унинг мегаполиси Марғилон ва Киргули шаҳарчалари ҳам келажакда катта Фарғона шаҳрига қўшилиб кетиш эҳтимоли кўпроқ.

**Фарғона вилояти шаҳарларида 2015-2018 йиллардаги доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**

1-жадвал

| Шаҳарлар | Доимий аҳоли сони | | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2015 йил 1 январь | 2016 йил 1 январь | 2017 йил 1 январь | 2018 йил 1 январь | |
| Марғилон | 218,9 | 222,1 | 225,2 | 228,3 | 894,5 |
| Фарғона | 268,1 | 271,0 | 274,5 | 278,5 | 1092,1 |
| Қувасой | 85,9 | 87,5 | 88,8 | 90,2 | 352,4 |
| Қўқон | 236,8 | 239,9 | 243,1 | 245,5 | 965,3 |
| Жами | 809,7 | 820,5 | 831,6 | 842,5 | 3304,3 |

Юқоридаги жадвалда 2015-2018 йиллар давомида Фарғона вилояти шаҳарларида аҳоли сони ортиб бориб, бу ҳолат айниқса, Фарғона, Қўқон шаҳарларида яққол намоён бўлмоқда.

Шунингдек, урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсирли омилларидан бири шовқин-суронлдир. Унинг асосий манбаи-транспорт (автомобил, темир йўл, ҳаво транспорти) саноат ва маиший корхоналар ҳамда қурилиш техникасидир. Инсон умуман шовқинсиз муҳитда яшаши мумкин эмас, аммо шовқин кучи ортиши киши саломатлигига салбий таъсир этади. Шовқин кучи децибелда ўлчанади. Унинг 0-50 дб бўлиши инсонга ёқимли овоз сифатида таъсир этади (дарахт баргларини шитирлаши, майин мусиқа овози), 60-90 дб шовқин ёқимсиз (бақириб гапириш, ёзув машинкалари хонасидаги товуш), 100-120 дб кучдаги шовқин зарарли (юк машинаси, жаз мусиқаси), шовқин кучининг 130-200 дб бўлиши хавфли ҳисобланади (реактив самолиёт, артиллериянинг тўп отиш вақтидаги товушлар), шовқин кучининг рухсат этилган меъёри (РЭМ) 80 дб, энг юқори чегараси 110 дб, ҳозирда шовқин кучи йирик шаҳарларда меъёридан 10-20 дб га ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шовқин кучининг 180 дб ортиши ўлим билан тугаши мумкин. Кучли шовқин меҳнат унумдолигини 10-60 % камайтиради. Сершовқин муҳитда фаолият кўрсатадиган кишиларда турли

касалликларга чалиниш, одатдаги шароитда меҳнат қиладиган кишиларга нисбатан 25% юқори бўлади.

Шаҳарлардаги турар жой, саноат, транспорт, омборхоналар, дам олиш, даволаниш ва санитария ҳимоя минтақаларини тўғри жойлаштиришда экологик омиллар яъни шамол ва оқим (дарё) йўналиши кабилар қатъий эътиборда бўлиши шарт. Шаҳарлар қурилишидаги ушбу экологик ёндашув шаҳар ҳудудида табиий компонентларнинг антропоген таъсирлари бардошлигини орттиради, табиатни ўз-ўзини тозалаш ва тиклаш қобилиятига ёрдам беради.

Шаҳар худудидаги саноат тармоқлари ва хўжаликларда ишлаб чиқариладиган ҳар хил модда, маҳсулот ва материалларнинг сифат-миқдор кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда, атроф-муҳитга чиқариб юборилаётган чиқиндиларни кескин камайтириш уларни зарарсизлантириш ва инсон саломатлигинисақлашда қуйидаги чора-тадбирлар белгиланади:

1. Шаҳар худудида атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини экологик-гигиена ва санитария меъёрларигача пасайтириш;
2. Атроф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурслардан фойдаланиш ва чиқиндиларни утилизация қилиш устидан назоратни кучайтиришда ҳозирги замон илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш;
3. Шаҳарлар ҳавосини соғломлаштириш, атмосферани ифлосланишдан сақлаш ва шовқинни камайтиришда ишончли усул дарахт ва бошқа кўкаламзор майдонларни кўпайтириш;
4. Саноат корхоналаридан чиқадиган атмосферани ифлослантирувчи чанг, қурум, тутун ва заҳарли моддаларни атмосферага чиқаришдан олдин зарарли таъсирини камайтирадиган ва йўқотадиган тозалаш ускуналаридан кенг фойдаланиш ва бу чиқиндилардан иккиламчи хом ашё сифатида қайта фойдаланиш;
5. Атроф-муҳитни соғломлаштириш, исрофгарчиликни олдини олиш, маиший чиқиндилардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланиб иқтисодий самарадорликка эришиш.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. М. “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони 21-апрел 2017 й Тошкент
2. Қаюмов А. А, Якубов Ў. Ш., Рахимов А. К. “Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш” Тошкент 2011
3. Тумишова А., Юнусова А. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилишига нисбатан талаблар: муаммо ва ечимлар. Фуқаролик жамияти. Умумназ.ижтимоий-сиёсий ж. 2018 №15.1(53) 14 б.

# СЕКЦИЯ: ЭКОНОМИЧЕСИКИЕ НАУКИ

**Мардонов Шерзод Рустамович**
**(Такшкент, Узбекистан)**

## ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШГА МОСЛАШТИРИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш, ички ва ташқи савдо шароитининг доимий ўзгариб бориши бозор муносабатларига ўтиш шарт – шароитини, унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни тақозо этади. Ҳозирги вақтда республикамиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим тармоқлардан бири саналган – пахтачилик мажмуи тараққиётига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун пахта толасига чуқур ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз жиддий эътиборини қаратмоқда. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш,...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бинобарин, пахтачилик мажмуи ва уни қайта ишловчи турдош тармоқларда якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим вазифалардан саналади. Шу билан биргаликда, пахта тозалаш саноатида етарлича хом ашё етишмаслиги сабабли мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жаҳон бозорида рақобатнинг шароитда маълум даражада келгуси ривожланиш жараёнининг ноаниқлигини кучайтираётган вазиятда, корхона мақсади ва вазифаларига жавоб берадиган, ички ва ташқи омилларга ўз таъсирини ўтказа оладиган муқобил ривожланиш стратегик вариантларни амалиётга муваффақиятли жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли маркетингнинг тамойиллари ва қоидаларини чуқур ўрганиш натижалари асосида пахта тозалаш корхоналарида самарали маркетинг хизматини ташкил этиш долзарб масала саналади.

Маркетинг самарадорлигини аниқлаш муаммоси бугунги кунда ғоят мураккаб муаммо саналиб, у ҳали етарлича услубий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Шу боисдан, илмий адабиётларда уни ҳисоблаш формулалари ва баҳолаш услубиётига хос бўладиган маркетинг самарадорлиги тушунчасининг ўзига нисбатан ҳар хил ёндашувлар ва талқинлар амалга оширилган. Ушбу муаммо қуйидаги бир қанча хорижлик олимлар – Д.Абелл [2], Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонг В. [3], Бернет Дж., Мориарти С. [4], Е.П. Голубков Е.П. [5], Завгородняя А. А., Ямпольская Д. О. [6], Ўзбекистонлик олимлардан – А.Ш. Бекмуродов [7], М.Р. Болтабоев [8], М.С. Қосимова, Ш.Д. Эргашходжаева [9] ва бошқаларнинг асарларида ўрганиб чиқилган. Ушбу тадқиқотларда маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги усуллари

кўрсатиб ўтилган: миқдорий, сифатий, балли, ахборот, социологик, маркетинг аудити.

Бекмуродов А. Ш. томонидан маркетинг самарадорлигини баҳолашга мақсадли ёндашув асосида ҳисоб-китоблар амалга оширишни назарда тутадиган услубиёт ишлаб чиқилган бўлиб, бунда маркетинг харажатларининг самарадорлигини фойда ўсишининг маркетинг харажатлари улушига тўғри келган қисмига нисбати каби аниқланган [7].

Болтабоев М. Р. томонидан пахта толаси экспортида маркетинг – микс мажмуаси самарадорлигини ҳисоблашда маркетинг тадбирларини амалга ошириш ҳисобига олинган фойда миқдорининг ушбу тадбирларни амалга ошириш харажатларига нисбати олинган [8].

Бу каби маркетинг самарадорлигини аниқлаш услубиётларини амалиётга қўллаш фойда ва харажатларни алоҳида бўлакларга ажратиш орқали ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Маркетинг самарадорлигини баҳолашда бир қанча усуллар қўлланилади. Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг социологик усуллари амалий социология воситаларидан фойдаланишга қаратилади. Бунда социологик тадқиқотлар олиб бориш дастури ишлаб чиқилади ва у асосида мақсад қилиб қўйилган тегишли изланишлар олиб борилади [10]. Амалий социология воситаларини қўллашга маркетинг коммуникациялари (реклама самарадорлиги, сотишни рағбатлантириш, жамоат билан алоқа, якка сотиш, директ-маркетинг) самарадорлигини баҳолашда ҳам таянилади [4].

Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг балли усули маркетинг концепцияси таркибий тузилмаси ва жараёнларини тавсифлайдиган мезонларга мос равишда баллар қўйиш ҳамда ҳар бир тадбир бўйича самарани “аъзоларга” ажратишга таянади [11].

Маркетинг салоҳияти деганда мавжуд маркетинг ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали ташқи муҳит билан муқобил ўзаро ҳаракат жараёнида бозор эҳтиёжларини аниқлаш, шакллантириш ва максимал даражада уни қондиришни таъминлайдиган пахта тозалаш корхонасининг имкониятлари йиғиндисини тушунамиз. Бунда биз пахта тозалаш корхонаси ривожланишининг маркетинг стратегиясини амалиётга тадбиқ этиш доирасида маркетинг ресурсларининг корхона ривожланиш мақсадларига мос келишига таянамиз.

Пахта тозалаш корхонаси маркетинг салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг хусусий мезонлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ташқи муҳит ўзгаришига мослашиш қобилияти; рақобатга бардошлик ва унинг ошишини таъминлаш қобилияти; пахта тозалаш корхонаси маркетинг фаолиятининг ички имкониятларини кенгайтириш қобилияти. Биринчи икки мезон корхона рақобат мавқеи мазмунига мос келади. Учинчи мезон – пахта тозалаш корхонаси стратегиклигини баҳолаш, яъни ривожланиш маркетинг стратегиясини амалга оширишга тайёргарлик даражасини баҳолашнинг мазмунини қараб чиқамиз.

Бинобарин, маркетинг салоҳиятидан фойдаланиш даражасининг умумлашган баҳоси корхонадаги мавжуд маркетинг ресурслардан фойдаланишни танланган мезонлар бўйича миқдорий баҳолари йиғиндиси саналади.

Маркетингни ташкил этиш маълум бир вазифаларни бажариш юзасидан масъулият ҳамда бўйсуниш тизимини белгилаб берувчи маркетинг вазифаларини бошқариш мақсадида тузилган таркибий тузилма ҳисобланади. Унинг таркиби қўйилган мақсадга эришишга ҳамда мақсадли бозорни таъминлашга хизмат қилувчи маркетинг элелментларининг аниқ мужассамлашувини англатади.

Маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мураккаб масалалардан бири саналади. Биз ўз тадқиқотларимизда «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг таркибий тузилмаларида маркетинг фаолияти ҳолатини ва унинг самарадорлигини ўргандик.

Маълумки, маркетинг самардорлигини баҳолаш усуллари икки тоифага: миқдорий ва сифатий кабиларга ажратилади. Маркетинг фаолиятини олиб борувчи хизматларнинг бошқарув самарадорлигини миқдор жиҳатдан баҳолаш бир қанча қийинчиликларни туғдирганлиги сабабли сифатий усулларни қўллашни лозим топдик. Сифатий усулларни қўллашда маркетинг аудити қоидаларига таянилади. Маркетинг аудитини ташкил этишда эса экспертлар баҳоси усулини қўллаш юқори самара беради. Шунинг учун биз ўз тадқиқотларимизда «Ўзпахтасаноат» АЖ ва таркибий бўлинмаларидаги маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда экспертлар баҳоси усулини қўлладик.

Экспертлар сўрови жараёни қуйидаги босқичарга олиб борилди: I босқич (тайёргарлик) – бунда сўров варақномалари тайёрланди, экспертлар танланди ва улар сони аниқланди; II босқич (ташкилий) – сўровни ташкил этиш, варақномаларни тарқатиш ва йиғиб олиш; III босқич – экспертлар берган маълумотларни қайта ишлаш.

Экспертлар сўровини ташкил этишда биз томондан таклиф этиладиган социологик тадқиқотлар ўзида қуйидаги масалаларни қамраб олади: услубиёт қисмида – муаммони асослаш ва шакллантириш, мақсадни аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш, асосий ташунчаларни мантиқий жиҳатдан таҳлил қилиш, тахмин ва тавсияларни шакллантириш (асосий ва қўшимча); услубий қисмида – тадқиқот кўламини аниқлаш, қўлланиладиган усуллар тавсифи, йиғиладиган маълумотлар учун воситалар мантиқий тузилмаси, уни қайта ишлашнинг мантиқий схемаси.

Социологик тадқиқотларни олиб бориш учун экспертлар сифатида тармоқнинг маркетинг, менежмент, технология соҳаларида фаолият олиб бораётган 26 та етук мутахассислари, шунингдек унинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва турдош тармоқларнинг 12 та мутахассиси жалб этилди. Сўровнома вароғи 14 та саволдан иборат бўлиб, уларда ўрганилаётган объектнинг ташкилий таркибининг маркетинг концепцияси мезонларига мослиги, маркетинг фаолиятининг маркетинг тадқиқотлари, бозорни сегментлаш ва товар ҳаракати, нарх сиёсати, маркетингни ривожлантириш ҳамда маркетинг коммуникацияларини тавсифловчи саволлар ташкил этган. Ушбу сўровномани ташкил этишдан мақсад маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этишда мавжуд таркибий тузилмани такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш саналади. Социологик тадқиқотлар бўйича маркетинг фаолияти самрадорлиги 0 дан 10 гача балл оралиғида баҳоланди.

Социологик тадқиқотдан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, пахта тозалаш тармоғи корхоналарида ташкилий таркибнинг маркетинг концепциясига мослиги ҳамда маркетинг фаолиятининг бозор ўзгаришларига мосланувчан тарзда ташкил этилиши даражаси «ўрта» даражада баҳоланади, яъни максимал баллнинг 40,7 %ини ташкил этган (5,7/14*100).

Бундай ҳолатнинг бўлишлигига асосий сабаб акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи пахта тозалаш ҳакциядорлик жамиятлари бошқарув таркибий тузилмасида тегишли маркетинг бўлимлари ва хизматларининг ташкил этилмаганлиги ҳисобланади. Ваҳоланки, ташқи савдо билан шуғулланувчи жаҳондаги кўплаб йирик компаниялар Президентларининг вице-президент лавозимини маркетинг масалалари билан шуғулланувчилар эгаллаган.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётда юқори самарадорликка маркетинг тамойилларидан унумли фойдаланмасдан эришиб бўлмайди. Бинобарин, пахта тозалаш саноатида ҳам маркетинг хизмати мақомини юқори даражага кўтариш лозим бўлади.

Олиб борилган социологик тадқиқотлар натижасида пахта тозалаш саноатида маркетинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар оширилиши лозим:

- таркибий тузилма маркетинг хизмати мақомини ошириш маҳсулот турлари бўйича маркетинг хизматларини ташкил этиш;
- маркетинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- маркетинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, мониторинг олиб бориш ва доимий равишда баҳолашни амалга ошириш;
- мақсадли бозорларни излаб топиш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, натижаларга қайта ишлов бериш ва уларни қуйи бўғинларга ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш;
- бизнес-режаларни тузишда маркетинг бўлимига алоҳида эътиборни қаратиш, стратегик режаларни тузишни амалга ошириш;
- реклама ва ярмаркаларни самарали ташкил этиш;
- маркетинг тадбирларини амалга оширганлиги учун рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- маркетинг мажмуаси элементлари ўзаро алоқадорлигини таъминлаш.

Шунинг учун пахта тозалаш саноати корхоналарида ривожланишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бинобарин, пахта тозалаш саноатида ҳам маркетинг хизмати мақомини юқори даражага кўтариш лозим бўлади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони / www.lex.uz.
2. Abell D.E. Defining the Business: The Starting Point of Strategic Planning. Englewood Cliffs, NJ, Prentice-Hall, 1998.

3. Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонг В. Основы маркетинга / Пер. с англ.; 2-е изд. – М.: СПб.: К.: Изд. дом "Вильямс", 2007. – 1199 с.
4. Бернет Дж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации: интегрированный подход / Пер. с англ. под ред. С. Г. Божук. – СПб.: Питер, 2001. – 864 с.
5. Голубков Е. П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. – М.: Финпресс, 2008. – 414 с.
6. Завгородняя А. А., Ямпольская Д. О. Маркетинговое планирование. – СПб.: Питер, 2002. – 352 с.
7. Бекмуродов А. Ш., Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 112 с.
8. Болтабоев М. Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.
9. Qosimova M.S., Yusupov M.A., Ergashxodjayeva SH.D. Marketing. Darslik. – T.: TDIU, 2010. – 265 b.
10. Ковалев А. И., Войленко В. В. Маркетинговый анализ / 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Центр экономики и маркетинга, 2000. – 256 с.
11. Фасхиев Х. А. Определение конкурентоспособности предприятия // Маркетинг в России и за рубежом. – 2009. – №4. – С. 75-83.

**Омонова Насиба Рахмонкуловна**
**(Такшкент, Узбекистан)**

## ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА УЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎРНИ

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан пахтачилик мажмуасида ҳам амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштиришга йўналтирилмоқда. Ушбу соҳада олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, тармоқ ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришларни амлга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркинлигини таъминлаш, мулкчиликнинг турли шаклларини жорий қилиш ҳамда хўжалик, ташкилот ва корхоналар ўртасида моддий-техника таъминоти, молиявий-иқтисодий ўзаро муносабатларни такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Корхоналар ишини яхшилаш, уларга эркинлик бериш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш янада сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш, натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистонда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш зарурати ортиб бормоқда. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1].

Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналган пахтачилик мажмуаси корхоналарида фаолият самарадорлигини бошқариш асосида фойдаланилмаётган ички салоҳиятлардан янада оқилона фойдаланишни таъминлашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу жиҳатдан, пахта тозалаш корхоналари фаолият самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг узоқ муддатли муҳим мақсадларидан бири иқтисодий ўсишга эришиш саналади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизиқ бўйича рўй бермайди.

Ушбу жараён ўз ичига юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларини, ижобий ва салбий томонларни олганлиги боис нотекис боради. Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ифодасини реал ялпи миллий маҳсулот (ялпи ички маҳсулот) ҳажмининг ва унинг аҳоли жон бошига кўпайишида топади

Саноат корхонаси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мураккаб жараён ҳисобланиб, ушбу жараённи баҳолаш учун ҳозирда мавжуд услубий ёндашувлар барчаси ҳам амалий ишлар учун қўллашга лойиқ эмас. Шу билан биргаликда “самара”, “самарадор”, “самарадорлик” каби атамалар мазмунининг ҳам бир-биридан фарқланиши баҳолашни бир қадар қийинлаштиради.

Умуман, “самарадорлик” тушунчасини фанга биринчи марта итальян олими Вильфредо Парето (1848-1923) киритган, у чегараланган ресурслар бозорида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. Изланишлар натижасида у “самарадорлик – бу, бозордаги шундай вазиятки, унда бирор киши бозордаги ўз ҳолатини бошқага халақит бермасдан ўзгартира олмайди”, – деган хулосага келди. Шу тариқа бу самарадорлик “Парето самарадорлиги” деб аталди [2, 115-б.].

Макконнелл К. Р., Брю С. Л.лар эса самарадорликни камёб ресурслардан оқилона фойдаланиб, инсонлар эҳтиёжини қондириш, деб тушунтирадилар [3, 156-б.].

С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензилар самарадорликни талқин қилишда ишлаб чиқариш самарадорлигини имкониятлар чизиғи билан боғлашган. Улар агар ишлаб чиқариш вариантлари шу имкониятлар чегарасида бўлса, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланилмоқда, деган хулоса чиқаришади [4].

Самарадорлик масалаларига Ўзбекистонлик олимлар Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. [5, Б.652.], Ўлмасов А., Ваҳобов А. В. [6, Б.52], Пардаев М. Қ., Абдукаримов А. [7, Б.154], Абдурахмонов К. Х. [8], Ғуломов С. С.лар [9] ишлаб чиқаришдан олинган натижани ресурс сарфлари билан боғлаган ҳолда ўз фикрларини билдирган.

Умуман олганда самарадорлик (*efficiecy*) – бу корхонанинг эришилган натижа (самара)сининг ушбу натижага эришишни таъминлайдиган ресурс (харажат)ларга нисбатидир.

Иқтисодий ва махсус адабиётларда, шунингдек, ишлаб чиқариш амалиётида иқтисодий самарадорлик икки турларга ажратилади: мутлақ ва нисбий самарадорлик.

Мутлақ самарадорлик муайян олинган натижа микдорини уни шакллантириш жараёнида сарфланган харажатларга нисбатини билдириади. Муайян кўрсаткичнинг бошқа ёки умумий кўрсаткичга нисбатан афзаллигини ва фойдалилик даражасини аниқлаш усули нисбий самарадорлик усули дейилади.

Нисбий самарадорлик кўрсаткичлардан бирортасининг афзаллигини, фойдалилигини техник иқтисодий жиҳатдан асослаш учун ҳисоблаб чиқарилади. Бунда натижа сифатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг фойдалилик даражаси ўрганилади. Бундан ташқари, самарадорликни ички ва ташқи турларга ҳам ажратиш мумкин. Ички самарадорлик – бу корхонада мақбул тежамкорлик тизимини жорий этиш, ёки юқори сифат омили асосида мавжуд ресурслардан оқилона фойдалана олишдир. Бу ўринда, самарадорлик ишлаб чиқариш натижалари билан биргаликда бошқарув тизими самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, сотув самарадорлиги каби кўрсаткичларни қамраб олади.

Ташқи самарадорлик эса, асосан корхонада замонавий менежмент усуллари татбиқи натижаларини акс эттиради.

Халқаро амалиётда фирма фаолияти натижадорлигини ўлчаш (баҳолаш)да бир қанча концепциялар яратилган бўлиб, ушбу концепциялар асосан, мувозанатлаштиришни назарда тутган. Улар жумласига Р. Линч ва К. Кросларнинг натижалар пирамидаси (*performance pyramid*) [10], Д. Киган ва бошқаларнинг натижани ўлчашнинг матрицаси (*the performance measurement matrix*) [11], Р. С. Каплан ва Д. П. Нортонларнинг баланслаштирилган кўрсаткичлар харитаси [12] киради.

Тадқиқот ишининг мақсадига биноан пахта тозалаш тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ажралиб турадиган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва уни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида ушбу корхоналар фаолиятини баҳолаш услуби ишлаб чиқилди.

Ушбу услуб қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир:

**1-босқич.** Пахта тозалаш корхонаси ички ва ташқи муҳити омилларини таснифлаш ва ҳар бир ресурсдан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни танлаб олиш.

**2-босқич.** Умумий самарадорликни аниқлаш учун ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳининг муҳимлик даражасини аниқлаш.

**3-босқич.** Кўрсаткичларни қиёсланадиган кўринишга – бир асосга – келтириш ҳисобини амалга ошириш. Бунда ҳисоб-китоб қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\overline{\mathrm{Y}_{\text{ke.иж}}} = \frac{\mathrm{Y}_{\text{ke}}}{\mathrm{Y}_{\text{ke}}{}^{\max}}, \text{ ижобий кўрсаткичлар учун,} \quad (1)$$

$$\overline{\mathrm{Y}_{\text{ke.сал}}} = \frac{\mathrm{Y}_{\text{ke}}{}^{\min}}{\mathrm{Y}_{\text{ke}}}, \text{ салбий кўрсаткичлар учун,} \quad (2)$$

бунда $\overline{Y_{ke.иж}}$ ва $\overline{Y_{ke.сал}}$ – $k$-корхона, мос равишда, ижобий ва салбий $e$-кўрсаткичининг ўлчовсиз (индекс) баҳоси;

$Y_{ke}$ – $k$-корхона $e$-кўрсаткичининг ўлчовли баҳоси;

$Y_{ke^{max}}$ – $k$-корхона -кўрсаткичининг максимал ўлчовли баҳоси;

$Y_{ke^{min}}$ – $k$-корхона -кўрсаткичининг минимал ўлчовли баҳоси;

**4-босқич.** Корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

Биз ўз тадқиқотларимизда пахта тозалаш корхоналари хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларига таянган ҳолда ушбу корхоналарда фаолияти самарадорлигининг даражасини баҳолашда кўрсаткичларни танлаш учун унинг ҳар бир фаолиятини самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни танлашни лозим топдик.

Зероки, корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолашга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш натижалари бу жараёнга комплекс тизимли ёндашиш талабини қўяди.

Пахта тозалаш корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун танлаб олинган кўрсаткичлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим, деб ҳисобладик:

- ўзаро боғлиқлик;
- холислик;
- релевантлик;
- ишончлиликнинг тўлиқлиги;
- ҳисоблашдаги қулайлик ва соддалик;
- изоҳланганлик.

Тайёрланган пахта хом ашёсидан самарали фойдаланилганликни тавсифловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: тола чиқиши ҳамда пахта хом-ашёси сортларидан тола саноат сортларига ва синфларига ўтиши; олинган толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича давлат стандартига мувофиқ келиши.

Кўрсатиб ўтилганидек, пахта тозалаш заводи ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини тавсифловчи хусусий кўрсаткичлар кўлами кенгдир, приц317пиал жиҳатдан қараганда уларни танлашда қандайдир чегараланиш мумкин эмас. Аммо, бу ҳолатда ҳар бир кўрсаткич салмоғини ифодаловчи коэффициентларни ҳисоблаш жараёни қийинлашади. Шунинг учун барча кўрсаткичлар тизими ичидан корхонанинг у ёки бу фаолиятини ёхуд у ёки бу ресурсларидан қай даражада фойдаланилаётганини тўлароқ тавсифлайдиган кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу танлаб олинган кўрсаткичлар бўйича интеграл баҳони ахтармоқ лозим. Бизнинг фикримизча, қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: тола чиқиши; меҳнат унумдорлиги; фонд қайтими; ресурс қайтими, тайёр маҳсулот айланувчанлиги коэффициенти, ўз капитали айланувчанлиги коэффициенти.

Шундай қилиб, корхонада фаолият самарадорлиги унинг фаолият жабҳаларини кенг қамровли тарзда тавсифлайдиган иқтисодий категориялардан бири саналади. Шу боисдан, биз томондан, юқорида пахта тозалаш корхоналари фаолият самарадорлигини баҳолаш учун танланган кўрсаткичлар нафақат ҳозирги ҳолатдаги корхонанинг хўжалик-ишлаб чиқариш

ва сотиш фаолиятининг самарадорлиги ҳамда маҳсулдорлигини тавсифлабгина қолмай, балки динамикасини ўрганишни ҳам назарда тутади.

Пахта тозалаш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

мавжуд пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда пахта толаси чиқиши миқдори ва сифатини ошириш;

ишлаб чиқаришга замонавий тежамкор техника ва технологияларни жорий этиш орқали харажатларни камайтириш ҳамда маҳсулот рақобатбардошлгини оширишга эришиш;

юқори малакали кадрларни жалб қилиш ва уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

ишлаб чиқаришда замонавий менежмент усулларидан фойдаланиш;

тармоқда хом ашёга чуқур ишлов бериш орқали қўшимча қиймат ҳосил қилувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишда самарали диверсификация сиёсатини амалга ошириш;

корхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиш ҳажмини ошириш, истеъмолчилар сонини кўпайтиришга эътибор қаратишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб кетмаслигини қатъий назоратга олиш. Бунда корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўғри бошқарилишини таъминлаши муҳим аҳамият касб этади;

тармоқ корхоналарида товар-моддий захираларини йирик миқдорда тўпланиб қолмаслигини таъминлаш. Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий заҳиралар (ишлаб чиқариш захираларининг қолдиқлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси, тайёр маҳсулот ва товарлар кабилар)нинг юқори миқдорларини узоқ муддат давомида сақланиши ҳам айланма маблағлар самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур кўрсаткичнинг ўзгариш динамикасини доимий равишда кузатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони / www.lex.uz.
2. Румянцева Е. Е. Новая экономическая энциклопедия. – М: ИНФРА-М, 2005. – 724 с.
3. Макконнелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т. / Пер. с англ. Т. 1 – Таллинн, 1993. – 400 с.
4. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело Лтд., 1993. – 829 с.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 704 б.
6. Ўлмасов А., Ваҳобов А. В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014. – 480 б.
7. Пардаев М. Қ., Абдукаримов А. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Сам. ИСИ, 2007. – 154 б.
8. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. – Т., 2004. – 215 б.
9. Ғуломов С. С. ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002. – 224 б.

10. Lynch, R. L., Cross, K. F. (1991). Measure up! How to measure corporate performance. Cambridge: Blackwell Publishers.
11. Keegan, D. P., Eiler, R. G., Jones, C. R. (1989). Are your performance measures obsolete? – Management Accounting, June, 45–50.
12. Kaplan, R. S., Norton, D. P. (1992). The Balanced Scorecard: measures that drive performance. – Harvard Business Review, January–February, 71–79.

# СЕКЦИЯ: ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Абдреймов Юсупбай Турдибаевич,**
**Досназарова Айгул Даулетназаровна**
**(Нукус, Узбекистан)**

## МЕЦЕНАТСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ

***Аннотация:*** *В работе изучены современное состояние меценатства в Республике Узбекистан, определены сущность, цели и задачи меценатской деятельности. Даны точные понятия ключевых терминов, используемых в этой сфере. Выдвинуты проблемы, возникающие в этой сфере.*

***Ключевые слова:*** *меценатство, меценат, меценатская деятельность, субъекты и объекты меценатской деятельности*

Проблема меценатства как своеобразной формы социально-культурной деятельности привлекает все большее внимание исследователей. Актуальность проблемы определяется тем, что вне ее раскрытия невозможно воссоздать объективную картину истории мировой, и, в том числе, отечественной культуры.

В этой связи представляется важным рассмотреть сущность и причины возникновения этого феномена, а также способы мотивации и оптимизации меценатства, практикуемые в зарубежных странах, показать, какие конкретные рычаги существуют в их культурной политике для обеспечения развития и поддержания благотворительной деятельности в условиях рыночных отношений, с тем, чтобы, ознакомившись с ними, предложить способы перенесения положительного опыта на почву узбекских реалий.

В современных условиях в Узбекистане немаловажное место имеет обсуждение вопроса о сущности культурной политики в целом и о финансово-экономических основах культурной деятельности в том числе.

Существуют некоторые ограничения в экономике - возможность государства в деле предоставления необходимых ресурсов организациям культуры для их работы в целях осуществления последними перспективных проектов и программ, а также для обеспечения сохранности накопленного культурного богатства. В этой связи существовании многих культурных организаций и в целом культурной деятельности без существенной благотворительной помощи со стороны представляется достаточно сложным.

С появлением в республике значительных частных и акционерных капиталов остался в стороне капиталовложение в культуру, которая открывает возможность стать объектом благотворительной деятельности, меценатства и спонсорства. Наметилась тенденция возобновления тех связей и отношений, которые некогда успешно, к взаимной выгоде, которая существует между культурой и экономикой во многих других странах. Кроме того уже утверждаются новые формы этих связей, отвечающие современным условиям цивилизованных контактов между данными сферами.

На наш взгляд, нынешнее состояние благотворительности (меценатства) в нашей стране требует более основательного его изучения.

Прежде всего, нужно провести параллели между причинами, которые толкали людей на совершение благотворительных поступков в прошлом, и теми мотивами, которые движут современными благотворителями и меценатами. Ведь известно, что меценатство - это культурно-исторический феномен, возникший едва ли не на заре человеческой цивилизации одновременно со способностью человека сочувствовать, сопереживать.

В этой связи нельзя оставить без внимание принятие в нашей республике закона «О меценатстве» от 16 октября 2019 года. Этот закон определяет свою цель – регулирование отношений в области меценатства. Так в законе четко приведены определения таким понятиям, как меценатство, меценат и меценатская поддержка.

Таким образом, закон определяет понятие меценатства следующим образом: благотворительная деятельность, осуществляемая физическими и юридическими лицами в сфере культуры и искусства, а также науки, образования, просвещения и иной деятельности, связанной с развитием культуры и искусства. А меценат, следовательно, физическое или юридическое лицо, осуществляющее меценатскую деятельность.

В каких целях осуществляется меценатская власть? Прежде всего меценатская деятельность осуществляется в целях создания условий для сохранения, охраны и использования объектов культурного наследия нашей родины; поддержки профессиональной деятельности в сфере культуры и искусства; участия в реализации государственных и иных программ, проектов в области сохранения, охраны и использования объектов культурного наследия Узбекистана; поддержки молодых талантов и деятелей в сфере культуры и искусства; а также для расширения моральных и иных стимулов для участия физических и юридических лиц в развитии культуры и искусства.

Отмеченные явления культурной и социальной жизни общества были широко распространены во многих других странах и постепенно начинают возрождаться уже в наши дни. Их описанию и анализу посвящено достаточное количество книг и статей. Однако изучение этих явлений до сих пор шло и по-прежнему продолжает двигаться преимущественно в историческом ключе: главное внимание исследователей концентрируется на биографиях выдающихся меценатов и благотворителей, в опубликованных работах даются оценки масштабов и направлений вложений меценатов в сферу культуры, вскрываются последствия этих решений. В результате проведенных исследований утвердилось справедливое мнение, что коллекционеры и меценаты - это достаточно большая, но весьма неоднородная как в социальном, так и культурном отношении социальная прослойка.

В этой связи представляется важным рассмотреть сущность и причины возникновения этого феномена, а также способы мотивации и оптимизации меценатства, практикуемые в зарубежных странах, показать, какие конкретные рычаги существуют в их культурной политике для обеспечения развития и поддержания благотворительной деятельности в условиях рыночных отношений, с тем, чтобы, ознакомившись с ними, предложить способы перенесения положительного опыта на почву российских реалий.

В результате исследования современного отечественного меценатства выявлено, что в настоящее время оно вновь появилось государством в как способ осуществления деятельности для развития именно культуры и

искусства, в связи с чем целевая благотворительная деятельность и социальные программы не вызывают большого энтузиазма у представителей бизнеса. В целом можно отметить, что со временем этот вид деятельности обретет свое место в отечественной экономике. И в свою очередь, меценатство, стимулируемое законодательством, может стать элементом его дальнейшего нравственного совершенствования. В этой связи важно осознавать, что в нынешних условиях, роль государства в области развития меценатства остается ведущей. И именно государство должно определять приоритеты благотворительной деятельности меценатов, создавая при этом оптимальное правовое и информационное пространство для обеспечения ее эффективности.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. https://lex.uz/docs/4556125
2. https://www.norma.uz/proekty_npa/kak_budut_pooshchryat_mecenatov

# ИНФОРМАЦИЯ О СЛЕДУЮЩЕЙ КОНФЕРЕНЦИИ

Уважаемые научно-педагогические работники учебных заведений, аспиранты, соискатели и студенты. Приглашаем Вас принять участие в
**LVIII Международной научной конференции**
**«Актуальные научные исследования в современном мире».**
**(26-27 февраля 2020 г.)**

Для участия в конференции необходимо до **25 февраля 2020 г**. **(включительно)** отправить статью на электронную почту оргкомитета: iscience.in.ua@gmail.com.

**Рабочие языки конференции:** *українська, русский, english, polski, беларуская, казақша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն*

**Планируется работа следующих секций:**

1. БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
2. ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
3. ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
4. ЖУРНАЛИСТИКА
5. ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ
6. ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
7. КУЛЬТУРОЛОГИЯ
8. МЕДИЦИНСКИЕ НАУКИ
9. МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ
10. ПЕДАГОГИКА
11. ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ
12. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
13. СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО
14. СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ
15. СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
16. ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ, ТРАНСПОРТ
17. ТУРИЗМ И РЕКРЕАЦИЯ
18. ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
19. ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ И СПОРТ
20. ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
21. ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
22. ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
23. ЭКОЛОГИЯ
24. ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
25. ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

## УСЛОВИЯ УЧАСТИЯ

Для участия в конференции необходимо до **25.02.2020 г. (включительно)** отправить на электронный адрес: iscience.in.ua@gmail.com:

1. Текст статьи (оформлен в соответствии с нижеприведенными требованиями);
2. заявку участника;
3. копию документа об оплате орг.взноса в электронном виде или (СНГ. Отправить на email № перевода и название системы перевода. Украина (сума, дата, время и ФИО плательщика).
4. личную фотографию в формате.jpeg (по желанию).

# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

XLV Международная научная конференция
26-27 января 2020 г.

ВЫПУСК 1(45)

Ответственность за новизну и достоверность результатов научного исследования несут авторы

Ответственный за выпуск: Водяной О.
Дизайн и верстка: Вовкодав А.

Учредитель: ОО "Институт социальной трансформации"
свидетельство о государственной регистрации №1453789 от 17.02.2016 г.

Подписано к печати 04.02.2020.
Формат 60х84 1/16.
Тираж 300 шт. Заказ №042
Изготовитель: ФЛП "Кравченко Я.О."
свидетельство о государственной регистрации В01 №560015
Адрес: 03039, Украина, Киев, просп. В. Лобановского, 119
тел. +38 (044) 561-95-31

Адрес ред. коллегии:
08400, Украина, Киевская обл., г. Переяслав,
ул. Богдана Хмельницкого, 18
тел.: +38 (063) 5881858
сайт: http://iscience.in.ua
e-mail: iscience.in.ua@gmail.com

